

ЎзССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ
МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ш. К. ХОЛМАТОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

(Филология факультетларининг сиртқи ва
кечки бўлим студентлари учун қўлланма)

Самарқанд — 1979

ЎзССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРЛИГИ
А. НАВОИЙ НОМИДАГИ МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ
ОРДЕНЛИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Шавкат Камолович ХОЛМАТОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

(Филология факультетларининг сиртқи ва кечки бўлим
студентлари учун қўлланма)

Ўзбекистон Республикаси
олий М. Саидовга самимий
ёрдани, ўзига маслаҳатчи
урун қил қолбадеч

Шавкат Шавкатов

Самарқанд.
25.12.79

Самарқанд — 1979

А. Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ
орденли Самарқанд Давлат университети редакцион
—нашриёт советининг қарорига биноан нашр
этилмоқда.

Масъул муҳаррир — филология фанлари доктори,
профессор С. З. МИРЗАЕВ

Аннотация

Мазкур ўқув қўлланмасида ўзбек фольклорига
оид материалларни системалаштиришга ҳаракат
қилинган.

Қўлланмани яратишда методик мақсад ҳам кўз-
да тутилган: у олий ўқув юрларида «Ўзбек халқ
оғзаки ижоди» курси бўйича ўтиладиган программ
материални ўзлаштиришни осонлаштириши мумкин.

Иш олий ўқув юрлари филология факультет-
лари студентлари, аспирантлар ва барча халқ оғза-
ки ижоди билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

СУЗБОШИ

Ўзбек халқи кўп миллатли Ватанимизнинг барча халқлари
сингари бой тарихга, киши қалбини ҳайратга солувчи бадий
сўз ва муסיқий меросга эга. Бу улкан маданий бойлик Октябрь
социалистик революциясигача бўлган даврда мунтазам тўплан-
маган ва деярли ўрганилмаган эди. Ўзбек халқ оғзаки бадий
ижодини ўрганиш асосан совет давридагина бошланди. Ўзбек
фольклористикаси юзага келди ва шаклланди. Бу фан ўзининг
шаклланиши ва тараққиёти давомида мураккаб йўлни босиб
ўтди.

Совет даврида ўзбек фольклорини тўплаш ва илмий-назарий
жиҳатдан ўрганиш бўйича жуда катта ишлар қилинди. Акаде-
миклар В. В. Струве, В. Ф. Шишмаров, профессорлар Е. Э.
Бертельс, В. М. Жирмунский, С. П. Толстов, А. Ю. Якубовс-
кий каби машҳур олимлар ўзбек фольклористикасининг ўси-
шига катта ҳисса қўшдилар. Ўзбек фольклорист олимларидан
Ж. Қобулниёзов, Ҳ. Раззоқов, Т. Мирзаев, М. Қодиров, М.
Саидов, М. Муродов, Э. Хусайнова, О. Собиров, М. Қодирова,
Т. Ғозибоев ва бошқаларнинг ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди
масалаларини тадқиқ этишга бағишланган асарлари майдонга
келди.

Бироқ, «Ўзбек халқ оғзаки ижоди» курси бўйича махсус
дарслик ва ўқув қўлланмасининг йўқлиги студентларнинг маз-
кур курсни ўзлаштиришларида анча қийинчиликлар туғдир-
моқда. Ана шуларни ҳисобга олиб, «Ўзбек халқ оғзаки бадий
ижоди программаси» асосида ушбу қўлланмани яратишга ҳара-
кат қилинди. Мазкур қўлланма ўзбек фольклори бўйича дарс-
лик яратиш йўлидаги дастлабки уриниш бўлиб, студентларнинг
бугунги кундаги талаб ва эҳтиёжларини маълум даражада
қондиради деган умиддамиз.

ЎзССР Фанлар академиясининг академиги В. А. Абдулла-
ев, ТошДУ профессори М. Саидов, СамДУ профессорлари С. З.
Мирзаев ва Р. Р. Муқимовларга қимматли маслаҳатлари учун
самимий миннатдорчилик билдирамиз.

А В Т О Р.

X $\frac{70202}{M 382 (206) - 78}$ — 7 — 78

© А. Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ
орденли Самарқанд Давлат университети,
1978 йил.

КИРИШ

Ўзбек халқининг энг қадимги даврдан шу кунга қадар етиб келган маданий меросларидан бири халқ оғзаки бадий ижодидир. Илмий адабиётда қўлланадиган халқ оғзаки бадий ижоди ёки фольклор термини халқнинг узоқ асрлардан бери давом этиб келаётган оғзаки бадий ижод намуналарини ўз ичига олади. Илмий адабиётга биринчи марта 1846 йилда Вильям Томсон томонидан киритилган фольклор термини инглизча икки сўздан — «фольк» (folk), «лор» (lor) дан иборат бўлиб, халқ донишмандлиги, халқ донолиги каби маъноларни англатади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар бу соҳа «халқ поэзияси», «эл адабиёти», «халқ адабиёти», шунингдан сўнг эса «фольклор», «оғзаки халқ ижоди» каби номлар билан аталиб келинди. Ҳозирги вақтда «Ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди» ёки «Ўзбек фольклори» деб аталганки, бу термин мазкур курснинг мазмунини, мақсад ва вазифаларини тўла-тўқис ифодалайди.

Халқ оғзаки ижоди—фольклор халқ томонидан асрлар давомида яратилиб, оғиздан оғизга, авлоддан авлодга ўтиб, ривожланиб, узлуксиз давом этиб келаётган коллектив ижодидир. У халқнинг ижтимоий ҳаётини, тарихини, кураш йўлини ёрқин ифодалайди. Ҳақиқатан ҳам халқ оғзаки бадий ижоди халқ тарихининг бадий инъикосидир. Чунки, фольклор асарларида ижодкор халқнинг кўп асрлик тарихи, турмуш тажрибаси, табиат ҳодисаларига муносабати, ижтимоий ҳодисаларга қарашли бадий ифодаланган.

Фольклор диалектология, тарих, этнография, археология билан узвий боғлиқ.

«Ўзбек халқ оғзаки ижоди» курси халқимиз орасида узоқ асрлардан бери узлуксиз давом этиб келаётган оғзаки бадий ижодини ўрганиш, таҳлил қилиш билан шўғулланади; халқ бахшилари ижодини, улар яратган

асарларнинг ғоявий бадий хусусиятларини, образлар системаси, бадий тасвир воситалари, фольклордаги традиция ва новаторлик проблемаларини, фольклорнинг ёзма адабиётга таъсирини ўрганади.

Бадий адабиётнинг энг муҳим хусусияти инсон ҳаётини бадий формада образли акс эттиришдир. Фольклор ҳам бадий адабиётнинг ажралмас узвий қисми сифатида халқнинг узоқ асрлик турмушини, кураш ва интилишларини бадий ифодалайди. Бироқ, фольклорнинг ёзма адабиётдан фарқловчи ўзига хос специфик хусусиятлари мавжуд. Улар асосан қуйидагилар: коллективлик, оғзакилик, анонимлик, вариантлик, анаъанавийлик.

Коллективлик. Фольклор асарлари узоқ асрлардан давом этиб келаётган ижодий процесснинг маҳсулидир. Оғзаки бадий ижод асарларининг такомилли ва сайқалланишида коллективнинг ижодкорлик роли каттадир.

Фольклор асарлари халқ ўртасида сўз санъаткорлари томонидан ижод қилинган. Аммо уларнинг ижод жараёни халқ (коллектив) билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли яратган асарлари коллектив ижодига айланган кетган. Иккинчидан, ҳар бир сўз санъаткори фольклор асарига ўзича ўзгартиришлар, қўшимчалар киритаверган. Фольклор асарларига коллектив ҳиссасининг қўшилиши боричи оқибатида у коллектив ижод маҳсули бўлиб қолади.

Фольклор асарлари импровизация йўли билан—бадиҳа тарзида яратилади, оғиздан оғизга кўчиб юради, тарқалади. Бадиҳа—маҳсус тайёргарликсиз, бирдан айтилган сўз, шеър, экспромт. Халқ оғзаки бадий ижоди намуналари: халқ кўшиқлари, лапарлар кўпинча бадиҳа йўли билан яратилган. Халқ бахшиларининг ҳозиржавоблик билан қиладиган айтишувлари импровизаторлик намунаси. Фольклордаги бу хусусият **оғзакилик** дидир.

Анонимлик фольклор асарларига хос хусусиятлардан биридир. Халқ оғзаки ижоди асарлари узоқ асрлар маҳсули бўлиб, уларнинг дастлабки ижодкори, ижрочиси номаълумдир. Чунки, фольклор асарлари оғзаки тарзда яратилгани учун ҳам унинг дастлабки ижодкори унутилиб кетилаверади.

Оғзаки ижро этиш процессида ва коллективнинг фольклор асари сюжетига, мазмунига эркин муносабат-

да бўлиши натижасида бу асарнинг кўплаб **вариантлари** майдонга келади. Фольклор асарларининг вариантлик хусусияти — бу асарларнинг узоқ асрлар мобайнида сақланиб қолишига сабаб бўлади. Чунки бир хил сюжетни турли жойларда турли бахшилар ўзича ижро этади. Ҳар бир ижрочи фольклор асарининг у ёки бу вариантга эркин муносабатда бўлади, асар мазмунини ўз замонаси талабларига яқинлаштиради. Оқибатда фольклорда бир хил сюжетда ўнлаб, ҳатто юзлаб вариантлар пайдо бўлиши мумкин. Вариантлик хусусиятини «Алпомиш» достони мисолида яққол кўриш мумкин. Бу достон асрлар давомида профессионал ва ҳаваскор ижрочилар томонидан куйланиб келади.

Демак, фольклор асарлари коллектив ижод маҳсули; у оғиздан оғизга, авлоддан авлодга ўтади, унинг янгидан-янги вариантлари яратилади, ҳар бир ижрочи ўзи куйлаётган фольклор асарига ижодий муносабатда бўлади, асар композициясига турли характердаги ўзгаришлар киритади, сюжетни янги-янги образлар, тасвирий воситалар, воқеалар билан тўлдиради, ўзига маъқул бўлмаган образларни, воқеаларни, тасвирий воситаларни тўғридан-тўғри тушириб қолдираверади. Фольклор асарлари сюжети ва композициясига киритилган янги образлар, воқеалар, ифода—тасвир воситалари ўзига хос қатламни ташкил этади.

Фольклор асарларига хос белгилардан яна бири анаъанавийликдир. Фольклор асарларида халқ жонли тили элементлари, ижро этилаётган жойнинг шева хусусиятлари сақланиб қолади. Халқ оғзаки ижоди асарларининг кўпчилигига хос бўлган хусусият уларнинг композицион қурилишидаги айрим трафарет жумлаларнинг, бир хил қолипга тушган мисраларнинг («бир бор экан, бир йўқ экан», «қирғий деган қуш ўлтирар қиёда»... каби), асардан асарга кўчиб юрадиган образларнинг (дев, ажина, афанди, ялмоғиз каби) кўп учрашидир.

Традицион фольклор асарларида турли даврлардаги ижтимоий ҳодисалар, сиёсий воқеалар, социал гуруҳларнинг хусусиятлари ҳам сақланиб қолади. Чунки, XIV—XV асрларда яратилган эртақ, афанди, латифаларида Алишер Навоий, Амир Темур, Хўжа Аҳрор образлари гавдалантирилганидек, Улуғ Ватан уруши йилларида яратилган фольклор асарларида совет халқининг фа-

шиет босқинчиларига қарши олиб борган кураши ўз бадний ифодасини топган.

Халқ оғзаки ижоди асарларида халқ фантазиясига кенг ўрин берилиб, унда бадний уйдирмалар, қаҳрамонларни идеаллаштириш, турли-туман сеҳрли мўъжизалар тасвирида умумбашарий фикрлар-дўстлик, ватанпарварлик, халқ озодлиги, юрт ободончилиги, меҳнат тажрибалари, севги ва муҳаббат, душманга, зolimларга нафрат акс эттирилади.

Фольклор ҳам синфий характерга эга бўлиб, у қайси синф томонидан яратилган бўлса, ўша синф манфаати, орзу истаклари ифодаланади.

Фольклор халқ санъатининг музыка, ўйин, рақс каби турлари билан узвий боғлиқлиги сабабли дастлабки давларда синкретик хусусиятга эга бўлиб, ижро этилганда унда ўйин, музыка, артистлик маҳорати қўшилиб кетган.

Ўзбек фольклори энг қадимги ва бой тарихга эга. Унинг дoston, эртак, қўшиқ, мақол, топишмоқ, аския, халқ оғзаки драмаси, афсона, латифа каби хилма-хил жанлари тарихий категория сифатида ривожланиб келди.

Фольклор асарлари одатда фақат уни яратган халқ орасидагина тарқалмайди, балки қўшни халқлар ўртасида ҳам тарқалади. Масалан, «Алпомиш» дostonи фақат ўзбеклар орасидагина эмас, балки туркман, озарбайжон, тожик ва қорақалпоқлар ўртасида ҳам машҳурдир. Афанди образи эса шарқ халқлари фольклорига кенг тарқалган.

Ўзбек фольклори ўзбек классик адабиётининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

Фольклор асарларининг айрим сюжетлари, образлари, бадний тасвирий воситалари ўзбек классик ва совет адабиётида у ё бу тарзда ўз аксини топган.

Гарчи фольклор билан ёзма адабиётни бир-биридан ажратиш турувчи хусусиятлар бўлса-да, уларнинг ҳар иккиси ҳам ўзига хос бадний сўз санъатидир. Ёзма адабиёт пайдо бўлганга қадар фольклор сўз санъати сифатида маълум тажрибага эга эди. Ёзма адабиёт шакллана бошлагач, фольклор унинг форма ва ифода воситаларига, бадний хусусиятларига актив таъсир кўрсатди. Шунинг учун ҳам М. Горький «Сўз санъатининг боши фольклордадир», дейди.

Бу оқ шоир ва ёзувчилар қадим замонлардан бери халқ ижодидан унумли фойдаланиб, ажойиб бадний асарлар яратдилар. Рус адабиётининг классиклари А. С. Пушкин, Л. Н. Толстой, А. П. Чехов, А. М. Горький, ўзбек адабиётининг классиклари А. Навоий, З. М. Бобир, Гулханий, Ҳ. Ҳ. Ниёзий, тожик адабиётининг классиклари Фирдавсий, А. Жомий, Ҳ. Деҳлавий ва бошқалар фольклорни яхши билганлар, уни севганлар, оғзаки ижод намуналаридан ўз ижодларида муваффақиятли фойдаланганлар; фольклорнинг ижодий таъсири «Шоҳнома» (Фирдавсий), «Ҳафт пайкар» (Н. Ганжавий), «Хамса» (А. Навоий), «Зарбулмасал» (Гулханий), «Гул ва Наврўз» (Лутфий) каби асарларда яққол сезилади.

Бугина эмас, ўз навбатида ёзма адабиёт ҳам фольклорга самарали таъсир кўрсатиши мумкин.

Фольклор асарларини яратиш ва уни сақлашда халқ шоирлари, бахшилари, эртакчилари, қўшиқчилари, мас харабоз ва қизиқчилари, аскиячилари, қиссахон ва латифачиларининг роли гоят катта. Бугунги ўзбек фольклорининг тараққиётида Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислом шоир Назар ўғли, Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пўлкан қаби халқ шоирларининг, Юсуф қизиқ, Рўзи гов, Исмоил хўроз, Боймат қизиқ қаби халқ қизиқчиларининг, Ғанижон Тошматов, Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султонов каби аскиячиларнинг хизмати ниҳоят катта бўлган.

МАДАНИЙ МЕРОС ҲАҚИДА МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ ТАЪЛИМОТИ

Маданий мерос ҳақидаги марксча-ленинча таълимот халқ оғзаки ижодининг ҳам методологик асосини ташкил қилади. Бу таълимот халқ оғзаки ижодининг назарий ва амалий проблемаларини ёритишда муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, ҳар бир синф, ижтимоий табақа ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз маданиятини, ўз санъати ва адабиётини яратади. Бинобарин, антогонистик, жамиятда ўша жамиятнинг барча аъзолари учун, барча синф ва табақалар учун хизмат қилувчи умумий маданият бўлмайди. Синфий жамиятда В. И. Лениннинг кўрсатишича, «... ҳар бир миллатда икки миллат бор. Ҳар

бир миллий маданиятда иккита миллий маданият бор. Пуришкевичлар, Гучковлар ва Струвеларнинг великорус маданияти бор, лекин Чернишевский ва Плехановнинг номи билан характерланадиган великорус маданияти ҳам бор...»¹.

В. И. Лениннинг бу кўрсатмаси ўзбек маданиятига ҳам бевосита тааллуқлидир. Чунки Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар бўлган ўзбек маданиятида ҳам ана шундай икки хил маданият реакция ва прогрессив маданият мавжуд эди.

Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формация иккинчи бир тузумга—формацияга маданият бойликларини қолдиради. Кейинги авлодлар бу бойликларнинг ворислари бўлиб қоладилар. Лекин шуниси характерлики, кейинги авлодлар аввалги даврдан қолган ҳамма нарсани мерос сифатидан қабул қилавермайди. Аксинча, янги даврда ўз манфаатига, жамият манфаатларига мос тунадиган томонларинигина қабул қиладилар. Бу маданий мерос янги ижтимоий тузумнинг талаб ва эҳтиёжларига қараб қайта ишланади, яшайди. Шу сабабдан мерос бўлиб қолган маданият ва санъат ёдгорликлари ўзи вужудга келган даврда қандай роль ўйнагану ва қандай баҳоланган бўлса, кейинги даврда ҳам айнан шундай бўлмайди. Балки унинг нимасидир эскиради, умрини тугатади, нимасидир яшаб қолади ва янги моҳият касб этади. Бу фарқ адабиёт ва санъат асарларига, жумладан, халқ оғзаки ижоди намуналарига ҳам тааллуқлидир.

Шунинг учун ҳам Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Октябрь революцияси ғалабасининг дастлабки кунларидан бошлаб маданий мерос масаласига алоҳида эътибор билан қаради. «...Меҳнаткаш халқни эксплуатация қилиш асосида вужудга келтирилган ва шу маҳалгача фақат эксплуататорларнинг ихтиёрида бўлган бутун санъат хазиналарини,—деб ёзилган эди РКП (б)нинг VIII съездида қабул қилинган Програмада,—меҳнаткашлар учун очиш ва уларга етадиган қилиш зарур». Коммунистик партия дастлабки кунлардан бошлаб бутун маданият бойликларини халқ мулкига айлантириш учун қатор тадбирларни амалга оширди. 1917 йил 22 ноябрда Халқ Комиссарлари Советининг декретига

мувофиқ хусусий театрлар маориф халқ комиссарлиги ихтиёрига ўтказилди. 1918 йил 11 январида Давлат нашриётини ташкил этиш тўғрисида, 1918 йил 17 июнида «Кутубхона ва китоб сақланадиган жойларни қўриқлаш», 1918 йил 5 декабрда «Санъат ва қадимги ёдгорликларни рўйхат қилиш, ҳисобга олиш ва сақлаш» ҳақида декрет чиқарилди. Кўринадики, социалистик тузум маданий меросни сақлаш, эҳтиётлаш учун янги шароит яратди.

В. И. Ленин «... Инсониятнинг яратган барча бойликларини билиб, ўз онгини бойитган тақдирдагина коммунист бўлиш мумкин»¹, — деб ёзганида маданий мероснинг ана шу прогрессив томонларини назарда тутган эди.

В. И. Ленин маданий меросга муносабат масаласида яна шундай ёзади: «Биз ... ҳар бир миллий маданиятдан фақат унинг демократик ва социалистик элементларинигина оламиз, биз уларни фақат ва мутлақо ҳар бир миллатнинг буржуа маданиятига, буржуа миллатчилигига қарама-қарши қўйиб оламиз»².

Дарҳақиқат, ўтмиш маданий мероснинг прогрессив томонлари янги замон кишисини тарбиялашда, янги типдаги адабиёт ва маданиятни вужудга келтиришда катта роль ўйнайди. В. И. Ленин Ёшлар Союзининг 1920 йил октябрида бўлиб ўтган III съездида сўзлаган тарихий нутқида қуйидагиларни қайд этган эди: «Бутун кишилик тараққиётида вужудга келтирилган маданиятни аниқ билиш, уни қайтадан ишлаш орқасидагина пролетар маданиятини қуриш мумкин эканлигини очиқ-равшан англамасдан туриб, ана шу тахлитда англамасдан туриб, бу вазифани ҳал қила олмаймиз. Пролетар маданияти аллақандай номаълум жойдан келиб чиққан нарса эмас, ... Пролетар маданияти инсониятнинг капиталистик жамият, помешчиклар жамияти, чиновниклар жамияти, амалдорлар жамияти зулми остида яратган билим запасларини қонуний равишда тараққий эттиришдан иборат бўлмоғи лозим»³.

¹ В. И. Ленин адабиёт тўғрисида, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1974 йил, 284-бет.

² Уша асар, 60-бет.

³ Уша асар, 283-284-бетлар.

¹ В. И. Ленин адабиёт тўғрисида, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1974 йил, 71-бет.

Ўтмиш маданий мерос кишиликнинг ҳаёти ва маълум тарихий шароити билан, турли синф ва ижтимоий табақаларнинг аҳволи, дунёқараши, уларнинг маиший турмуши, урф-одатлари билан бизни яқиндан таништиради. Шунингдек, бу мерос кишилардаги энг яхши фазилатларни такомиллаштиришга, инсонпарварлик, дўстлик, ҳалоллик, қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик каби хусусиятларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Марксизм-ленинизм ўтмиш маданий меросини танқидий ўрганишга, унинг ижобий ҳамда салбий томонларининг вужудга келиш сабабларини ёритишга, ижобий томонларини қабул қилишга ва салбий томонларини рад этишга ўргатади. «Сизлар,—деган эди В. И. Ленин комсомолнинг III съездида сўзлаган нутқида,—бу билимларни билиб олиш билангина чегараланиб қолмай, балки танқидий назар билан қараб, билиб олишингиз керак, ўз миянгизни кераксиз гаплар билан тўлдирмасдан, балки уни бутун фактларни билиб олиб бойитишингиз керак»¹.

Ўтмишдаги маданиятни конкрет тарихий шароитни кўзда тутиб тўғри ўрганиш, ёритиш ва баҳолаш мумкин.

К. Маркс ва Ф. Энгельс фольклор тўғрисида.

Халқ оғзаки бадиий ижодини ўрганишда марксча-ленинча фалсафа асосий роль ўйнайди. К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Лениннинг фольклор

тўғрисидаги назарий фикрлари совет фольклористикаси учун методологик асос бўлиб хизмат қилади.

К. Маркс ва Ф. Энгельс меҳнаткаш халқ поэзиясига гоят қизиққан. Улар ўз халқи фольклорини ва бошқа халқлар оғзаки ижодини —Искандинавия сағларию ирланд қўшиқларини, рус билинларию шарқ эртақларини яхши билганлар.

К. Маркс ёшлигида «Немис халқ қўшиқлари» номли тўплам ҳам тузган, бутун ижодий фаолияти давомида фольклор асарларига тез-тез мурожаат қилиб, ўзининг мақола ва нутқларида улардан фойдаланган. Замондошларининг маълумот беришларига қараганда, К. Маркс ўз оиласи даврасида хонанда Ж. Риссе ижросида ирландия халқ қўшиқларини тинглашни ёқтирган. Ф. Энгельс,

Ж. Риссе илтимосига кўра ирландия қўшиқлари тўпламига сўзбоши ҳам ёзиб берган. Ф. Энгельс «Немис халқ қўшиқлари», «Рейн байрами», «Брэй викарийси» каби мақолаларида фольклорнинг муҳим масалаларини ёритган.

К. Маркс ва Ф. Энгельслар умр бўйи фольклорга мурожаат қилганлар. Рус тилини эндигина ўрганишга киришган 50 ёшлик К. Марснинг русча китоблари орасида рус халқ қўшиқ ва эртақлари ҳам бўлган.

К. Маркс ва Ф. Энгельс халқ оғзаки ижоди асарларини юксак гоёвийлиги ва бадиий етуклиги учун қадрлаган.

К. Маркс ва Ф. Энгельсларнинг ўзлари севган фольклор қаҳрамонлари бўлган. Чунончи, К. Маркс қадимги греклар фантазияси асосида яратилган Прометейни, Ф. Энгельс эса «Нибелунги ҳақида қўшиқ» асаридаги Фон Зигфрид образини севган. Улар бу афсонавий қаҳрамонлар тимсолида «халқ этик идеалининг поэтик ифодасини» кўрдилар.

«Зигфрид, — деб ёзади Ф. Энгельс,—немис ёшларининг вакили... Унда биз жасорат кўрсатишга бўлган интилишни, жаҳолат ва зулмга қарши курашнинг намунасини кўрамиз»¹.

Чинакам санъат асари, халқ поэзияси К. Маркс ва Ф. Энгельс фикрича жамиятнинг сиёсий ва ахлоқий қарашларининг эмас, балки кишилик бадиий тафаккурининг шаклланиши ва тараққиётини тасаввур этишга ҳам ёрдам беради. Шунга кўра, улар фольклор асарларига муҳим тарихий манба сифатида муносабатда бўлдилар.

К. Маркс ва Ф. Энгельснинг фольклорнинг муҳим назарий масалалари —халқ поэзиясининг пайдо бўлиши, генезиси, феодализм ва капитализм шароитида фольклор тақдири, халқ эстетикасини ривожлантиришда пролетариатнинг роли каби масалалар тўғрисидаги қарашлари «Табиат диалектикаси», «Сиёсий иқтисод танқидига доир» асарларининг кириш қисмида, «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши», «Қадимги германлар тарихига доир» асарларида ёритилган.

1. К. Маркс и Ф. Энгельс об искусстве, Москва, 1957, т. 2, стр. 568.

1. Уша асар, 283-бет.

Пролетариатнинг улуғ до-
В. И. Ленин фольклор ҳийси В. И. Ленин ўз устозла-
тўғрисида. ри К. Маркс ва Ф. Энгельслар-
нинг фольклор ҳақидаги, уму-

ман санъат ва маданият тўғрисидаги таълимотини янги шароитда ривожлантирди, янги фикрлар билан бойитди. В. И. Ленин ҳам халқ оғзаки ижодининг инсон қалбини есҳрловчи кучини, гоёвий-эстетик қимматини, инсонни тарбиялашдаги ролини юксак қадрлаган.

В. И. Ленин халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш ва уни илмий жиҳатдан ўрганиш зарурлигини уқтирди, бу соҳада ўзи амалий ёрдам ҳам кўрсатди. 1918 йилда М. Е. Пятницкий билан суҳбат қуради ва М. Е. Пятницкийнинг ҳозирги пайтда жаҳонга машҳур бўлиб кетгач рус хорини тузишга кўмаклашади.

Д. М. Ульянов ва М. И. Ульяноваларнинг айтишларига қараганда В. И. Ленин музикани, халқ кўшиқларини тинглашни жуда севган.

В. И. Ленин фольклор тўғрисида қимматли фикрлар билдирган. Доҳийнинг Н. В. Доброволскийнинг «Смоленск этнографик тўплами», Вл. Далнинг «Рус халқ мақоллари», Н. Ончуков тўплаган рус эртақлари, Е. В. Борисов ёзиб олган «Шимолий ўлка эртақлари» номли китоблар тўғрисидаги фикрлари фольклор асарларини ўрганиш ва тадқиқ қилишда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилади.

В. И. Ленин Н. Ончуков тўплаган эртақларни кўриб чиқиб, шундай ёзган эди: «Қандай ажойиб материал... Бунда ажойиб жойлар мавжуд. Бу бизнинг кунларимизда халқ руҳиятини ўрганишда энг керакли ва зарур бўлган чинакам халқ ижодидир»¹.

В. И. Ленин халқ ижодига, халқнинг қадимий санъатига юксак баҳо беради. «Санъат халқникидир, — деб ёзади К. Цеткин билан бўлган суҳбатда,— у ўзининг энг чуқур илдизлари билан меҳнаткаш халқ оммаси орасига кириб бориши, ана шу халққа тушунарли ва севимли бўлиши керак. У омманинг фикр ва тушунчасини, сезгисини тарбиялаши зарур»².

1. В. Д. Бонч-Бруевич. В. И. Ленин об устном народном творчестве. «Советская этнография», М., 1954 г, № 4, стр. 119 — 120.

2. К. Цеткин. «Ленин тўғрисида хотиралар» китобидан, В. И. Ленин адабиёт тўғрисида, «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1974, 326-б.

В. И. Лениннинг халқ оғзаки ижодига берган баҳо-лари, халқ дурдоналарига бўлган муносабати А. В. Лвначарский, Д. И. Ульянов, М. И. Ульянова, Н. К. Крупская, Вл. Бонч-Бруевич ва бошқаларнинг хат, хотиротларида қайд этилгандир.

А. М. Горький ва фольклор

Халқ оғзаки ижодини, унинг олам-олам мазмунини, гоёвий-эстетик моҳиятини чуқур тушуниб, уни эъзозлаганлардан бири пролетар ёзувчиси А. М. Горькийдир.

А. М. Горький ёшлигидан бошлаб фольклорни севди. Рус халқи оғзаки ижоди намуналарини—эртақлар, афсоналар, билинларни, халқ мақол ва маталларини бобосидан, замондошларидан қунт билан тинглади. Бу эса унинг ёзувчи сифатида шаклланишида муҳим мактаб бўлди. Ўзининг дастлабки асарларидаёқ халқ оғзаки ижодига бўлган муносабатини яққол кўрсатди.

М. Горький 1896 йилда ёзган «Вопленица» номли очеркида рус бахшиси Ирина Федосованинг Нижний Новгород шаҳрида бўлган бир чиқиши ҳақида руҳланиб: «Қадимги рус кўшиқларини асранг, уларда умри қаҳ вахоналарда, декадентлик ва скептицизмда тугаб бораётган рус халқининг чидаб бўлмас кулфати ифодаланган. Рус кўшиқлари— бу рус халқи тарихи. Уттиз минг мисрани ёдида сақлаб келаётган саводсиз кампир Федосова буни кўпгина саводли кишилардан яхшироқ билди»¹,—деб ёзган эди.

М. Горький ўзининг фольклор тўғрисидаги қарашлари билан халқ оғзаки ижодига бўлган материалистик фикрларни янада бойитди.

Фольклор асарларини тўплаш ва ўрганишда марксистик методологияга, марксизм-ленинизм классикларининг назарий фикрларига асосланган А. М. Горький халқ оғзаки ижодига бўлган нигилистик қарашларни, буржуа фольклористика мактабининг зарарли назарияларини танқид қилди, фольклорнинг чинакам моҳиятини кўрсатиб берди.

«Халқ,—деб ёзган эди А. М. Горький, —моддий бойликларни яратувчи кучгина эмас, балки бутун буюк поэма-ларни яратувчи биринчи философ ва шоирдир...»².

1. М. Горький. Собр. соч. т. 23, стр. 233.

2. М. Горький. Собр. соч. т. 24, стр. 26.

А. М. Горький совет адабиётига ва совет фольклористикасига асос солди. Унинг Бутуниттифоқ совет ёзувчиларининг I съездида (1934) сўзлаган нутқида, «Эртактлар ҳақида», «Санъат ҳақида», «Ёшлар билан суҳбат», «Адабиёт ҳақида» каби асарларида фольклорнинг муҳим назарий проблемалари ёритиб берилди. А. М. Горькийнинг халқ оғзаки ижоди хусусидаги фикрлари ўзбек фольклорини ўрганишда ҳам муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек фольклористикаси ҳам совет фольклористикасининг узвий бир қисми сифатида Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин янада юксалди, ривожланди. Совет даврида ўзбек халқ ижодининг юксалишида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг адабиёт ва санъат тўғрисида чиқарган қарорлари муҳим роль ўйнади. Натижада совет даврида индивидуал ижодчилар, халқ шоирлари, бахшилар, қўшиқчилари совет воқелиги тематикасида янги-янги дostonлар («Ўртоқ Ленин», «Ҳасан батрак», «Комсомолка Ойтўти», терма ва қўшиқлар («В. И. Ленин», «Октябрь», «Фабриканинг йўлидан»), мақол ва афоризмлар яратдилар.

Коммунистик партия ва ҳукуматимизнинг халқ оғзаки ижодини сақлаш ва оммалаштириш соҳасида кўрсатётган катта ғамхўрликларини халқ бахшилари Эргаш Жуманбубул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан, Ислом шоир Назар ўғлининг 100 йиллик юбилейини кенг нишонлаганида, мазкур бахшиларнинг уй-музейлари ташкил этилганлигида, уларнинг асарлари кўп минг нусхада нашр этилганида ва, ниҳоят, колхоз ва совхозларга, кўчаларга, мактабларга уларнинг номларини қўйилганлигида, улар яшаган жойларга ҳайкаллар ўрнатилганлигида кўриш мумкин.

Совет даврида яратилган халқ оғзаки ижоди асарларида коммунистик ғоявийлик, халқчиллик, ижтимоий ҳаётнинг реалистик тасвири, совет халқининг иродаси, яратувчилик фаолияти, қаҳрамонлик меҳнати, кураши ва маънавий гўзалликлари кўйлангандир.

ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ЭНГ ҚАДИМГИ ОҒЗАКИ ЁДГОРЛИКЛАРИ (Миф ва афсоналар).

Ўрта Осиё халқлари дунёдаги бошқа халқлар қатори ўзларининг энг қадимги ва бой маданиятига, адабий ме-

росига эга. Грек, ҳинд, хитой, арман тарихчиларининг, рус ва Европа олимларининг асарларида Ўрта Осиё халқларининг қадимги маданияти ва оғзаки ижоди тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган. Ўрта Осиё халқларининг маданиятини, оғзаки ижодини ўрганишда рус олимларидан А. А. Кушакевич, Н. Ляпунова, В. Васильев, Е. Ф. Қал, А. А. Диваев, А. Н. Самойлович, В. В. Радлов, В. В. Бартольд, Н. Волинский, Н. П. Остроумов қабиларнинг хизматлари каттадир. Я. Гуломов, В. Шинкин ва С. П. Толстов каби машҳур археолог олимларнинг Ўзбекистон территориясида олиб борган археологик қидирув ишлари ҳам халқимизнинг энг қадимий ва бой маданий меросга эга бўлганлигини кўрсатди.

Ўрта Осиё халқларининг кишилик маданиятининг энг қадимги бешикларидан бири ҳисобланади. Археологик қазилмалар натижалари эрамиздан аввалги мингинчи йиллардаёқ бу территорияларда одамлар истиқомат қилганликларини исботлайди.

Эрагача бўлган Ўрта Осиё территориясида (Хоразм, Амударё, Зарафшон воҳаларида) яшаган халқларнинг тили, уфр-одатлари ва маданияти бир-бирларидан катта фарқ қилмаган.

Ўрта Осиё территориясида яшаган қабилаларнинг бир қисми кўчманчилик билан ҳаёт кечирган бўлса, иккинчи бир қисми ўтроқ ҳолда яшаган. Кўчманчилик билан ҳаёт кечирганлари чорвачилик ва овчилик билан шуғулланган бўлсалар, ўтроқ ҳолда яшаганлари деҳқончилик, ҳунармандчилик билан машғул бўлганлар. Даврлар ўтиши билан халқ сунъий суғориш, иншоот ишларини кенг йўлга қўя бошлаган.

Ўрта Осиё территориясида яшаган қабилалар узок давом этган тарихий процесс натижасида чатишиб кетганлар ва ҳозирги Ўрта Осиё халқларининг қадимги ота-боболари вужудга келган.

Қулдорчилик майдонга келиши билан савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ривожланди. Бу территорияда Самарқанд, Бухоро, Фарғона каби йирик шаҳарлар пайдо бўлди. Археологик қазилмалар шуни исботлайдики, ўша даврларда яшаган ота-боболаримиз кемасозлик, балиқчилик билан ҳам шуғулланганлар. Қадимги Фарғона халқи нефтдан фойдаланишни билган.

Маълумки, ибтидоий кишилар табиат ҳодисалари ва жамиятдаги воқеаларнинг туб сабабларини билмаган-

лар. Улар табиатдаги яшин, довул, сув тошқини, зилзила каби табиий ҳодисаларнинг моҳиятини тушунмас эдилар. Инсон, ер, осмон, қуёш, ой кабиларни жонли ҳодисалар деб тасаввур қилар, уларга сиғинар, айрим ҳайвонларни муқаддас деб биларди.

Ибтидоий киши тасавурида табиатда унга дўст ва душман бўлган икки хил куч мавжуд. Ана шу тасаввур заминидан турли мифлар, афсоналар пайдо бўлган.

Бу ҳақда А. М. Горький СССР Ёзувчиларининг I съездида сўзлаган нутқида қуйидагиларни айтган эди: «Қадимги эртақлар, мифлар ва афсоналарнинг маълум эканлигига шубҳа қилмайман, аммо мен бу эртақ, миф ва афсоналарнинг асосий мағзини чуқурроқ тушунишларингизни истардим. Буларнинг асосий ғояси қадимги даврлардаги меҳнат кишиларининг юкини енгиллаштиришга, уларнинг иш унумини оширишларига, тўрт оёқли ва икки оёқли душманларга қарши қуролланишларига ҳамда сўз кучи—«авраш», «афсун» йўли билан табиатнинг кишиларга хатарли бўлган ҳодисаларига таъсир этишларига қаратилган»¹.

Шундай қилиб, миф кишиларнинг заиф томонларининг гина эмас, балки уларнинг куч-қудрати ва орзу-армонларини ҳам фантазия асосида тасвирлайди, мужассамлаштиради, у поэзия ва санъатнинг раванқ топишига замин тайёрлайди. Шунинг учун ҳам қадимги миф ва афсоналарни ўрганиш М. Горький ёзганидек: «Инсонларга душман бўлган табиат ҳодисалари, стихияларига таъсир қилиш истаги» қандай бўлганлигини яққол тасаввур қилишга имкон беради.

Ҳақиқатдан ҳам афсона ва мифлар реал тарихий шароит ва воқеалардан келиб чиққан. Инсон турмушининг оғир машаққатлари, инсон орзу-истаклари акс этирилган қадимги миф ва афсоналар «инсоният жамиятининг болалик даври» (К. Маркс) ҳақидаги гўзал бадиий лавҳалардир. Миф ва афсоналарнинг қачон пайдо бўлганини, уларда ҳаёт ҳақиқати қай даражада акс этганини аниқлаш қийин. Шундай бўлса-да, афсона ва мифларда акс этирилган қатор ҳоллар реал борлиқ, реал воқеа-ҳодисаларга асослангани аниқ. Халқ оғзаки ижодида яритилган бу миф ва афсоналар кейинча ёзма

дабиётга кириб борган, даврлар ўтиши билан қайта-қайта ишланиб силлиқлана борган.

Ўрта Осиё халқларининг қадимги миф ва афсоналарида асосан яхшилик ва ёмонлик, нур ва зулмат ўртасидаги кураш тасвирланади. Кўпчилик мифологик образлар мана шу икки куч ўртасидаги кураш фонидан гавдаланади. Мифларда ҳикоя қилинишича, икки олам-яъни яхшилик ва ёмонлик олами бор. Яхшилик оламига Ахура Мазда (Ҳурмуз), ёмонлик оламига Ангра Маню (Ахриман) бошчилик қилади. «Гўё 3000 йил мобайнида бу икки олам бир-бири билан тўқнашмаган. Яхшилик ва Нур оламини билиб қолган Ахриман унга қарши кураш очмоқчи бўлади. Ҳурмуз бу курашнинг олдини олиб, иккинчи уч минг йилликда осмон, ер, сув, ўсимлик, ҳайвонлар ва бошқалар ҳамда биринчи инсонни яратади. У даврда зулм ҳам, касаллик ва ўлим ҳам бўлмаган экан. Шундан сўнг учинчи давр (6000—8999) — кураш даври бошланади. Ер юзи турли кучларнинг тўқнашуви мақонига айланади. Ахриман биринчи инсонни ўлдирса ҳам, лекин кишилик уругини йўқотиб юбора олмайди. Тўртинчи давр (9000 — 11999) да яхшилик ва куч нурлари ёмонлик ва зулмат устидан ғалаба қозонади»¹.

Ана шу икки куч ўртасидаги кураш халқ оғзаки ижодида Қаюмарс, Жамшид, Сиёвуш, Бахман ва Доро, Митра, Анахита, Гершасп, Эликбек каби афсонавий ва мифологик образларда мужассамлашган.

Қаюмарс афсонаси.

Бу афсона ўрта Осиё ва Эрон халқлари ўртасида қадимдан машҳур бўлиб келган. Бу афсонанинг манбаи «Авесто»дир.

Бу афсона тўғрисида «Тарихи Табарий» асарида, Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Алишер Навоийнинг «Тарихи Мулуки Ажам» асарида, шунингдек, проф. С. П. Толстовнинг «Қадимги Хоразм маданиятини излаб», проф. Н. М. Маллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» ва бошқа манбаларда қимматли маълумотлар келтирилган.

Беруний Қаюмарс афсонасининг мазмунини келтиради, «Ахриманнинг ёмон қилмишларидан худо ҳайратда қолади, унинг пешонасидан тер чиқади. Терни артиб

¹ А. М. Горький. Адабиёт ҳақида, Тошкент, 1962, 265-бет.

¹ Н. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи, 1-китоб, Тошкент, 1976 йил, 43-бет.

тайлаганда тер донасидан Қаюмарс туғилади. Худо Қаюмарсни Ахриман ёнига жўнатади. Қаюмарс Ахриман ёнига етиб келиб, унинг елкасига миниб олади ва шу ҳолда дунёни айлана бошлайди. Ниҳоят Ахриман бир ҳийла билан Қаюмарсни елкасидан улоқтириб ташлайди ва унинг устига миниб олиб еяжагини айтади. Сени қанси томонингдан бошлаб еяйин, деб сўрайди Ахриман. Оёқ томонидан, деб жавоб беради Қаюмарс, токим дунё гўзаллигидан узоқроқ баҳра олиб турайин. Аммо Қаюмарс Ахриманнинг у айтган гапнинг тескарсини қилишини билар эди. Ахриман Қаюмарсни боши томонидан ея бошлайди. Белига етганда Қаюмарснинг уруғдонидан икки дона уруғ ерга тушади. Улардан ўсимлик ўсиб чиқади. Уша ўсимликлардан бир ўғил, бир қиз (Меша ва Мешона) пайдо бўлади. Уларни форслар Одам ва Момоҳаво деб биладилар. Улар яна Малхи ва Малхиана деб ҳам атаганлар. Хоразмликлар эса Мард ва Мардона деб атайдилар»¹.

Қаюмарс афсонасининг бошқа вариантлари ҳам бор. Жумладан, Табарийнинг «Тарихи Табарий» асарида (Даранг, «Ўзбек адабиёти тарихи, беш томлик, 1-том, «Фан» нашриёти, Т., 1977 йил) Қаюмарс афсонасининг бошқачароқ сюжети келтирилган. Умуман Қаюмарс афсонаси халқ ижодининг илк намуналаридан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Гарчи Қаюмарс тўғрисидаги афсоналар бир-биридан анча фарқ қилса-да, уларни бирлаштирувчи ягона ғоя— эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги муттасил курашда эзгуликнинг ғалабасига ишонч ғояси бўртиб туради.

Жамшид афсонаси. Жамшид (Йима) «Авесто»да баён этилишича, адолатли ҳукмрон бўлиб, унинг даврида қаҳратон совуқ ва жазирама иссиқ ҳам, қариш ва ўлиш ҳам бўлмаган экан. Жамшид кишиларни балолардан сақлаган, уй-жойлар қуриб, ариқлар чиқарган, ер юзини уч баравар кенгайтирган. Бу афсонада Жамшиднинг ижобий хислатлари, фаолияти ҳикоя қилинади.

Жамшид тўғрисидаги афсоналар тарихий манбаларнинг кўпиде бор. Фирдавсий, Табарий, Беруний, Навоий-

1. Беруний. Ал-осор—ул боқия ан—ал—қарун—ул—ҳолия, Тошкент. «Фан» нашриёти, 1969-й.

лар Жамшид тўғрисида анча мукаммал маълумотлар келтирганлар.

Алишер Навоий ўзининг «Тарихи мулуки Ажам» асарида Жамшидни «хусну жамолда дилпазир ва фазлу камолда беназир эрди, ғариб ихтиролар қилди» деб таърифлайди. Қурол яеаш, қалқон қилиш Жамшид давридан бошланган. У ҳаммом бино этган, тўқув ашёларини, ишлатишни жорий қилган. Истаҳр шаҳрини кенгайтирган. Чил минор деган муҳташам бино қурдирган. Уша иморатда Жамшид тахтга ўтирган кун Наврўз деб аталган. Жамшид етти юз йил элга адолат билан ҳукмронлик қилган. Бироқ унинг душмани бўлган Заҳроқ Жамшидни тутиб «арра билан икки бўлиб, жисмини пора-пора қилган».

Фирдавсий ҳам «Шоҳнома» сида Жамшиднинг етти юз йил ҳукмронлик қилганлигини ва унинг амалга оширган хайрли ишларини муфассал баён этади.

Жамшид ҳукмронлигида барча яхшилик рўёбга чиқиб, давлат барқарор, халқ бахтиёр, шод ва хуррам лшаганлигини тасвирлайди.

«Тарихи Табарий»даги Жамшид афсонаси ўз мазмуни билан Навоий ва Фирдавсий ҳикоясидан бир оз фарқ қилади. Унда Жамшиддан ташқари яна Иблис образи ҳам бор. Табарий Жамшиднинг кейинчалик Иблис макрига учраганлигини алоҳида қайд этиб, унга маълум даражада афсонавий руҳ беради. Жамшид образи ўзбек халқининг «Китоби Жамшид» асарида ҳам сақланган.

Беруний Жамшиднинг кўп ва хайрли ишларини санаб чиқади. Унинг Наврўз байрамини тайин этганини сўзлайди.

Умуман Жамшид мифологик образи халқ оғзаки ижодида, кейинча ёзма адабиётда ёмонлик кучларига қарши курашда халқ нажоткори сифатида тасвирланади, кишиларнинг маънавий ғалабаси ва ўз келажагига ишончини яққол ифодалайди.

Сиёвуш афсонаси. Бу афсона кўпроқ Урта Осиёда ёйилганлиги Хоразм ва Бухорода машҳур бўлган тарихий манбаларда қайд қилинади.

Е. Э. Бертельс ўзининг «Форс-тожик адабиёти тарихи» (1960) номли китобида Сиёвуш афсонасининг тарихий илдизлари «Авесто»да учрайди деб кўрсатса, С. П.

Толстов Беруний маълумотларига асосланиб, Сиёвуш милоддан аввалги XIII асрда Хоразм давлатига асос солган деб ёзади, Л. А. Авдеева эса «Ўзбекистоннинг рақс санъати» (1960) монографиясида фарғонача «ката ўйин» Сиёвуш афсонаси мазмуни асосида яратилган деб кўрсатади.

Сиёвуш афсонаси тўғрисида «Тарихи Табарий», «Тарихи Комил» «Тарихи Наршахий» китобларида ҳам маълумотлар берилган¹.

Сиёвуш— халқ қаҳрамони. Афсоналарда ҳикоя қилинишича, Сиёвуш Қайковуснинг ўғли бўлган. Ниҳоят даражада гўзал йигит бўлиб, уни ўгай онаси севиб қолади. Лекин у ўгай онанинг таклифини рад этади. Бунга чидай олмаган ўгай она унга тўхмат қилади. Сиёвуш ўзининг поклигини исботлаш учун от суриб алангадан ўтади, сўнг Афросиёб пойтахтига боради. Афросиёб уни иззат-ҳурмат билан кутиб олади ва унга ўз қизини беради. Лекин душманлар Афросиёб билан Сиёвуш ўртасига нифоқ соладилар, адоват уругини сочадилар. Натижада Афросиёб Сиёвушни ўлдиради. Сиёвушнинг ўғли Қайхисрав ўз бобоси Афросиёбдан отаси учун қасос олади, уни ўлдиради. Афсона охирида Қайхисрав хоразмий шоҳлар сулоласига асос солганлиги сўзланади.

Халқ тарихчиси Наршахий «Бухоро тарихи» асарида Сиёвушнинг Бухоро яқинига кўмилганлигини ёзади.

Кўриниб турибдики, бизгача сақланиб келган Митра, Анахита, Қаюмарс, Жамшид, Гершасп, Эликбек, Афросиёб, Сиёвуш, Рустам, Зарина, Зориандр ва Одатида ҳақидаги афсоналар қадимги Ўрта Осиё халқларининг бой ва такрорланмас оғзаки ижоди бўлганлигини исботлайди.

Ҳаёт машаққатлари ва халқ орзуларини ўзида ифода этган бу афсона ва мифлар қадимги ота-боболаримиз турмуши ҳақидаги гўзал бадий лавҳалардир.

Тўмарис афсонаси. «Тўмарис» афсонаси Ўрта Осиё халқларининг чет эл босқинчиларига қарши олиб борган қаҳрамонона курашининг ёрқин бадий ифодасидир.

Тўмарис эрадан аввалги VI асрда массагет қабиласига бош бўлиб, Эрон шоҳи Кирга қарши кураш олиб

борган аёлдир. Бу аёл ҳақида грек тарихчиси Геродот ўзининг «Тарих» китобида ҳикоя қилган.

Афсонанинг қисқача мазмуни қуйидагича: Энг қадимги замонларда Амударё ёқаларида массагетлар яшар эди. Бу даврда уларга Тўмарис исмли аёл бошчилик қиларди. Эрон шоҳи Кир массагетларни ўзига қарам қилиш ниятида Тўмарисга ўйланмоқчи бўлиб, совчилар юборади. Лекин Тўмарис Қирнинг асл мақсадини тушуниб, унга рад жавобини беради. Шундан сўнг Кир очиқ тажовузга ўтади, Массагетлар устига қўшин тортади. Тўмарис урушнинг олдини олишга, беҳуда қон тўкмасликка ҳаракат қилади. Лекин унинг бу уринишлари беҳуда кетади. Кир дарёдан ўтиш учун кўприклар қурдира бошлайди. Тўмарис Қирга элчи юборади ва айтади: «Эй, шоҳ! Қилаётган ишингни тўхтат! Ҳали сен бошлаган ишининг қандай тугашини билмайсанку! Қўй, сен ўз юртингда подшоҳлик қилавер, бизни ҳам ҳолимизга қўй. Лекин сен бунга кўнмайдиган кўринасан. Агар сен биз билан куч синашмоқчи бўлсанг, у ҳолда марҳамат, кўприклар қуриб овора бўлма, биз дарёдан уч кунлик йўл нарига кетамиз, шунда сен бизнинг еримизга ўт ёки ўз юртингда учрашишни истасанг, буни айт, бунга ҳам биз рози. Фақат, номардлик қилма». Тўмарис курашга шайланади. Кир эса ҳийла-найранг йўлига ўтади. У Тўмариснинг ўғли Спарганиз бошлиқ бир гуруҳ массагетларни маст қилиб асир олади. Воқеадан хабардор бўлган Тўмарис Кирга элчи юборади: «Эй қонхўр Кир, қилган ишинг билан мақтанмай қўяқол. Сен ўғлимни жанг майдонида эмас, найранг билан қўлга олдинг. Энди қулоқ сол. Ўғлимни менга топшириб, келган ерингга зиён-заҳматсиз қайтиб кет. Агар сўзимга кирмасанг, массагетлар, тангриси—Қуёш номи билан қасамёд қиламанки, мен сендай очкўз юҳони қон билан суғораман», — дейди.

Спарганиз ўзига келгач, воқеани англаб хижолатдан ўзини ўзи ўлдиради. Тўмарис қўшин тўплаб жангга отланади. Кир қўшинларини енгади. Қирни эса ўлдирадилар. Тўмарис ўз сўзи устидан чиқиб Қирнинг бошини кесиб, қон билан тўлдирилган мешга соларкан, шундай дейди: «Эй номард, сен мени маккорлик билан ўғлимдан жудо қилиб, фарзанд доғида қуйдирдинг. Мен ўз онтимга амал қилиб сени қон билан суғордим».

Бу афсонада Ўрта Осиё аёллари қаҳрамонлиги ша-

¹ Қаранг: Ўзбек адабиёти тарихи 5 томлик, 1-том, «Фан» нашриёти Тошкент, 1977 йил, 32—33-бетлар.

рафланади. Тўмарис ўз она юрти ва халқининг осойишта ва бахтиёр яшаши учун жонбозлик кўрсатувчи ҳукмрон аёл сифатида гавдаланади. Бу афсона ёвузлик ва босқинчиликка қарши озодлик ва тинчлик тантанасини куйловчи асардир. Унинг узоқ асрлар мобайнида оғиздан оғизга, авлоддан авлодга ўтиб келишининг боиси ҳам шунда.

Широқ афсонаси. Бу афсонада ҳам Урта Осиё халқининг чет эл босқинчиларига қарши олиб борган мардона кураши тасвирланган. «Широқ» афсонасининг асли сақланмаган бўлса-да, унинг қисқача мазмуни грек тарихчиси Полиэннинг «Ҳарбий ҳийлалар» китобида ҳикоя қилинган. «Тўмарис» каби «Широқ» афсонаси ҳам тарихий воқеалар заминида юзага келгандир.

Бу афсонада қабилачилик даври учун характерли бўлган ҳаётини воқеалар акс этган. Афсонанинг қисқача мазмуни қуйидагича: Доро қўшини билан саклар ўртасида уруш борарди. Сак подачиларидан Широқ сак подшоҳларидан Сакесфар, Омарг ва Тўмарислар ҳузурига келади. У Эрон қўшинларини ҳийла билан енгаганини зўтади. Аммо подшоҳлар Широқнинг оиласига, болаларига, авлодига ғамхўрлик қилишлари шарт эди. Уларнинг ваъдаларини эшитгач, Широқ ўша ердаёқ ўзининг қулоқ-бўрнини кесади, баданини жароҳатлайди. Сўнгра эронийлар турган жойга келади. Широқ Доро ҳузурига кириб, ўзини саклардан алам кўрган киши сифатида таништиради. У эрон қўшинини сакларнинг энг чекка ерларига олиб бораганини, у ерда туриб сак қўшинига тўсатдан ҳужум қилиб ғалаба қозонажаклари мумкинлигини айтади.

Доро қўшинлари бир ҳафталик озиқ олиб йўлга тушади. Қўшин узоқ юради, озиқ-овқат ва сувни тамом бўлади. Атроф сувсиз ҳуруқ қум ва саҳродан иборат эди. Эрон қўшинлари алданганликларини англайди.

Доронинг қўшини бошлиғи Раносбат Широқдан шундай улуғ подшоҳни алдаб, на олға юриш, на юртга қайтиш мумкин бўлмаган саҳрога бошлаб келишдан муроднинг нима эди деб сўрайди. Шунда Широқ: «Мен енгдим, ёлғиз ўзим бутун бошли бир қўшинни енгдим. Жонажон қабилам саклар ва она тупроғим бошига келган балони даф қилиб, босқинчи Доро қўшинини ҳалокатга олиб келдим»,— деб жавоб беради. Ботир чўпон қатл

этилади. Доро қўшинлари аранг Амударё соҳилига етиб оладилар.

Бу афсонада жонажон қабила ва она ер учун ўзини қурбон қилган Широқ образи меҳр билан яратилган. Унинг қабила манфаатлари учун қурбон бўлиши, ўз қабиладошларига садоқати, ватанпарварлиги ва қаҳрамонлиги уни монументал образга айлантирдики, буни ёзма адабиётда ҳам, тасвирий санъатда ҳам учратиш мумкин.

Чунончи, Абурайҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» асарида келтирилган Қаник афсонаси ҳам худди Широққа ўхшайди. Я. Ильясовнинг «Сўғдиёна» китобида ҳам, Мирмуҳсиннинг «Широқ» достони ва Ўзбекистон санъат музейида сақланаётган ҳайкалтарошликка оид материалларда ҳам «Широқ» афсонаси мазмуни ифода-ланган.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ ЖАНРЛАРИ

Маълумки, адабиёт ва санъат асарлари жамият тараққиётининг муайян босқинларида унинг эҳтиёжлари туфайли юзага келиб, мазкур жамият ҳаётини ифода этиб, акс эттириб, шу жамият билан бирга тараққий этади, ўз даврини яшаб кейинги авлодлар учун ҳам маънавий бойлик сифатида хизмат қилади. Муайян ижтимоий жамият йўқ бўлиб кетиб, ўрнига янги бир ижтимоий тузум келиши мумкин. Лекин адабиёт ва санъат асарлари йўқолиб кетмайди, балки умуминсоний идеаллари акс эттириб, муайян даврга, халққа мансуб бўлгани учун у тарихий ва абадийдир. Бу фикрларни ёзма адабиётдан бирмунча аввалроқ пайдо бўлган халқ оғзаки ижодида ҳам татбиқ этиш мумкин. Фольклор ва унинг жанрлари узоқ ва мураккаб тарихий йўлни босиб ўтди. Минг йиллар давомида ижодкор халқ фольклорнинг хилма-хил жанрларида бой адабий мерос яратди.

Халқ оғзаки ижоди тарихий категория сифатида ривожланиб, бойиб келди. Фольклорнинг жанр формалари жуда қадимий бўлса-да, у ҳамиша ўзгаришда, ривожланишдадир. Чунки ҳар бир адабий форма, поэтик жанр муайян тарихий шароитда турли ўзгаришларга учраши, формал-поэтик жиҳатдан ислоҳ қилиниши мумкин.

Ёзма адабиётдаги адабий турлар ва жанр формалари каби фольклордаги жанр формалари ҳам бир-бири-

га таъсир этиб, бир-бирини тўлдириб боради. Аниқроғи фольклорда ҳам жанрлар синтези узлуксиз давом этади. Халқ оғзаки ижодиининг жанрлари бир текисда тараққий этмайди. Балки адабий жараёнда давр ва жамият талабидан келиб чиқиб, нотекис тараққий этиши мумкин. Халқ оғзаки ижодининг энг қадимий жанр формаси ҳисобланган мақол ҳамма даврлар ва жамиятларда узлуксиз тараққий этиб келди. Аммо бу фикрни фольклорнинг йирик жанри ҳисобланган дostonларга нисбатан татбиқ этиб бўлмайди. Чунки, Октябрь революциясигача бўлган даврда ва революциянинг дастлабки йилларида дostonчилик анча тараққий этган бўлса, ҳозирги вақтда эса йирик-йирик дostonлар умуман яратилмаяпти ёки бу жанр имкониятлари ёзма адабиётнинг бошқа формаларида учрамоқда. Шундай бўлса-да, халқ оғзаки бадий ижодида минг йиллар давомида турли хил поэтик формалар, жанрлар яратилдики, фольклорда маълум адабий традиция майдонга келди. Шунинг учун халқ оғзаки ижодидagi жанрлар проблемасини илмий жиҳатдан ўрганиш, фольклор жанрларини классификация қилиб, уларнинг жанр хусусиятларини аниқлаш мумкин.

Халқ оғзаки ижодининг формал-поэтик хусусиятларини ҳисобга олиб уларни қуйидаги жанрларга ажратиш мумкин:

1. Халқ дostonлари
2. Халқ эртаклари
3. Халқ драмаси
4. Аския
5. Афанди латифалари
6. Халқ қўшиқлари
7. Халқ мақоллари
8. Топишмоқлар.

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ

Дostonлар халқ оғзаки бадий ижодининг энг йирик жанрларидан биридир. Дoston қаҳрамонларининг ўзаро муносабатлари ва кечинмаларини кенг кўламда тасвирловчи, ишқий ёки фантастик мазмунга эга бўлган йирик ҳажмдаги шеърый асардир. Унда ўрни-ўрнида (асар ичида) насрий парчалар ҳам берилади.

Дostonлар халқнинг ўзи томонидан айтилган халқ тарихидир. Дostonлар ҳар бир тарихий даврнинг, соци-

ал тузумнинг, халқ психологиясининг хусусиятларининг бадий формада акс эттиради. Дostonлар халқ орасида яратилгани учун ижодкор халқ дostonлар орқали ўз орзу-интилишларини, ҳис-туйғуларини ифодалайди.

Дostonлар ҳажм жиҳатидан ҳам, воқеликни акс эттириш ва образлар системасининг кенг ва атрофлича талқин этилиши жиҳатидан ҳам фольклорнинг бошқа жанрларига нисбатан салмоқли. Шунинг учун ҳам дostonларни баъзан халқ романлари деб юритадилар.

Дostonларни одагда алоҳида авторлар яратадилар. Бироқ асрлар давомида оғиздан оғизга ўтиши натижа-сида уларнинг биринчи ижрочиси унутилиб, умумхалқ ижодига айланиб қолади. Халқ дostonларининг турли цикллари, вариант ва версиялари пайдо бўлади.

Маълумки, фольклордаги дostonчиликнинг асосий хусусияти ижодий процесснинг коллектив характерига эга бўлишидир. Дoston жанрига хос оғзакилик, вариантлик, оммавийлик, традиционлик, анонимлик каби унинг бошқа белгилари ана шу коллективлик доирасида ўрганилади. Булар орасида дostonлардаги вариантлик дoston айтувчининг дунёқараши ва маҳорати, ижоди ва ижрочилиги, традицияга муносабати ва импровизаторлиги билан белгиланади.

Бирор дostonни оддий ижрочи куйлаганда традицион текст деярли ўзгармайди, ижодий ҳолатлар кўринмайди. Бадиҳагўй дostonчи эса ўз вариантга ижодий ёндошиб, тингловчиларнинг диди ва составига қараб традицион текстга, ҳатто сюжетга жиддий ўзгартишлар киритади.

Масалан, ҳикоя қилишларича Эрназар бахши Бухоро амири Насрулло ҳузурида «Алпомиш» дostonини олти ой куйлаган эмиш. Бунда у қалмоқлар қўлида тутқунда ётган қаҳрамоннинг Бойчибар тулпори ёрдамида қутқарилишини янгидан-янги тўқинликлар қўшиб, чўза берган эмиш. Охири сабр-тоқати қолмаган Насрулло ўзининг жангга минадиган отини эгарлатиб, шоир рўпарасига боғлатган эмиш. Буни фаҳмлаган ҳушёр шоир шу эпизодни ўз дostonига қиритиб, гўё амирнинг оти Алпомишни қутқаришга жўнаган ва уни шу от қутқарган қилиб кўрсатган, шу билан бирга дostonнинг кейинги эпизодларини сиқиб, асарни тез тугатган эмиш¹.

1. Т. Мирзаев. «Алпомиш» дostonининг ўзбек вариантлари», «Фан» нашриёти, Т., 1968 йил, 26—27-бетлар.

Маълумки, халқ дostonлари қабилачилик тузумининг емирилиши билан якка шахс ўзини уруғ ва қабилаларга, жамоаларга қарши қўя бошлаган даврларда пайдо бўла бошлади. Ижтимоий тараққиёт, давр воқеа-ҳодисаларининг мавжуд эртак, ҳикоят, лирик шеър каби жанрларга сифмай қолиши ва воқеликни мураккаб эпик планда тасвирлашга бўлган талабнинг кучайиши натижасида дoston жанри пайдо бўла бошлади.

Шунингдек, ўтмишда тарихий шахслар фаолияти, халқ маросим қўшиқлари, халқ эртаклари, халқнинг ҳаёт усули ва урф-одатлари, турли характердаги манбалар дoston жанрининг шаклланишига туртки бўлган дейиш мумкин.

Халқ оғзаки ижодидаги дoston жанри ўзининг специфик хусусиятлари билан ёзма адабиётдаги дostonлардан фарқ қилади. Бу фарқ дoston тематикасида ҳам, гоёвий мазмунида ҳам, сюжети ва композицион қурилишида ҳам, образлар системаси ва услубида ҳам яққол кўзга ташланиб туради.

Бу фарқлар асосан қуйидагилар. Дoston қаҳрамонлари даҳшатли душманлари—девлар, ялмоғизлар, аждаҳолар устидан якка курашда ғолиб чиқади. Ана шу хусусият халқ дostonларининг асосий мазмунини ташкил этади. Дoston қаҳрамонлари алп (солиштиринг Алп Тегин, Алп Арслон, Алп Бамси, Алпомиш), паҳлавон, полвон қиёфасида тасвирланади. Дostonларда қаҳрамонлар арслон, шер, йўлбарс, қоплонга ўхшатилади.

Дostonларда қаҳрамонларнинг ташқи қиёфаси жисмоний жиҳатдан ҳам, маънавий диҳатдан ҳам идеаллаштирилади. Бу нарса дoston қаҳрамонларининг душманлар билан курашида яққол сезилади. Жумладан, «Малика айёр» дostonида Аваз баҳайбат келбатли, ҳар панжаси 3, 6, 9 ботмон келадиган Мақотилни қумурсқага қиёс қилади ва енгади.

Кўпчилик дostonларда қаҳрамонларнинг жасорати ёшлик пайтларидаёқ намоён бўлади. Алпомиш 14 ёшида қалмоқлар юртига Барчин учун боради. Гурўғли 6 ёшида Бадгирни ўлдиради, 9 ёшли Нурали Равшан билан отаси Авазни қутқариш учун йўлга чиқади.

Халқ дostonларига хос яна бир хусусият ота-онанинг узоқ сафар олдидан ўз фарзандига насиҳатидир. Чунончи «Равшан» дostonида Ҳасан Равшанни қаҳрамонлик-

ка, жасоратга, адолатли ва инсонпарвар бўлишга ундайди.

Дostonларда севги ва муҳаббат, маъшуқаларнинг қаҳрамонлиги, канизаклар ҳам алоҳида романтик руҳ билан тасвирланади.

Дoston сюжетида қаҳрамонлар минадиган от асосий ўрини тутати. Бедов, Тулпор, Ғирот, Ғиркўк номлари билан бериладиган отлар дoston бош қаҳрамонининг саргузаштларида яқин ёрдамчи сифатида ифодаланади. От ёрдамида узоқ масофаларни қисқа муддатда босиб ўтади, катта-катта ишларни бажаради.

Дostonларда қаҳрамонларнинг девларга қарши кураши ва уларни ўз измига солиб олишлари ҳам тасвирланади. Бундай образлар «Малика айёр», «Юнус пари», «Балогардон» каби дostonларда учрайди.

Умуман фольклордаги дoston жанрининг ёзма адабиётдаги дostonлардан фарқловчи шунга ўхшаш жуда кўп хусусиятлари мавжудки, улар тематик жиҳатдан ҳам, гоёвий-бадий жиҳатдан ҳам бир-бирини такрорламайди.

Дoston жанрини тематик ва гоёвий мазмунига қараб қуйидаги хилларга ажратиш мумкин:

1. Қаҳрамонлик дostonлари («Алпомиш»).
2. Ишқий романтик дostonлар («Равшан» ва «Гурўғли» циклидаги дostonлар).
3. Тарихий дostonлар («Шайбонийхон», «Тўлғоной» каби).
4. Китобий дostonлар («Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Гули Санобар», «Баҳром ва Гуландом», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» ва бошқалар).

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИ

«Алпомиш» дostonи машҳур халқ қаҳрамонлик эпосидир. «Алпомиш» қаҳрамонлик, ватанпарварлик, халқлар дўстлиги, биродарлик, чин севги ва садоқатни куйловчи дostonдир. Бу дoston қадим замонларда вужудга келиб, асрлар давомида халқ бахшилари, шоирлари томонидан куйланиб, такомиллашиб борди. Бу дoston ўзбек бахшиларининг севиб куйлаган асаридир. Бирорта ўзбек бахшиси йўқки, «Алпомиш» дostonини завқ-шавқ билан куйламаган бўлсин. Шунинг учун «Алпомиш» дostonининг ўзбек шоир ва бахшилари томонидан куй-

ланиб келган ва фольклоршуносликда ёзиб олинган 30 дан ортиқ варианты бор¹. Ана шу вариантлари орасида энг мукаммали ва бадиий жиҳатдан пишиқ ишлангани Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган вариантдир. Бу вариант 1939 йилда Ҳамид Олимжоннинг сўзбошиси билан босилиб чиқди.

«Алпомиш» достони туркман, қozoқ, қорақалпоқ ва бошқа халқларнинг ҳам сеvimли асаридир. Бу халқларда ҳам «Алпомиш» достонининг турли вариантлари бордир.

«Алпомиш» достонининг куртақлари, патриархал қабилалар ҳаётига бориб тақалади. Достонда иотидойи жамоа тузумининг емирилиши, синфий зиддиятларнинг чуқурлашуви, қабила камбағалларининг қул қилиниши ҳамда феодал муносабатларнинг шаклланиши тасвирланган.

Илмий адабиётларда «Алпомиш» достони XVI асрда тўла шаклланган деб кўрсатилади². Аммо «Алпомиш» қайси даврда яратилган бўлмасин, унда халқ тарихи ва кураши, озодлик учун интилиши, халқ урф-одатлари ўзининг ёрқин бадиий ифодасини топган.

«Алпомиш» достонининг Фозил Йўлдош ўғли оғзидан ёзиб олинган варианты энг мукаммали, ўзбек ва бошқа халқлар китоблари орасида машҳури ҳисобланади. Шунинг учун биз қуйида ана шу Фозил шоир вариантынинг қисқача сюжетини келтириш ва шу ҳақда фикр ютиришни лозим кўрдик.

Қадим замонларда ўн олти уруғ Қўнғирот элида Добонбий деган ўтган экан. Добонбийдан Олпинбий исмли фарзанд туғилибди. Олпинбийдан эса икки ўғил пайдо бўлибди. У каттасига Бойбўри, кичигига Бойсари деб исм қўйибди. Добонбий ўз мамлакатини ва бойлигини тенг иккига бўлиб, уни Қўнғирот ва Бойсун деб атайдди. Бирига катта ўғли Бойбўрини, иккинчисига кичик ўғли Бойсарини ҳукмдор этиб тайинлабди. Бойбўри билан Бойсари фарзанд кўрмайдди. Ҳатто тўйда одамларнинг гапини эшитадилар. Улар фарзандсизликдан эзилади-

лар. Ниҳоят Бойбўри билан Бойсарининг хотинлари ҳомиладор бўлади. Бойбўри ўғил кўради—исмини Ҳакимбек қўяди, Бойсари эса қизлик бўлади, исмини Барчин қўяди. Ака-укалар фарзандларимиз вояга етса қуда бўламиз деб аҳд қилишади. Ҳакимбек ёшлигиданоқ паҳлавон бўлиб ўсади, атрофдагилар уни паҳлавон яъни «алп» атай бошлайдилар. Барчин ҳам гўзалликда, ақл-идрокда ягона бўлиб ўсади.

Қунларнинг бирида Бойбўри билан Бойсари ўртасида низо келиб чиқади. Бунинг сабаби Бойбўрининг ўз укаси Бойсаридан закот талаб қилиши эди. Акасига закот беришни истамаган Бойсари ўз уруғи билан қалмоқ элига паноҳ излаб кўчиб кетади. Йўлда Бойсари чорваси қалмоқларнинг экин ерларини пайхон қилади. Бундан қаттиқ газабланган Қалмоқшоҳ Бойсарига душманларча муносабатда бўлади. Қалмоқшоҳнинг 90 алп йигити бўлиб, Барчинга ошиқ бўлиб қоладилар. Зўравонларча совчи юборадилар. Мана шундай бир пайтда Барчин қалмоқ ҳукмдорининг зўравонлигига қарши ўзини қутқариш учун ҳаракат қилади. Отасининг мушкул аҳволга тушиб қолганлигини кўриб, ўз талантини ишга солади. Қалмоқлардан қутулиш йўлини излайди. Шу мақсадда 4 та шарт қўяди. Шарт бажарган кишига хотин бўлишга тайёр эканлигини билдиради. Шартларнинг биринчиси минг қадам жойдан тангани уриш, иккинчиси 90 алпни курашда енгиб чиқиш, учинчиси камон отганда ёйи синмаслик, тўртинчиси пойгада ўзиш эди.

Лекин Барчин Алпомишни севарди. Шунинг учун у Алпомишга хабар юборади. Узининг аҳволи ва шартларини билдиради. Алпомиш хабарни эшитгач, қатор саргузлашлардан сўнг қалмоқлар юртига етиб келади, Қоражон билан дўстлашади. Алпомиш билан Қоражон бир тараф, алплар бир тараф бўлиб кураш бошлайдилар. Барчин қўйган шартларни бажаргач, яна бир қанча саргузаштлардан сўнг ўз юрти Қўнғиротга Барчинни олиб қайтади. Мурод-мақсадига етади.

Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Алпомиш» достони турли бахшилар томонидан турлича куйлангани сабабли, унинг сюжетида турли характердаги ўзгаришлар мавжуд. Бир вариантда мавжуд бўлган эпизод иккинчисида тушиб қолган ёки бошқача планда берилган. Ҳатто маълум тарихий шароитга хос бўлган айрим янги воқеалар кириб қолган. Айрим образлар

1. Таниқли фольклоршунос олим Тўра Мирзаев, «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари» («Фан» нашриёти, Тошкент, 1968 йил) номли монографиясида «Алпомиш» достонининг вариантлари тўғрисида атрофлича фикр юритган.

2. Қаранг: В. М. Жирмунский. Х. Т. Зарифов. «Узбекский народный героический эпос», М., 1947 год.

бир асарда бир хил талқин қилинса, иккинчисида иккинчи хил берилади. Жумладан, Барчин шартлари баъзи вариантларда 2 та, айримларида эса 3 та, холос.

Достондаги воқеа-ҳодисалар Бойсун ва Қўнғиротда юз берганлиги аниқ айтилади. Қўнғирот қабиласи энг қадимги қабилалардан бўлиб, у ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ ва туркманларнинг уруғларидандир. Қўнғирот қабиласи асосан чорвачилик билан шуғулланган. Улар Амударё ёқаси ва Бойсун қўли атрофида кўчманчилик билан ҳаёт кечирган. Достонда тасвирланган пойга ўтказилган жой—Бобохон тоғи Термиз яқинидадир. «Алпомиш» достонининг бошқа халқларда мавжуд бўлган вариантларида ҳам Амударё ёқаси, Бойсун атрофи қайд этилади. Буларнинг барчаси «Алпомиш» достони Сурхондарё тарриториясида яратилганлиги ва бошқа жойларга ҳам тарқалиб шуҳрат қозонганини кўрсатади.

«Алпомиш» достони узоқ замонлардан буён айтилиб келингани учун ҳам унда турли даврларга хос ижтимоий—синфий муносабатлар ўз аксини топган.

Умуман қабилага, элга самимий муҳаббат, душманга газаб ва нафрат, мардлик ва фидокорлик, оила бахти, самимий севги, дўстлик ва садоқат, инсоф ва адолат, осойишталик ва фаровонлик учун кураш достоннинг етакчи гоёвий лейтмотивини ташкил қилади.

Бу гоёвий мотивлар достоннинг бош қаҳрамонлари Алпомиш ва Барчин севгиси саргузаштлари фонида талқин этилади.

Достонда, шунингдек, Қалдирғоч, Қоражон, Тойчакон, Сурхайил, камил, Ултонтоз ва Кўкалдош образлари яратилганки, буларнинг ҳар бири асар сюжети ва композициясида муайян гоёвий-эстетик мақсадни очишда катта ўрин тутади. Бу образлар воқеаларнинг ривожланиши билан бирга ўсиб, тараққий этиб боради, ҳар бир образ ўзига хос хусусиятни гавдалантиради.

«Алпомиш» достони кўп асрлар давомида бахшилар томонидан қуйланиб, халқни мардлик, қаҳрамонлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнаб қелмоқда. «Алпомиш» достонини илмий жиҳатдан ўрганиш асосан Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин бошланди. Бу соҳада Ғози Олим Юнусов, Ҳ. Т. Зарифов, М. Зарифов, М. Афзалов ва бошқаларнинг хизмати каттадир.

«Алпомиш» достонини илмий асосда нашр этиш ва

ўрганиш 30-йилларнинг охирида бошланди. Бу соҳада айниқса Ҳ. Олимжон ва Ҳ. Т. Зарифовлар ташаббус кўрсатдилар.

Аммо 50-йилларнинг бошларида айрим адабиётшунослар халқимиз асрлар давомида қадрлаган, севган асарларига, жумладан, «Алпомиш» достонига шубҳа билан қарай бошлайдилар. «Алпомиш» достонига нигилистларча муносабатда бўлиб, унинг халқ асарини эканлигини инкор эта бошладилар.

Жумладан, А. Абдунабиев ва А. Степановлар «Алпомиш» достони ҳақида ёзган мақолаларида¹ вульгар социологизм заминиде туриб, эпосни унинг асосий мотивлари яратилган даврдан узиб олиб талқин қилдилар ва бу асарни халққа қарши, реакция деб эълон қилдилар.

Аммо илмий жамоатчилик достонга нисбатан бўлган бундай қарашларни қаттиқ қоралади. Айниқса, 1954 йил июль ойида Москвада СССР халқлари эпосини ўрганиш масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгаш катта аҳамиятга эга бўлди. Кенгашда А. Қ. Боровков, Ҳ. Т. Зарифов, О. Валитова ва бошқалар «Алпомиш» достонининг хусусиятларини объектив, илмий жиҳатдан тўғри таҳлил қилиб бердилар, достонга нигилистларча муносабатни қаттиқ танқид қилдилар. Республика матбуотида ҳам «Алпомиш» достони тўғрисида мунозара ва мулоҳазалар чиқа бошлади. Ана шу мунозарани 1956 йилда адабиётшунослар Н. Шукуров, С. Мирзаев ва Х. Дониёров бошлаб бердилар. «Шарқ юлдузи» журналининг 1956 йил 2-сониде уларнинг «Алпомиш» достони ҳақида» номли катта мақоласи чиқди. Авторлар ўз мақоласида А. Абдунабиев ва А. Степановлар «Алпомиш» достонининг гоёвий мазмунини бузиб талқин қилганликларини конкрет фактлар асосида исботлаб бердилар. Достоннинг гоёвий асосини қаҳрамонлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, вафодорлик, самимий дўстлик каби олижаноб идеялар ташкил қилади деб тўғри баҳо бердилар.

1956 йил сентябрида Тошкентда СССР Фанлар академиясининг А. М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институти ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

1. Қарағ: А. Абдунабиев, А. Степанов. «Об эпосе «Алпомиш», газ. «Правда Востока», 1952 год, 29 января, и «Под флагом народности», журн. «Звезда Востока», 1952 г., № 2 ва бошқалар.

А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти томонидан «Алпомиш» эпоси муҳокамасига бағишлаб ўтказилган регионал кенгашда дostonнинг гоёвий мазмуни, унинг бадий, халқчил хусусиятлари ҳақида қимматли фикрлар айтилди.

Бу кенгашда 20 та доклад тингланди. Кенгаш фақат «Алпомиш» дostonини ўрганиш учунгина эмас, балки умуман совет фольклористикасини ўрганиш ва тадқиқ қилишда муҳим роль ўйнади.

ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ

Эртаклар фольклорнинг кенг тарқалган оммавий жанларидан биридир. Эртаклар халқ ҳаёти, ижтимоий турмуши, маънавий дунёси, дунёқараши билан узвий боғлангандир.

Эртақ жанри дунё халқлари фольклоридида сўз санъатининг энг оммавий, энг демократик тури ҳисобланади. Эртакларнинг пайдо бўлиши узоқ ўтмишга, синфсиз жаҳиятга бориб тақалади. Эртакларда халқнинг тилак ва орзулари акс этади.

Улуғ пролетар ёзувчиси А. М. Горький ўзининг «Минг бир кеча»га ёзган сўзбошисида эртақ жанри ва унинг гоёвий-бадий аҳамияти тўғрисида қимматли фикрлар билдирган эди.

«Минг бир кеча» халқ оғзақи ижодининг энг яхши ва монументал намунаси дир. Бу эртаклар меҳнаткаш халқнинг «ширин хаёллар завқига», эркин сўз ўйинидан завқланишга интилишни ифода қилади, шарқ халқлари фантазиясининг жўш урган кучини ифода қилади. Бу суханшунослик жуда қадим замонларда вужудга келган, унинг ранг-баранг ипаклари бутун ер юзига ёйилиб, уни ҳайрон қоларлик даражада гўзал сўз санъати билан қоплаган...»¹.

А. М. Горькийнинг «Минг бир кеча» эртақларига берган баҳоси ўзбек халқ эртақларига ҳам тааллуқлидир. Чунки эртақ жанрига хос хусусият барча халқлар эртақлари учун муштаракдир. Бу нарсани эртакларнинг сюжети, композицияси, гоёвий мазмунида кўриш мумкин.

Эртаклар инсоннинг ўзини ўраб олган муҳитдан, табиий ҳодисалардан таъсирланиши натижасида юзага

келади. Рус совет эртақчиси П. П. Бажев «Эртаклар орқали ҳаётни кўрасан» деганида, қozoқ совет ёзувчиси Мухтор Аvezов «Эртакларда у ёки бу даврнинг ижтимоий, ҳаётий курашлари, халқ манфаатлари ўзининг бадий ифодасини топган». — деб ёзганида эртақ фантазиясининг заминидида реал ҳақиқат ётишини назарда тутган эдилар.

Эртакларнинг этнография учун ҳам муҳим роль ўйнашини проф. М. К. Азадовский алоҳида қайд этиб қуйидагиларни ёзган эди: «Этнографияни ўрганишда эртаклар катта ва муҳим роль ўйнайди, шу билан бирга бу бадий ёдгорликларни айтувчилар эса умумий бадий маданият арбоблари ҳисобланадилар»¹.

Эртақ жанрининг асосий хусусиятларидан бири унинг халқ ҳаёти, кураши, тарихи, психологияси, дунёқараши, урф-одатлари билан жуда яқин боғланганлиги ва инсонларга ахлоқий ҳамда маънавий тарбия беришидир. Эртакларда инсон ўзига душман бўлган кучларга қарши курашда доим ғолиб чиқади.

Эртаклар тузилишига кўра содда ва англашилишни осон бўлгани учун китобхоннинг барча табақасига тез этиб боради.

Бир қанча эртаклар бир халқдан иккинчи халққа ўтади ва кенг тарқалади. А. М. Горький бу ҳақда қуйидагиларни ёзган эди: «Қадимги эртакларнинг бир халқдан бошқа халққа ўтиб тобора ҳар бир ирқ, ҳар бир миллат ва ҳар бир синфнинг хусусиятлари билан тўлдирилиб бориши процесси фикр юритиш, маданият ва халқ ижодчилигининг ривожланишида жуда катта роль ўйнаганлиги ҳеч шубҳасиз бўлса қарак»². Ҳақиқатан ҳам ҳар бир халқдаги эртақда ўша халқнинг ҳаёти, урф-одатлари, дунёқараши, орзу-умидлари, тарихи, психологияси ифодаланади.

Эртақ термини халқ орасида узоқ асрлардан бери яшаб келади. Эртақ терминининг маъноси турлича. Эртақ қадимги, аввалги маъноларини ҳам ифодалайди.

Самарқанд, Сурхондарё областларининг айрим район ва қишлоқларида «эртақ» ўрнига «матал» сўзи қўлланилади. «Матал» терминини Фарғона шеваларининг ай-

¹ М. К. Азадовский. Статьи о литературе и фольклоре. М., Л., 1960, стр. 16.

² А. М. Горький. Эртаклар ҳақида. «Ўзбек фольклоридан ўқув материаллари». Тошкент, 1950 йил, 5-бет.

1. «Минг бир кеча», 1-том, Тошкент, 1959 йил, 4-бет.

римларида ҳам учратиш мумкин. Бухоронинг баъзи рай-онларида «ушук» термини қўлланилса, Тошкентда «чўп-чак» ишлатилади.

Эртақ термини қозоқларда «ертақ», «толгон», «ўт-рук», қирғизларда «жоожомоқ», туркманларда «эртеки», «ҳекоя», «будерек гурун», «ялан», қорақалпоқларда «эр-так», «жолгон», «қалпеки», «ўйлаб шиголтилгон» деб аталади.

Таниқли фольклоршунос олим М. И. Афзалов халқ эртақларини шартли равишда икки катта қисмга аж-ратади.

1. Фантастик эртақлар. Бундай эртақларда фанта-стик момент кучли бўлиб, уларга ҳайвонлар ҳақидаги ва сеҳрли-фантастик эртақлар киради.

2. Реалистик эртақлар. Бундай эртақларда фанта-стик моментлар кучсиз бўлиб, уларга ҳаётий ва сатирик эртақлар қиради.

а) Ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар. Бундай эртақлар энг қадимги замонларда пайдо бўлган бўлиб, ибтидоий одамнинг табиат воқеа-ҳодисаларига тотемистик ва ани-мистик қарашлари билан изоҳланади. Ибтидоий одам-лар ҳайвонлар ҳам одамлар каби гапирадилар, фикр-лайдилар деб тушунганлар. Инсоннинг жонли табиатга бўлаларча содда муносабати унинг ҳайвонлар ҳақидаги эртақларида ифодаланган.

Бу ҳақда Э. Тейлор ўзининг «Ибтидоий маданият» асарида кўплаб мисоллар келтиради. Унинг фикрича, ибтидоий одам ўз атрофидаги ҳайвон ва қушларни ўз-ларига ўхшатади, яъни улар одам каби сўзлашади, фикрлайди, уришади, дўстлашади, бир-бирини севади, психологик кечинмаларни кечиради. Мана шу йўллар билан қадимги инсон тушунчасида турли ҳайвонлар, қушлар ҳақида мифлар, эртақлар, масаллар юзага келган¹.

Ота-боболаримиз ҳайвонларнинг баъзи бирларини илоҳийлаштирганлар. Бундай тотемистик қараш ўзбек-лар орасида ҳам мавжуд бўлган. Масалан, ўзбеклар орасида бўрига бўлган тотем мавжуд. Чунки ўзбеклар-нинг бир неча қабилалари ўзларини бўридан келиб чиқ-қан деб ҳисоблайдилар. Бу ҳақда проф. Х. Т. Зарифов шундай ёзади: «Ўзбек уруғларининг бир қанчасида бўри

образи ижобий, ҳатто муқаддас саналганки, бу тушунча уларнинг бир замонлар бўрига эътиқод қилганликлари, уни тотем сифатида муқаддас тутганликлари билан боғ-лиқдир»¹.

Инсон ҳайвонларнинг ўзига фойда келтирганларини ижобий, зарар келтирадиганларини салбий образларга ажратади. Шунинг натижаси бўлса керак, ўзбек халқ эртақларида ит, от, мушук, сичқон, қўй, эчки, кийик иж-обий образлар бўлиб, тулки, бўри, шер, йўлбарс, илон, эшак ва бошқалар салбий образларни ташкил этади.

Умуман, дунё халқлари адабиётида ҳайвонлар, қуш-лар, нарса-предметлар тўғрисида жуда кўп эртақлар вужудга келган. Буларда у ёки бу халқнинг ўша ҳайвонга бўлган муносабати, миллий колорити ўз ифодасини топ-гадир. Чунки ҳар бир халқ табиатдаги ҳайвон ва жо-ниворларга, нарса-предметларга ўзича муносабатда бў-лади. Чунинчи, халқ кўп асрлардан бери тулки образи-да алдамчилик, ёлғончилик, олғирлик каби хислатларни кўриб келади.

Масалан, «Бўри билан Тулки» эртагини олиб кўрай-лик. Бу эртақда Бўрининг ҳам, Тулкининг ҳам салбий хусусиятлари очилади.

Бўри Тулкига: —Қорним оч. Қорнимни тўйгазиб, бир хурсанд қил, жон Тулки,—дебди. Иккинчи кун Бўри Тулкига: —Зап иш қилдингда, Тулки,—дебди. Бўри, — жуда хурсанд бўлдим. Энди бир хафа қилчи, қандоқ бўларкин! Тулки узумзор боғдан икки дона узумни бур-нига суқиб, бўрига кўз-кўз қилади:

— Бўри, Бўри! Мен тўйдим. Тўйганимдан узум бур-нимдан чиқиб кетаяпти,—дебди. Гўл, аҳмоқ Бўри Тул-кининг сўзига ишониб, тўйиб узум ейди, боғбон келиб қолгач, қочиб кетолмай, калтакка дучор бўлади.

Ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар бошқа турдаги эртақ-ларга қараганда композиция жиҳатидан оддий, улар кўпинча қисқа ва маълум бир дидактик хулосани кўз-да тутлади.

б) Сеҳрли фантастик эртақлар. Бундай эртақларда ҳам ўтмишда яшаган инсоннинг ҳаёти, табиатга бўлган муносабати, дунёқараши ифодаланган.

Сеҳрли фантастик эртақларда сюжет ҳам, образлар

1. Э. Тейлор. «Ибтидоий маданият», Москва, 1939, 285-бет.

¹ Қаранг: «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1958 йил, № 1, 29—30-бетлар.

ҳам ақл бовар қилмайдиган даражада акс эттирилади. Сеҳрли фантастик эртақларнинг асосий қаҳрамони инсон бўлиб, нарсалар-предметлар, ҳайвон ва қушлар инсоннинг сеҳрли ёрдамчилари бўлиб гавдаланади.

Масалан, «Семурғ» эртагида ўзининг фантастик имконияти билан инсонга ёрдам беради. Инсонни турли офатлардан қутқаради. Олис масофаларни босиб ўтишда, кўп сонли ёзув кучларни енгилда унга ёрдам беради.

«Уچار гилам» эртагида гилам—транспорт воситаси, «Ур тўқмоқ» эртагида тўқмоқ куч, қурол, «Очил дастурхон»да дастурхон ноз-неъматларнинг макони сифатида тасвирланади.

Сеҳрли-фантастик эртақлар ниҳоятда ажойиб, қизиқарли бўлиб, сюжети бирмунча мураккабдир. Сеҳрли-фантастик эртақларда ҳам тотемизм қолдиқлари кўзга ташланади.

Масалан, бундай эртақларда инсоннинг ҳайвонга айланиб қолиши ёки яна аслиги қайтиши каби мотивлар тотемистик тушунчаларнинг таъсиридир. Сеҳрли-фантастик эртақларда қаҳрамоннинг ҳайвонлар билан муносабатда бўлиши ижобий натижаларга олиб келади.

«Кенжа Ботир» эртагида ҳикоя қилинишича, подшонинг боғидаги олтин олмани олтин қанотли учар от келиб, еб кетар экан. Бу учар отни фақат подшонинг кичик ўғли —Кенжа ушлаб олади ва шу от билан дўстлашиб, кўп қийинчиликларни енгади. Кенжа қанотли отни ўлимдан сақлаб қолгани учун ҳам Кенжага яхшилик қилади, ўз ёлидан етти дона беради. Кенжани ўз устига миндиргани ҳолда осмонда учиб, кўп қийин, маънақатли шартларни бажаради, инсонларни сувсизлик, очликдан қутқаради. Учар отнинг ёрдамида Кенжа қуёшга учиб бориб, ундан кўп сирларни билиб қайтади. Инсонларга кўмаклашади.

Сеҳрли-фантастик эртақларнинг қаҳрамонлари фантастик, муболағали тарзда тасвирланади. Бу қаҳрамонлар сеҳрли куч ва мўъжизаларга эга, яқка ҳолда душманинг ҳар қандай кучини енга олади. Улар кун, соат сайин ўсади, узоқ вақт ухламай юради. Агар бир уйқуга кетса, қирқ кеча-қирқ қундуз ухлайди, кўз очиб юмгунча узоқ масофани босади, зўр ижтимоий ва маънавий

кучга эга бўлади, ақл бовар қилмайдиган юмушларни бажаради.

в) Ҳаётинг-сатирик эртақлар. Бундай эртақларда сеҳрли-фантастик воқеалар ўрнини кўпроқ реал воқеалар эгаллайди, ҳаётинг-маиший эртақларнинг тематикаси хилма-хил бўлиб, уларда социал мотивлар ёрқин ва ўткир ифодаланади. Ҳаётинг-маиший эртақларда инсон ҳуқуқлари, тенглик, адолат очиқ ҳимоя қилинади. Оддий меҳнаткаш халққа зулм қилган, унинг бахтсизлигига сабабчи бўлган бойлар, подшолар, руҳонийлар ҳаётинг шахслар, эксплуататорлар образида бериледи.

Ҳаётинг-маиший эртақларнинг асосий қаҳрамонлари кишиларнинг эътиборини ўзига тортмайдиган девона, кал ёки оддий одам сифатида тасвирланади. Бироқ воқеалар давомида ана шу эътиборга арзимайдиган образ тадбиркор, зийрак, ҳамма ишнинг уддасидан чиқадиган киши сифатида намоён бўлади.

Ўзбек халқ эртақлари ичида меҳнаткаш омманинг бакили сифатида иштирок этган кал образи айниқса қизиқарлидир. «Кал ботир», «Кал билан бой», «Кал билан подшо» каби ўнлаб эртақлар бунга мисол бўлади.

Ҳаётинг-маиший эртақлардаги ижобий образлар меҳнаткаш омманинг бутун ижобий фазилат ва хислатларини ифодалаб, душманларни, тўсиқларни, турли қийинчиликларни енгиб меҳнаткаш халққа ёрдам беради. Улар подшо, хон, бой, руҳоний ва савдогарлар билан юзма-юз тўқнашади, бу тўқнашувда улар жисмоний жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам ғолиб чиқади.

Масалан, «Уч оғайни ботирлар» эртагини олиб кўрайлик. Бу эртақда халқнинг ёзувчиларга қарши ғазаб ва нафрати акс эттирилган. Уч ака-ука образи мисолида халқ ўзининг орзу-истакларини, адолатпарварлик, гуманизм ғояларини ифодалган. Шунинг учун уч ака-ука ҳар қандай шароитда ҳам ўзларининг удлабуролиги, ишбилармонлиги, ақл-заковати билан ғолиб чиқади.

Уч оғайни саройга келгач, подшо сир олиш учун уларнинг олдиларига дастурхон солдиради. Улар ўзаро суҳбатлашадилар. Суҳбат пайтида тўнғич ботир:

— Шу гўшт қўзининг гўшти экан, бироқ шу қўзи ит эмиб катта бўлган экан. — дейди.

Ўртанча ботир айтади: —Тўғри айтасиз, подшо деган ит гўшtidан ҳам қайтмайди. Мен ҳам шу нарсага

хайрон бўлиб турибман, мана шу шиннидан одам иси келади.

Кенжа ботир айтди:—Тўғридир, подшолик қонхўрлик демакдир. Қон қўшилган бўлса эҳтимолдан узоқ эмас. Лекин ёмоннинг қони бўлса-ку майли, бегуноҳнинг қони қўшилган бўлмасин.

Кўришиб турибдики, уч оғайнилар ўз далиллари билан подшоликни, подшо зулмини фош қилмоқда.

Ҳаётий-маиший эртақларнинг асосида ҳаётий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган масалалар ётади.

Чунончи, «Хунарли йигит» эртагида бир йигит ўз хунари, билими билан қудуқ остида дев қўлидан қутилиб қолади, шахмат ўйнаб, подшонинг қизини ютади, ўзига хотин қилиб олади.

Демак, бу эртақда инсон ҳаёти учун хунар, илм керак деган хулоса келиб чиқади.

Ҳаётий-маиший эртақларда тўғрилик эгрилик устидан ғолиб чиқади, дўстлик улуғланади, яхшилик, сахийлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик хислатлари тарафдор қилинади.

Сатирик эртақларда жамиятнинг иллатлари, ҳукмрон синф ва уларнинг золимликлари устидан аччиқ заҳарханда кулги берилади.

Сатирик эртақларнинг тематикаси подшо ва хонларнинг золимлигини, аҳмоқлигини, адолатсизлигини, бойларнинг ҳасислигини, ва меҳнат аҳлига қарама-қарши бўлган текинхўр ўғриларни, кўкнориларни, фолбинларни, аҳмоқ муллаларни, руҳонийларни ва шуларга ўхшаш элементларни фош қилишдан иборатдир.

«Хасис бой билан Абдураҳмон ўғри» эртагини олиб қўриш мумкин. Бир хасис бойнинг минг тилласи бўлади. Бой бу тиллаларни бир бўз халтага солиб, оғзини маҳкам тугиб, ҳеч кимга ишонмай, бўйнига осиб юради. Бойнинг Матмуса исмли хизматкори бўлади. Бой унга кўп азоб беради. Абдураҳмон ўғри Матмусанинг қўлидан усталик билан рўмолини олиб, бойнинг уйига бориб тиллани олиб қўяди. Кейинчалик ўғри бойга тиллаларни қайтаради. Бироқ бир тилласи қолади. Бутун жанжал мана шу бир тилла устида боради. Тиллани олиш учун бой ўғрининг уйига бориб ётиб олади. Уғри «ўлади». Бой кўмади. Уғри тирилади. Хуллас, бой ўғридан бир тангасини ундирадию тинчийди.

Кўринадикки, хусусий бойлик тўплаш учун интилган эксплуататор синф вакиллари кучли сатира, юмор орқали фош этилади.

Сатирик эртақларнинг асосий хусусиятларидан бири уларда социал тенгсизликка қарши курашнинг ҳажвий ифодаланишидир. Бундай эртақларда эзувчилар қаттиқ хавж остига олинади. Шунинг учун ҳам сатирик эртақларни халқ ҳаётига яқин ҳисоблайдилар. Чунки, сатирик эртақларда социал конфликтлар, синфий зиддиятлар асос қилиб олинади. Бу хусусиятни «Маматкал», «Бой билан Новча», «Золим подшо», «Уғри подшо», «Аҳмоқ подшо», «Қози», «Икки мулла» каби эртақларда яққол кўриш мумкин.

«Золим подшо» эртагида меҳнаткаш халқ подшонинг жоҳиллигидан кулади. «Маматкал» эртагида эшон қўлида узоқ йиллар хизмат қилиб, ҳақини ололмаган Маматкал бир дуо ўқиб, Эшонни эшикка ёпиштиради.

Хулоса қилиб айтганда, халқ оғзаки ижодида эртақ жанри алоҳида ўрин тутади. У ўзининг ғоявий-бадий мазмуни, ўткир бадий тили, бадий эстетик қиммати билан халқнинг сеvimли, оммавий жанри бўлиб келмоқда¹.

АФАНДИ ЛАТИФАЛАРИ

Халқ оғзаки ижодининг энг оммабоп, қизиқарли, ҳажми кичик жанрлардан бири латифадир. Латифа арабча сўз бўлиб, гўзал, ёқимли деган маъноларни билдиради. Латифа халқнинг нозик дид, фаҳмлилик билан айтилган кулгили кичик ҳикоясидир. Бу жанр Шарқда, айниқса, туркий халқлар орасида ўтмишда ва ҳозирда ҳам Насриддин афанди номи билан машҳур. Афанди латифаларида халқ подшолар, амир амалдорлари, бойлар, дин-шариат пешволари устидан қўлиб, уларнинг золимлигини, инсофсизлигини ва маиший тубанлигини фош этади.

Кўпчилик халқ латифаларининг қаҳрамони Афанди

¹ М. И. Афзалов. «Ўзбек халқ эртақлари ҳақида» номи монографиясида эртақ жанри хусусиятлари, мотивлари, образлар системаси, бадий ва стилистик томонлари, эртақнинг бошқа жанрлар билан алоқаси тўғрисида атрофлича фикр юритган. Шу сабабли биз бу ўринда юқоридаги китобни махсус адиёт сифатида тавсия этамиз.

ёки Насриддин Афанди бўлиб, у ўзининг донолиги, ҳозиржавоблиги, тадбиркорлиги, сўзамоллиги билан халқ душманларини шарманда қилади, енгади. Улар устидан заҳархандалик билан кулади.

Бир куни афандига хабар етказишиб:

—Шаҳарнинг қозиси ақлдан озиди, —дебдилар.

Афанди бу хабарни эшитиб, узоқ ўйга толибди. Хабар келтирганлар уни бу ҳолда кўриб сўрабдилар:

—Афанди! Нега ўйланиб қолдингиз?

—Қозимизнинг азалдан ақли йўқ эди.—дебди Афанди, —ажабо яна нимасидан озди экан, —деб ўйлаяпман.

Афанди образи ўзбек фольклорида пишиқ ва мукамал ишланган социал тип даражасига кўтарилган. Қайси бир афанди образини олиб қараманг, у хатти-ҳаракати, характер хусусияти билан у ёки бу даврда яшаган конкрет тарихий шахс сифатида гавдаланади. Унда даврнинг муҳим ахлоқий-этик нормалари, давр кишиларининг характер хусусиятлари мужассамланган бўлади.

Темир ҳақидаги Афанди латифаларини олиб кўрайлик. Бу асарларда яратилган Афанди образи Темурга қарама-қарши қўйилади. Афанди гўё Темур замондоши, у билан ёнма-ён юрувчи, саёҳатда ҳам, жангу жадалларда ҳам Темур билан тенг ҳуқуқли (ақлу идрокда баъзан устун) конкрет шахсдир.

Қуйидаги латифани олиб кўрайлик:

Темурланг бир куни Афанди билан суҳбатлашиб, ўтириб, «ўх» тортиб юборибди ва Афандидан сўрабди:

—Ўлсам менинг жоним қаерда бўлар экан, жаннатдами, дўзахдами?

Афанди жавоб берибди:

—Беғуноҳ кишиларни ўлдиравериб, жаннатни ҳам тўлдириб юбордингиз. Сизга жаннатдан жой қолмаган бўлса керак. Хафа бўлманг, сизга дўзахнинг энг яхши жойига ўтдан тахт қуриб берадилар.

Кўриниб турибдики, Афанди ҳозиржавоблиги, аччиқ тили, ҳақиқатгўйлиги, сўзамоллиги, ақл-фаросати билан Темурдек рақибини енгади.

Насриддин Афанди латифаларининг тематикаси ранг-баранг. Уларда оилавий муносабатлар ҳам, ижтимоий-сиёсий масалалар ҳам, айрим кишилар нуқсонлари ҳам, ахлоқ ва одоб масалалари ҳам ифодаланиши мумкин.

Афанди латифалари бизнинг замонамизда ҳам яралиб келинмоқда. Совет даврида яратилаётган афанди латифалари юмористик характерда бўлиб, уларда бюрократлар, амалпарастлар, боқибегамлар енгил кулги билан танқид қилинади, эски турмуш сарқитлари фош этилади:

Трамвайда катаётган Афанди қаршисида ўтирган қизга тикилиб туриб сўради:

—Яхши қиз, бир боқишда яхши кўриб қолиш мумкинми?

—Йўқ, —деди қиз.

—Унда, эртага қаерда учрашамиз, —дебди Афанди.

ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ

Қўшиқ жанри лирик поэзиянинг энг қадимги формаларидан биридир. Қўшиқ куйга солиб айтилиши мумкин бўлган бир неча бандли шеърдир. Қадимда қўшиқларнинг тексти ва оҳанги бирга вужудга келиб, ижрочининг ҳаракати билан қўшилган. Қўшиқлар одатда меҳнат жараёнида, турли фаслларда, оилавий тантаналарда, маросимларда куйланган. Халқ қўшиқларида тил иборалари, вази, қофия пишиқ бўлиб, халқ орасида кенг тарқалган.

Қўшиқ ўзбек халқ оғзаки бадий ижодида асосий жанрлардан ҳисобланиб, халқ турмушини, ахлоқ нормаларини ўзига хос санъат билан акс эттиради. Қўшиқда инсоннинг ички дунёси, ўй-тушунчаси, орзу-умиди ва келажакка бўлган ишончи ўзига хос формада ифодаланади.

Халқ оғзаки ижодида мавжуд бўлган қўшиқларни ғоявий-бадий ва формал поэтик хусусиятларига қараб қуйидаги группаларга бўлиб ўрганиш мумкин:

- а) Меҳнат қўшиқлари.
- б) Мавсум-маросим қўшиқлари.
- в) Ишқий-лирик қўшиқлар¹.

1. Филология фанлари кандидати М. Алави. «Ўзбек халқ маросим қўшиқлари» номли монографиясида («Фан нашриёти», Т. 1974) қўшиқларнинг ғоявий тематик ва жанр хусусиятларини назарда тутиб, лирик қўшиқлар, меҳр байтлари, термалар, меҳнат қўшиқлари, мавсум-маросим қўшиқлари каби группаларга ажратади.

Халқ қўшиқларининг бу каби классификациясини тўла деб айтиш қийин, аммо уларни алоҳида-алоҳида текшириб кўриш мумкин.

Меҳнат қўшиқларида ижодкор халқ меҳнатни ва меҳнатсеварликни улуғлаган. Меҳнатнинг фазилатини, яратувчилик қудратини тараннум этган. Меҳнат қўшиқлари бевосита меҳнат процессини ифодалаб, меҳнатнинг шавқу завқи ва самарасини акс эттирган. Қадимги даврларда меҳнат қўшиқларида меҳнатнинг тури бевосита аниқ ифодаланган. Бунда қўшиқ текстидаги сўзлар ҳам, куй, ритм ҳам тўғридан-тўғри меҳнат процессини ифодалаган. Меҳнат қўшиқлари халқнинг ҳис-туйғусини ифодалаб, меҳнат машаққатларини енгиллаштиришга, ҳордиқ чиқаришга, қабила ёшларини меҳнатга қўништириш ва ўргатишга ёрдам берган.

Меҳнат қўшиқларининг илк намунаси М. Кошгарийнинг «Девону луготит турк» асарида учрайди. Девондаги меҳнат қўшиқлари намуналарида деҳқончилик машғулотлари, одамларнинг меҳнатга муносабати ўз ифодасини топган.

Меҳнат қўшиқлари фольклорнинг энг қадимги жанрларидан бўлганлиги учун ҳам уларда меҳнат процессининг турли-туман кўринишлари бадний инъикосини топган.

Халқ қўшиқлари орасида мавсум-маросим қўшиқлари ҳам муҳим ўрин тутади. Чунки, халқ турмушида, кўп асрлик тарихида маросимларнинг сон-саногини йўқ. Ижодкор халқ ҳар бир маросимга атаб турли-туман қўшиқлар яратган. Маросим қўшиқлари «Девону луготит турк»да ҳам учрайди. Девонда келтирилган маросим қўшиқларида жанг майдонида баҳодирларча курашиб халоқ бўлган қаҳрамонларга бағишлангандир. (Масалан, Алп Эртунга бағишланган марсия). «Ёр-ёр» ҳам халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган, тўйларда айтиладиган қўшиқлар бўлиб, маросим қўшиқларига киради.

Ёр-ёрларда келиннинг хусусиятлари таъриф қилинади, келин ва куёвларнинг хулқ-атворидаги гўзаллик, илм ва ҳунаридаги камолот таърифланади. Ёр-ёрлар қадимий тарихга эга. Алишер Навоий ўзининг «Мезонул-авзон» асарида қўйидаги байтни келтирган.

Қайси чамандин эсиб келди, сабо ёр-ёр.
Ким дамидин тушди ўт, жоним аро ёр-ёр.

Одатда ёр-ёрларда давр воқеа-ҳодисалари, ижтимоий турмуш тенденциялари ўзининг бадний ифодасини топади. Ёр-ёрларда ҳаёт зиддиятлари, турмуш қарама-қаршиликлари ҳаққоний ифодаланган. Утмишда яратилган ёр-ёрларда қулларча яшаган хотин-қизларнинг аянчли қисмати, бахтсизлиги, тенгсиз муҳаббати акс эттирилган бўлса, бизнинг совет замонамизда яратилаётган ёр-ёрларда эркин муҳаббат, бахтли турмуш, овоз меҳнат самимият билан ифодаланади.

Ҳай-ҳай ўлан, жоним ўлан,
Жоним қизим ёр-ёр.

Иккалангиз бирлашинг,

Ўт юлдузим ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жоним ўлан,

Элга машҳур ёр-ёр.

Кўкрагида нишонлари

Зап ярашур ёр-ёр.

Келин болам кўйлак олган

Крепдешин ёр-ёр.

Қойил қилиб мукофотга

Колхоз ишин ёр-ёр.

Мен ҳам, сен ҳам балли дейлик,

Меҳнатига ёр-ёр.

Меҳнат билан бирга келган

Давлатига ёр-ёр.

Қисқаси, ёр-ёрлар жуда кенг тарқалган тўй қўшиқларидан бўлиб, деярли ҳамма жойда айтилади. Булардан ташқари лапарлар, байт-ғазаллар, келин-салом, хуш келибсиз каби тўй маросимларида айтиладиган қўшиқлар ҳам бор¹.

Ўзбек халқ қўшиқлари орасида «алла» алоҳида ўрин тутади. Аллада онанинг болага қарата айтган орзумиди, ҳикматли сўзлари акс этади. Аллада ҳам бошиқа халқ қўшиқлари қаби ҳар бир даврнинг руҳи, воқеа-ҳодисалари ифодаланади. Жумладан, Октябрь революциясигача бўлган даврда яратилган аллаларда мушфиқ онанинг оғир ҳаёти, аянчли турмуши, тенгсизликдан шикоят тасвирланган.

Одатда алла алоҳида вақт, махсус ижрочи талаб қилмайди. Уни бола тарбияловчи ҳар бир аёл ўз иқтидорига, талантига ва қобилиятига қараб айтаверади.

¹. Қаранг: М. Алавия. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари, Тошкент, «Фан», 1974 й.

Алла экспромт характерда бўлганлиги сабабли айрим куйловчи оналар, агар уларда озроқ қобилият белгиси бўлса, алланинг янги-янги формаларини яратавериши мумкин.

Абу Али ибн Сино алланинг инсон тарбияси учун катта роль ўйнашини қайд этиб, шундай ёзган эди: «Боланинг мижозини қучайтирмоқ учун икки нарсани қўллаш керак: бири болани секин-секин тебратиш, иккинчиси, уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган музыка-аллалашдир»¹.

Алла одатда рефрен (нақорат) билан бошланади:

Алла болам алла,
Жоним болам алла,
Икки кўзим алла,
Ширин сўзим алла.

Алланинг мазмуни ижтимоий шароит тарихий давр, алла айтувчининг кайфияти билан боғлангандир.

Мавсум қўшиқлари меҳнат ва болалар фольклори билан боғланган. Мавсум қўшиқлари йил фасллари, табиат ҳодисалари, турли ишонч-эътиқодлар билан боғлиқдир. Чунончи, «Бойчечак», «Рамазон» каби қўшиқлар мавсум қўшиқларидир.

Умуман, халқ психологиясини ўрганишда қўшиқларнинг роли каттадир. Поль Лафарг таъкидлаганидек: «Агар бошқа манба бўлмаса, қўшиқларга қараб халқнинг урф-одатларини, тилакларини билиш мумкин».

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Фольклорнинг оммавий жанрларидан бири мақоллардир. Мақоллар узоқ асрлар мобайнида оғиздан оғизга ўтиб, силлиқланиб, халқнинг дунёқарашини, жамиятга муносабатини, унинг тарихи ва психологиясини қисқа формада акс эттиради.

Мақоллар инсониятнинг турмуш тажрибалари замида туғилган ва халқ донолигини ифодалайдиган қисқа, кўпинча шеърий формадаги ҳикматли сўзлар, чуқур маъноли иборалардир. Мақоллар ўзининг ихчам, пишиқ ва пухталиги билан халқ оғзаки ижодидаги бошқа жанрлардан фарқ қилади.

¹ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари, 1-китоб, Тошкент, 1954, 293-бет.

Мақолларда меҳнаткаш халқнинг орзу-умидлари, ватанпарварлик, инсонпарварлик хислатлари, қисқаси барча ижобий фазилатлар акс этган бўлади.

В. И. Ленин халқ мақоллари ва уларнинг гоёвий-бадний қимматига юксак баҳо берган эди. В. И. Ленин халқ оғзаки ижодининг оммавий жанри ҳисобланган мақоллар ва афористик иборалар ҳақида фикр юритиб, уларга юқори баҳо берган: «Жуда соз, жуда яхши. Ана шулардан ёзувчиларимиз ўргансалар экан, бир жумла билан чилпарчин қилиб ташлайди-я. Катта мақоллар тўпамини тузиш керак. Бу эса ёзувчиларимиз ва нотикларимиз учун катта бир ҳазина бўлиб хизмат этади»¹, деб айтган эди.

А. М. Горький ҳам халқ мақолларининг ролига юксак баҳо берган эди. «Энг улуғ донолик сўзнинг содда лигидир, —деб ёзади у.— Мақоллар ва қўшиқлар ҳар вақт қисқа бўлади. Уларда бутун-бутун китоблар мазмунига тенг келадиган фикр ва сезгилар мавжуд бўлади»².

Ҳақиқатан ҳам мақоллар, маталлар кишиларнинг онгини ўстиришда, одамларда энг яхши инсоний фазилатларни тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбек халқ мақоллари энг қадим замонлардан бери халқ орасида айтилиб, пухталаниб, авлоддан-авлодга энг яхши маънавий мерос бўлиб қелмоқда. Халқ мақолларини биринчи марта тўплаган олим М. Кошғарийдир. У ўзининг «Девону луғотит турк» асарида қадимий уруғ ва қабилалар орасида кенг тарқалган мақоллардан кўплаб намуналар келтирганки, бу мақоллар бизнинг давримизда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. Аксинча халқ орасида турли вариантларда ишлатилиб келинмоқда.

Масалан, «Девону луғотит турк»даги

«Киши оласи ичтин

Йилқи оласи тоштин».

«Ош тотуғи туз».

«Эр сўзи бир»—каби мақоллар ҳозирги кунда:

«Одам оласи ичида,

Мол оласи ташида».

¹ В. Д. Бонч-Бруевич. В. И. Ленин поэзия ҳақида, «на литературном посту», 1931, № 4, 4-бет.

² М. Горький. Материалы и исследования, т. 1, 1939, 114-бет.

«Ошнинг таъми туз билан».

«Йигит сўзи бир бўлар» каби формаларда кенг қўлланиб келинмоқда.

Классик адабиёт намояндалари ўз асарларида халқ мақолларидан, ҳикматли сўзлардан самарали фойдаланганлар. Улуғ Алишер Навоий ўзининг «Хамса», «Маҳбубул қулуб», «Хазойинул маоний», «Лисонут тайр» асарларида кўплаб мақоллар ва ҳикматли сўзларни ишлатган, уларни ижодий қайта ишлаб, гоёвий-бадий жиҳатдан юксак даражага кўтарган.

Гулханий эса ўз асарлари ҳажвий кучини ошириш, халқ ҳаёти билан боғлаш ва бадий жиҳатдан пухталани мақсадида «Зарбулмасал»да 400 дан ортиқ халқ мақоллари, ҳикматли сўзларни келтирган.

Ўзбек мақолларининг тематикаси бсй ва хилма-хилдир. Мақолларни гоёвий-тематик жиҳатдан жуда кўп турларга ажратиш мумкин. Жумладан: Ватан ва ватанпарварлик ҳақида, меҳнат ва меҳнатсеварлик ҳақида, дўстлик ҳақида, илм ва ҳунар ҳақида, донолик ва подонлик ҳақида, ботирлик ва қўрқоқлик ҳақида, муҳаббат ва вафо ҳақида, одоб ва тарбия ҳақида ва Ҳ. к. Умуман инсон ҳаётининг, инсоний муносабатларнинг бирон соҳаси йўқки, мақолларда ифодаланмаган бўлин!

Мақол ўғит, насиҳат характерида бўлиб, икки қисмдан ташкил топади. Биринчи қисмда воқеа-ҳодисанинг образли ифодаси ва иккинчи қисмда ҳикматли яқун берилади. Масалан:

Хунари йўқ кишининг, — биринчи қисм,
Мазаси йўқ ишининг, — ҳикматли хулоса.

Халқ оғзаки ижодида мақол билан бир қаторда маталлар ҳам қўлланилади. Бу икки терминнинг фарқини билиш керак. Матал мақолдан фарқ қилади. Матал кўчма маънода ишлатилувчи халқ мажозий ибораларининг бир туридир. Матал ўз маъносидан бошқа маънога кўчирилган сўз бирикмаларидан иборат бўлади.

Масалан: Темирни қизигида бос.

Бу матал бўлиб, кўчма маънода, яъни ишни ўз вақтида бажариш зарур маъносидан келаяпти.

1. «Ўзбек халқ мақоллари» (1978 йил) тўпламида ўзбек халқ мақолларининг 30 дан ортиқ турларидан намуналар келтирилган.

ТОПИШМОҚЛАР

Халқ оғзаки ижодининг кенг тарқалган жанрларидан бири топишмоқлардир. Топишмоқлар халқ донишмандлигининг маҳсули бўлиб, унда халқ ҳаётининг барча масалалари ифода этилади. (Классик адабиётда чистон ҳам деб юритилади). Топишмоқларда кишиларнинг табиат ҳодисалари, меҳнат қуроллари, уй-рўзгор буюмлари, парранда ва ҳайвонлар, мева, экинлар, қисқаси, атроф-муҳитдаги барча нарсаларнинг маълум белгилари ва хусусиятларига имо-ишора қилинади. Аниқроғи, топишмоқда маълум бир ҳодиса ё нарсанинг белгиси, сифати ва хусусияти атайин очиқ эмас, балки рамз ва ишора билан айтилади. Ўқувчи ёки тингловчи ўша рамз ва ишора асосида топишмоқда яширинган ҳодиса ёки предметни топади.

Топишмоқнинг келиб чиқиши, ривожланиши дунёдаги барча халқларда қадим-қадим замонларга бориб тақалади. Уларда ҳар бир халқнинг ўз даври, яшаш шaroити акс этади. Даврлар ўтиши билан ҳар бир даврнинг ўз тарихий босқичи билан боғлиқ бўлган янги-янги топишмоқлар юзага келаяпти.

Эрализгача IV асрда яшаган Аристотель топишмоқ ҳақида фикр юритиб, топишмоқ маҳорат билан тўқилган метафорадир деган эди. Дарҳақиқат, топишмоқларда нарса-предметнинг метафорик хусусияти асос қилиб олинади. Масалан:

Кичкина декча, ичи тўла михча.

Бу топишмоқда анорнинг юмалоқлиги декчага, анор дончалари эса декчага тартиб билан терилган михчаларга қиёс қилинапти.

Топишмоқлар тематик жиҳатдан ранг-барангдир. Инсон кўра оладиган ҳар бир предмет, сеза оладиган ҳар бир ҳодиса топишмоқ учун объект бўла олади.

Топишмоқлар тузилиши жиҳатидан кўпинча поэтик формага эга бўлади.

Пак-пакана бўйи бор,

Етти қават тўни бор.

Бу топишмоқ 7 бўғинли бармоқ вазнида бўлиб, унда пиёзга ишора қилинган.

Одатда топишмоқларда айрим белгилар берилади, лекин бу белгилар кўчма маънодаги предметни англатади. Масалан:

Бир чуқурда минг чуқур.

Бу ерда фикр чуқурдаги минг тешик ҳақида эмас, балки ангишвона тўғрисидадир.

Тематик мазмунига қараб топишмоқларни шартли равишда қуйидаги группаларга бўлиш мумкин:

Инсон ва унинг тана аъзолари ҳақидаги топишмоқлар.

Қатор-қатор тош қўйдим,
Жайрон отни бўш қўйдим.

(Тиш ва тил).

Моддий предметларни акс эттирувчи топишмоқлар.

Паст-паст томдан қор ёғар,

(Элак).

Ҳайвонлар ҳақидаги топишмоқлар.

Ости тош, усти тош,
Ўртасида жондор бош.

(Тошбақа).

Табиат ҳодисаларини ифодаловчи топишмоқлар.

Қўлсиз, оёқсиз эшик очар.

(Шамол).

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин илм-фан, маданият, техника мисли кўрилмаган даражада ўсди. Бу нарса топишмоқларда ҳам ўз ифодасини топди. Замоनावий топишмоқларда техника ютуқлари, прогрессив ҳодисалар ифодаланмоқда.

Қуйидаги топишмоқларда замоनावий воқеа-ҳодисалар, нарса — предметлар ифодаланган:

Тунни қилар кундуздай,

Нур сочади юлдуздай. (Лампочка)

Ташқари ёз, дим — олов,

Уйчамизда муз, қиров. (Холодильник).

Товуқ деса пати йўқ.

Оёқ, қўл, қаноти йўқ.

Минг-минглаб очар жўжа

Буни топинг Холхўжа. (Инкубатор).

Тиниш белгилари тўғрисидаги топишмоқлар:

Олмасанг ярим нафас,

Йўлдак ўтгани қўймас. (Вергул).

Тим қора кичкина хол,

Тўхтатар иўлда дарҳол. (Нуқта).

Шакли ўхшар ўроққа,

Доим тутар сўроққа. (Сўроқ белгиси)

Худди мирзатеракдек

Йўлда доим турар тик. (Ундов белгиси).

ХАЛҚ ДРАМАСИ

Халқ драмаси ниҳоятда бой ва хилма-хил бўлиб, ўзбек традицион театрининг асосини ташкил этади. Халқ драмаси оғзаки формада яратилган ва устандан шогирдга, авлоддан авлодга ўтиб, асрлар оша такомиллашган санъатдир. Ўзбек халқ театрининг қадимий тарихи, келиб чиқиши, тараққиёт босқичлари, актёрлик маҳорати ва эстетик принциплари ҳозиргача етарли даражада ўрганилган эмас.

Халқ оғзаки драмасининг асосий хусусияти шундаки, унда маълум ҳажвий сюжет, тугун, кульминацион чўққи, ечим бўлиб, икки ва ундан ортиқ актёр томонидан, костюм, гримм ва жонли декорация ёрдамида ижро этилади. Халқ оғзаки драмасининг ижрочиси, актёри масхарабоз ва қизиқчи деб юритилади.

Масхарабоз ва қизиқчилар ҳаётда учрайдиган, рўй берган энг характерли, кулгили воқеа-ҳодисаларни, конкрет шахсларнинг қилмиши ва ҳолатини дарҳол ўзлаштириб, томошабинга пантомима ёки драматик ҳикоя воқеасида гавдалантириб берадилар.

Халқ драмаси Юсуфжон Шакаржонов, Орифжон Тошматов, Сулаймонқори Мирзааҳмедов, Комилқори Каби санъаткорлар репертуарида мустақил ўрин тутган.

Кўпинча халқ оғзаки драмасида бир актёр томонидан ижро этиладиган драматик пантомималар масхарабоз ва қизиқчилар театрида салмоқли ўринни эгаллаган.

Халқ оғзаки театрида бош ижодкор ҳисобланган масхарабоз, қизиқчи ва кўғирчоқбозлар яратувчилик, ижрочилик ҳамда ташкилотчилик вазифасини бажарган.

Масхарабозлик ва қизиқчилик халқ оғзаки театрининг бир тури бўлиб, масхарабоз ва қизиқчи шу театрининг артистидир.

«Одатда базм машшоқларнинг соз-куйлари билан бошланиб, кейин тартиб билан ҳофизлар ашула қилган, раққосалар ўйнаган ва охирда навбат масхарабозларга берилган. Ҳар қайси атоқли масхарабоз ёки қизиқчи томошани ўз репертуаридаги маълум асардан бошлаб,

маълум асар билан тугатишга интилган. Мизроб масхарабознинг тўдаси, масалан ҳар даврада 5—10 ўйин кўрсатган»¹.

Халқ оғзаки драмаси ижрочиси бўлган масхарабозлар ниҳоят даражада ўткир ва қўрқмас, жасур бўлган. Улар ҳар доим халқ манфаатини ҳимоя қилган. Зулмкорларни сатира ўти билан куйдирган.

Масалан, «Раис» номли оғзаки драмада амирлик вазислом динининг ишончли вакили бўлган амалдорлар масхара қилинган.

Бухоро амирлигида раисликнинг мавқеи ниҳоятда катта бўлиб, унга кўп ҳуқуқлар берилган экан. Раислар бозорма-бозор юриб савдо ишларини текширади, аҳолининг ахлоқини, қуръон ва шариат талабларини қай-даражада билишларини назорат қилар экан. Раислар кўпинча кўчада истаган йўловчини тўхташиб, унинг муқаддас оят ва сураларни билиш-билмаслигини синаб кўраркан. Агар жавоб беролмаса, ўша заҳотиёқ унга тан жазоси берарканлар.

Раиснинг чангалига тушган одам пора берсагина қутиларкан. Шунинг учун ҳам масхарабозлар халқнинг раисларга бўлган норозилигини ифодалаб «Раис» асарини яратганлар.

Асарда раиснинг бир кунлик фаолияти акс эттирилади. У мулозимлари билан катта бозорга кириб келади. Растама-раста юриб, сотувчиларнинг тош-тарозисини ўлчовларини текширади. Бир-икки кишини тутиб, қуръон ва шариатдан саволлар беради. Пора берганларни кечиради, қолганларни дарра билан урдиради.

Раис тартиб ўрнатувчи харидорларга фириб берган сотувчига бақиради. Қўлга тушган сотувчи:

— Жон тақсир, кечқурун уйингизга бораман, — деб зириллайди.

Раис эса:

— Эсингда бўлсин, беёр келмагин, ҳозирча қандай савдо қилган бўлсанг, шундай савдо қилавер, — дейди ҳовридан тушиб.

«Раис» — эксплуататор синф вакиллариининг қирди-корларини фош этувчи кучли сатирик асар. Унда катта бир амалдор қамчиланган бўлса, «Хирмон кўтариш»

¹ М. Қодиров. Ўзбек халқ оғзаки драмаси, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1963, 31-бет.

номли бошқа бир оғзаки драмада бир тўда йирик амалдорлар фош этилади. «Мироб» комедиясида эса халқ сув проблемасига нисбатан ўзининг демократик нуқтаназарини ифода этади.

«Судхўр акам жон берди» деган асарда мол-дунё учун муккасидан кетган юқори табақа вакиллари танқид қилинади. Унинг мазмуни қуйидагича: Судхўрнинг умри ўтиб, ўлими яқинлашиб қолади. У мол-дунёсига ичи ачиб, ўлим билан олишади. Ўғли келиб отасининг жон бермаётганидан зорланади ва унинг васиятини олиб қолишга уринади. Судхўр ўғлига омборнинг калитини бериб, жони узилади. Катта мерос хўжайини бўлиб олган ўғил хурсандлигидан сакраб-сакраб ўйнайди.

А С К И Я

Аския ўзбек оғзаки бадий ижодининг хушчақчақ ва кулгили жанларидан биридир¹. Аския арабча закет сўздан келиб чиққан бўлиб, соф фикрли, ўткир зеҳли деган маънони англатади. Аския—оммавий жанр, У одатда халқ сайилларида, тўйларда ва бошқа маросимларда айтилади. Аския айтувчилардан ҳозиржавоблик, зийраклик ва донишмандлик талаб қилинади. Аскияда икки ёки undan ортиқ киши маълум мавзу устида тарафматараб бўлиб баҳслашади. Фикрлар курашидан иборат бўлган бу айтишувда сўз ўйинлари, чандиш, кесатиш, қочиреқ ўхшатиш, муболаға ва бошқа бадий тасвир воситалари усталик билан ишлатилади.

Аскиячи ўз «рақибининг» фикрига нисбатан чуқур маъноли чистон, оригинал фикрларни тезда айтиш билан устун чиқишга уринади, яъни фикрлашда импровизация юз беради.

Аския жанрининг ўзига хос хусусиятлари ҳозиржавоблик, гўёлик, закийлик, лутфдир. Аскиянинг муҳим шарт баҳслашаётган тарафлар ўз вақтида чуқур маъноли, кучли жавоб қайтариши (жавобда пауза, тўхталиш бўлмаганлиги), кўп маънони англатувчи, сўзларни ишлатиши, сўз ўйинлари қилишидир.

Аскиянинг муҳим хусусияти сўз воситасида тингловчиларда қулги чиқаришдир. Бунинг учун сўзларнинг

¹ Аския жанрини узоқ йиллар мобайнида илмий жиҳатдан ўрганган олим, ТошДУ доценти Р. Муҳаммадиевдир. У 1962 йилда «Аския», номли монографияси нашр этди.

кўчма маъноларидан, турли лақаблардан, фразеологик чатишмалардан, жаргон сўзлардан ўз ўрнида қўлланилади. Аскияни ижро этиш процессида унинг мавзуи борган сари кегайиб боради, бунда қайси аскиячининг тушунчаси кенг, билими бой бўлса ўша енгади.

Аския халқимиз орасида қадим-қадимдан буён севилиб, айтилиб келинаётган жанрдир. Тарихий фактлар, мемуар асарлар шуни кўрсатадики, аския Новой даврида кенг ривожланган. Алишер Навоий аскиячи Муҳаммад Бадахшийни «аскиянинг пири» деб атаган.

XVIII асрдан бошлаб Қўқон, Хива ва Бухоро хонликларида халқ театрлари ташкил топа бошлаган. XIX аср ўрталарида Саъди Махсум, Шодмон қизиқ, Нормат қизиқ, Зокир эшон, Мўмин қишлоқи, Холмат қизиқ каби қизиқчилар Бедиёшум (Қўқон хонлигидаги қизиқчиларнинг пири)нинг шогирдлари бўлган экан.

Ўзбек халқининг сеvimли қизиқчиси ва аскиячиси Юсуфжон Шакаржонов Саъди Махсумнинг тарбиясини олган, деб ёзади Р. Муҳаммадиев ўз монографиясида.

Аския жанри ўтмишда бой-амалдорларни, муштум-зўрларни фош қилиш, уларни халқ олдида шармандай шармисор қилиш вазифасини бажарган.

Аскиянинг «Пайров», «Бўласизми?», «Ўхшатдим», «Қофия», «Радиф» каби турлари мавжуд. Булардан ташқари, баъзи манбаларда аскиянинг сафсата, афсона ва тутал усуллари ҳам борлиги ҳақида маълумотлар келтирилади. Аскиянинг энг юксак формаси «пайров»дир. Пайров Фарғона, Тошкент ва Жиззахда кенг ривожланган, Наманган ва унинг атрофларида аскиянинг чандиш шакли айниқса ривожланган.

Пайров аскиянинг мукамал усули бўлиб, изчил фикрлар оқими ҳисобланади. Пайров усулида маълум бир теманинг маъноси бошдан охиригача ечиб берилди. Аскиячилар пайровда танлаб олинган теманинг доирасидан чиқмайдилар. Аскиянинг ҳам ўзига хос сюжети ва композицияси бўлади. Аскиянинг кульминацион нуқтаси мазкур теманинг энг чуқур мазмунини ифодалаш momenti, яъни фикр галабасидир.

Аскиянинг «Ўхшатдим», «Бўласизми?», «Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз?» каби формаларида аскиячи ўз «рақиб»ни бирор шахсга, шахснинг хатти-ҳаракатига бирор воқеа-ҳодисага нисбат беради.

Кейинги йилларда аския усуллари бирмунча бойиди.

Янги-янги пайровлар яратилди. «Ашула пайрови», «Асарлар пайрови», «Кино асарлари пайрови» шулар жумласидандир.

Умуман аския ҳаётда учрайдиган нуқсонларни, эскилик сарқитларини, салбий ҳодисаларни танқид қилиш билан чекланмайди. У ижобий ҳодисаларни ҳам тарғиб қилади.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧЛАРИ

Феодализм даври ўзбек халқ оғзаки ижоди

(VII асрдан XIX асрнинг II ярмигача).

III—IV асрларда Ўрта Осиёда қулдорлик муносабатлари емирила бошлаб, феодал муносабатларнинг юзага келишига замиң ҳозирланди. Бу даврларда кон санъати, темир рудаси қазиш, темир ва мис эритиш, кумуш, олтин қазиб чиқариш, нефть чиқариш, нодир тошлар қазиб олиш ривожланди. Олтин ва кумушдан заргарлик буюмлари ясала бошлади. Шиша ишлаб чиқариш санъати юксалди. Тасвирий санъат ривожланди. Умуман, Ўрта Осиё халқлари тарихининг қатта бир даври—I—IV асрлар ҳали тўла ўрганилиб чиқилгани йўқ. Совет археологияси кейинги йилларда катта-катта кашфиётлар қилаяптики, булар I—IV асрлар бадиий ёдгорликлари ҳақидаги тасаввурни янада бойитишга хизмат қилади.

VII аср охири ва VIII аср бошларида сиёсий-ижтимоий жиҳатдан тарқоқ бўлган Ўрта Осиёни араб халифалари қўшинлари истило қилади. Араб истилочилари Ўрта Осиёда ўз ҳукмронликларини мустаҳкамлаш мақсадида маҳаллий халқ ўртасида ислом динини зўрлик билан жорий қилдилар.

Ислом дини кириб келишдан аввалги даврда Ўрта Осиё халқлари вужудга келтирган кўпгина маданий ёдгорликларга, халқ оғзаки ижодига араб истилочилари нафрат билан қарадилар, уларни йўқ қилишга интилдилар. Чунончи, 712 йилда араб истилочилари Хоразмда мавжуд кутубхоналарни ёндириш билан бирга кўпгина олимларни ҳам ўлдирдилар. Маҳаллий халқлар ёзувини бекор қилиб, унинг ўрнига араб ёзувини киритдилар. Давлат ишларида араб тилини қўлладилар. Натижада араб истилосидан кейинги йилларда Ўрта Осиёда юзага

келган бадий ижод, илм-фан маълум вақтларгача араб тилида давом этди. Шоир ва олимлар ўз асарларини шу тилда яратдилар. Шундай қилиб, араблар истилоси даврида Урта Осиё халқларининг минг йиллар бўйи яратган маданий бойликлари побуд бўлиб кетди.

Урта Осиё халқларининг маданияти ва адабиёти VIII асрнинг II ярмидан бошлаб яна ривожлана бошлади. Бу ривожланиш маҳаллий халқларнинг араб босқинчилари ва маҳаллий золимларга қарши олиб борган қаттиқ курашлари шароитида борди.

Урта Осиё халқлари барча имкониятларни ишга солиб араб босқинчиларига қарши мардона қурашга оғландилар, бирин-кетин кўзғолонлар кўтарилди. Бундай кўзғолонларнинг энг каттаси тарихда Муқанна номи билан машҳур, марвли ҳунарманд Ҳошим ибн Ҳаким бошчилигидаги кўзғолондир. VIII асрнинг 70-йилларида бўлиб ўтган бу кўзғолон бутун Мовароуннаҳрга ёйилди. Араб истилочилари бу кўзғолонни шафқатсизлик билан бостирдилар. Лекин бундан кейин ҳам халқ кўзғолонлари тўхтамади. Дивастич раҳбарлигидаги Самарқанд ва Панжакент кўзғолони, Шарқи-Шимолий Эронда Сунбод кўзғолони бўлди.

Бу даврларда халқ оғзаки ижоди ҳам тараққий этди. Чунки, ижодкор халқ қандай шароитда яшамасин ўзининг оғир турмушини, турли эксплуататорлар томонидан жабр-зулм кўрганигини тасвирлайди. зулмкорларга ўз нафратини ифодалайди. Ўзининг қайғу-ҳасрат билан тўлган кўнгилсиз турмушини тасвирловчи асарлар яратади. Озодлик учун олиб борган қурашларини ва бу қурашда етишган қаҳрамонларни кўйлайди. Меҳнаткан халқ қачон бўлса ҳам ўз галабасига қатъий ишонади. Шунинг учун ҳам бу давр воқеаларини, яъни араб босқинчиларига қарши қурашни бадий акс эттирувчи «Чамбил қамали», «Райҳон араб» ва бошқа халқ достонлари ҳамда термаларида озодлик, бахт, қувноқ турмушга интилиш, келажакка бўлган буюк ишончи баралла янғирайди. Халқнинг араб босқинчиларига қарши қурашини акс эттирувчи «Чамбил қамали» достони бу жиҳатдан аҳамиятлидир.

«Чамбил қамали» достони Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пўлкан оғзидан ёзиб олинган бўлиб, унда ўзбек ва туркман халқининг араблар босқинчилигига қарши

олиб борган қаҳрамонона қураши бадий ифодаланган.

... Гўрўғлининг Чамбилда йўқлигидан хабардор бўлган Райҳон араб Чамбил элини босиб олмоқчи бўлади. Кўп сонли қўшини билан Чамбил эли устига юриш бошлайди. Аммо Гўрўғлининг араблар қўлида асира бўлган энаси Холжувон чопар юбориб, Ваянган шаҳрида Темирхон подшо ҳузурида меҳмонда бўлган Гўрўғлини хабардор қилади.

Гўрўғли ўз йнгитларини атрофига тўплаб, Темирхон подшо эса Сахмон исмли паҳлавони ва қизи Гулчеҳрани уларга қўшиб Райҳон арабга қарши қурашга отланади. Арабларни Чамбил элидан қувиб чиқарадилар.

Достоннинг муҳим фазилати шундаки, унда ислом дини таълимотига қарама-қарши ўлароқ хотин-қизлар ролига алоҳида эътибор берилган. Хотин-қизларнинг кундалик уй-рўзгор ишларида эмас, балки вақти келса жанг майдонида ҳам қаҳрамонлик ва жасорат кўрсата олишлари мумкин эканлиги ифодаланган. Достонда Холжувон, Гулчеҳра, Юнуспари образлари меҳр билан яратилган.

Холжувон ўзининг зийраклиги, ақли, билимдонлиги билан кўзга ташланса, Юнуспари Чамбилдаги хотин-қизларни тўплаб, мудофаага бошчилик қилади. Эркакча кийиниб жанг қилади. У:

Қовоқларни уйинглар,
Қиз-хотинни йиғинглар,
Пўпакни йиғиб ташлаб,
Сочни бошга тугинглар!
Хотинликни қўйинглар,
Сарбоз анжом кийинглар,—

деб хотин-қизларни жангга отлантиради.

Достонда Темирхон подшо қизи Гулчеҳра образига ҳам алоҳида ўрин берилган. У ҳам Юнуспари каби арабларга қарши қурашда қаҳрамонлик кўрсатади.

Асар охирида Гўрўғли бошлиқ Чамбил эли ғолиб чиқади, арабларни ўз юртларигача қувиб бориб, у ерда ҳам тинчлик ўрнатади. Адолат тантана қилади.

Урта Осиё халқларининг араб босқинчиларига қарши олиб борган қураши Эргаш Жуманбулбул ўғли оғзидан ёзиб олинган «Армонинг қолмасин» термасида ҳам қисман ифодалангандир.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» XI асрнинг қомусчи олими сайёҳи Маҳмуд Кошғарийнинг асаридир. Унда XI аср халқ оғзаки ижоди намуналари билан бирга, авалги замонларда пайдо бўлиб, авлоддан-авлодга, тилдан тилга кўчиб юрган қўшиқ ва лирик шеърлардан парчалар берилган.

Маҳмуд Кошғарий сайёҳ ва олим сифатида ўз замонасидаги 20 дан ортиқ қабила ва уруғларни айланиб чиқди. Уларнинг тили, урф-одатлари, маданияти, оғзаки ижодини ўрганиди ва шу асосда «Девону луғотит турк» асарини яратди.

Бу асар фақат тилшунослик учунгина эмас, балки халқ оғзаки ижодини ўрганишда ҳам муҳим манба режими ўйнайди.

«Девону луғотит турк» асари 1909 йилда Истамбулдан топилди. Бу асар ёзилгандан 200 йил ўтгач кўчирилган ягона нусха ҳозирги пайтда Истамбул кутубхонасида сақланмоқда. Уч томдан иборат бўлган «Девону луғотит турк»нинг тўла вариантини филология фанлари доктори С. Муталлибов ўзбек тилига таржима қилди ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти томолидан нашр этилди.

М. Кошғарий Чиндан бошлаб Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона, Бухорога қадар чўзилган территориядаги қабила ва уруғларнинг тили ва оғзаки ижодини ўрганиди, материаллар тўплади. Оддий халқ оммасининг вакилларию, олимлар ва шоирлар билан суҳбатлашди.

«Девону луғотит турк» асари 2 қисмдан иборат бўлиб. 1-муқаддима қисмида автор луғат яратиш сабабларини, кўп йиллар давомида луғат устида ишлаганлигини таъкидлайди.

Девонда 300 га яқин шеърлий парча, мақол ва ҳикматли сўзлар берилган.

«Мен бу китобни махсус алифбе тартибида ҳикматли сўзлар, сюжетлар, мақоллар, қўшиқлар, адабий парчалар билан безадим»,— деб ёзади М. Кошғарий.

Асардаги қаҳрамонлик, маросим, меҳнат қўшиқлари ва бошқа лирик парчалар ўша даврда яшаган қабила ва халқларнинг ҳаёти, кураши ва психологиясини бадий формада ифодалаган. Қўшиқларда ботирлик, меҳнат, ҳамкорлик, садоқат, вафодорлик мотивлари тарафдорлиги қилинган.

«Девону луғотит турк» асари 1909 йилда Истамбулдан топилди. Бу асар ёзилгандан 200 йил ўтгач кўчирилган ягона нусха ҳозирги пайтда Истамбул кутубхонасида сақланмоқда. Уч томдан иборат бўлган «Девону луғотит турк»нинг тўла вариантини филология фанлари доктори С. Муталлибов ўзбек тилига таржима қилди ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти томолидан нашр этилди.

М. Кошғарий Чиндан бошлаб Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона, Бухорога қадар чўзилган территориядаги қабила ва уруғларнинг тили ва оғзаки ижодини ўрганиди, материаллар тўплади. Оддий халқ оммасининг вакилларию, олимлар ва шоирлар билан суҳбатлашди.

«Девону луғотит турк» асари 2 қисмдан иборат бўлиб. 1-муқаддима қисмида автор луғат яратиш сабабларини, кўп йиллар давомида луғат устида ишлаганлигини таъкидлайди.

Девонда 300 га яқин шеърлий парча, мақол ва ҳикматли сўзлар берилган.

«Мен бу китобни махсус алифбе тартибида ҳикматли сўзлар, сюжетлар, мақоллар, қўшиқлар, адабий парчалар билан безадим»,— деб ёзади М. Кошғарий.

Асардаги қаҳрамонлик, маросим, меҳнат қўшиқлари ва бошқа лирик парчалар ўша даврда яшаган қабила ва халқларнинг ҳаёти, кураши ва психологиясини бадий формада ифодалаган. Қўшиқларда ботирлик, меҳнат, ҳамкорлик, садоқат, вафодорлик мотивлари тарафдорлиги қилинган.

«Девону луғотит турк» асаридаги меҳнат қўшиқлари овчилик, чорвачилик, боғдорчилик ва деҳқончилик ҳаётини, меҳнат процессини, ибтидоий жамоа традицияларини ҳамда ижтимоий-синфий зиддиятларни акс эттирган.

Ов ҳақидаги парчаларда эса қадимги меҳнат кишининг овчилик санъати тасвирланган:

Чағри бериб қушлату,
Тойгон изиб тишлату,
Тилки тўнғиз тошлату,
Ардам билан ўклатим.

Девондаги кўпгина шеърлар дидактик характерда. Уларда билим, олимлик фазилати улуғланади. Оталар номидан фарзандларга мурожаат қилинади. Масалан, қуйидаги парчада отанинг ўғилга насиҳати ифодаланган:

Бақмас будун савуқ сўз,
Юқди, юзи сарапқа.
Қазған улич тузунлук.
Қалсун чавинг йаринқа.

«Девону луғотит турк»да меҳнат, қаҳрамонлик, овчилик қўшиқларидан ташқари мавсум ва маросим қўшиқлари ҳам, ишқий-интим шеърлар ҳам бор. Булар севги ва садоқатни, висол иштиёқи ва ҳижрон аламини куйлайди, чин инсоний фазилатларни улуғлайди, кишиларни ор-номус, одамгарчилик, одоб, мардлик каби эзгу хислатларга ўргатади.

Девондаги шеърлий парчалар орасида Ёз билан Қиш мунозараси, урушлар тасвири, алплар вафотига бағишланган марсиялар бор.

Умуман олганда, «Девону луғотит турк» китоби Иттифоқимиз территориясида яшаб келаётган туркий тилда сўзлашувчи барча халқлар бадий ижодига оид муҳим маълумотларни ўзида жамлаган қимматли илмий манбадир.

X—XII асрлар Ўрта Осиё халқларининг бадий сўз санъати тараққиётида муҳим бир давр бўлди. Бу даврда халқ оғзаки ижодининг бой ва хилма-хил янги асарлари пайдо бўлди. Реакцион адабиётга қарши курашда ўсиб такомиллашган прогрессив адабиёт халқ оғзаки ижодининг туганмас манбаларидан фойдаланди ва айни замонда халқ оғзаки ижоди тараққиётга ҳам самарали таъсир этди.

XII—XIII асрларда Урта Осиё территориясида феодал тарқоқлиги анча кучайган эди. Бундан фойдаланган Чингизхон 1219 йилда Еттисув вилоятини босиб олди. Маҳаллий халқ Чингизнинг даҳшатли ҳужумини қайтаришга интилади. Тарихий маълумотларга қараганда, Чингиз қўшини Бухорога бостириб кирганида тўрт юз ватанпарвар 12 кун давомида Бухоро аркида қаттиқ жанг қилган экан. Темур Малик бошчилигида Хўжанд аҳолиси Чингиз қўшинларига қаршилик қилган. Шунга қарамаздан феодал тарқоқлиги, давлат бошлиқларининг ноаҳиллиги натижасида Чингизхон Урта Осиёни осонгина босиб олди. Аммо меҳнаткаш халқ босқинчиларга қарши мардона кураш олиб борди. Масалан, 1238 йилда Бухорода Маҳмуд Торобий раҳбарлигида халқ кўзғолони бўлди. Урта Осиё халқининг мўғул босқинчиларига қарши олиб борган озодлик курашлари бадий адабиётда, жумладан, халқ оғзаки ижодида ҳам ёрқин акс эттирилгандир. Жумладан, «Бўжи келди, Бўжи келди, Чингиз билан Жўжи келди» каби мақоллар, эртақлар, афсоналар яратилди. Аммо бундай афсона, эртақ ва мақоллар даврлар ўтиши билан йўқолиб кетган ёки уларнинг номларигина у ёки бу тарихий манбаларда сақланиб қолгандир.

Халқ оғзаки ижодининг бу даврлардаги тараққиётини халқ оғзаки ижодининг бевосита таъсири натижасида майдонга келган «Қутадғу билик», «Ҳиббатул-ҳақойиқ», «Қиссаи Фабғузий» каби ўнлаб ёзма адабиёт асарлари мисолида тасаввур этиш мумкин. Бугина эмас, кейинги даврларда совет археологлари томонидан олиб борилган илмий-текширишлар Урта Осиё халқининг мўғул босқинчилари зулмига қарши олиб борган озодлик курашларини ифодаловчи айрим асарларни топишга имкон берди. Ана шундай афсоналардан бири машҳур археолог С. П. Толстов томонидан Қорақалпоғистон территориясидаги Гулдурсун харобасини ўрганиш пайтида ёзиб олган «Гулдурсун» афсонасидир.

Бу афсонада Урта Осиё халқининг чет эл босқинчилари, ватан хоинларига қарши нафрати акс этгандир «Гулдурсун» афсонасининг қисқача сюжети кўйидагича. Бир вақтлар Гулистон деган шаҳар бўлган. Бу шаҳар жуда чиройли, обод бўлиб, халқи тўқ ва фаровон яшаган. Гулистон подшоси ўз халқига адолат билан ҳукмронлик қилган. Подшонинг Гулдурсун исмли гўзалликда

теги йўқ қизи бўлган экан. Кунлардан бир кун душман Гулистон шаҳрини қамал қилибди. Подшо шаҳар аҳолисини мудофаага сафарбар этибди. Халқ ўз шаҳрини мардона ҳимоя қилибди. Шаҳарда озиқ-овқат тугаб, очлик бошланса ҳам Гулистон халқи қуролни ташламабди. Шаҳар оқсоқоллари бирор чора ўйлаб топиш мақсадида ўзаро маслаҳатлашибди. Шаҳар аҳолиси қолган қутган донларни бир нечта сигирга едиришиб, қалъадан ташқари чиқариб юборишибди. Очлик душманни ҳам маҳв эта бошлайди. Очликдан толиққан душман аскарлари ана шу сигирларни сўйишибди. Сигирлар ичидан чиққан донларни кўришиб ҳайрон қолишибди. Душманлар «шаҳар халқининг ҳали озиқ-овқати кўп экан, ҳали-бери таслим бўлмайдиганга ўхшайди. Ўзимиз очликдан қирилиб кетмасдан тезроқ жўнаб қолайлик», деб кетиш тарддудига тушишибди.

Шунда подшонинг енгилтак қизи Гулдурсун хиёнат қилибди. У жанг пайтида душман лашкарбошиси—шаҳзодани севиб қолган экан. У душман лашкарбошисига хат ёзиб, шаҳар халқининг сирини ошкор қилибди. «Сигир воқеаси ҳийладир, шаҳарда озиқ-овқат тугаган, бир кун сабр қилсанг, халқ таслим бўлади», — дебди.

Душман қўшинлари шаҳарни қаттиқроқ қамал қилибди. Очликдан силласи қуриган, чарчаган шаҳар халқи таслим бўлибди.

Жанг тамом бўлгач, душман лашкарбошиси Гулдурсунни ҳузурига чақириб шундай дебди: «Сенинг нима учун отанга, элу юртинга хиёнат қилиб, ҳамшаҳарларинг сирини ошкор қилганингни, бизга, яъни душманларингга ёрдам берганингни билмайман. Аммо мени севиб қолиб шу ишни қилган бўлсанг, сенга шуни айтай: «Сен отанга, халқингга хиёнат қилдинг, менга вафо қилармидинг. Бундай хонлиқнинг жазоси фақат ўлим. Шундан сўнг шаҳзода Гулдурсунни отнинг думига боғлаб, шаҳарни айлантирибди, унинг қони тўкилган ер даштга айланибди. Душман шаҳарни ҳаробага айлантирибди. Шаҳарнинг харобага айланишига Гулдурсун сабаб бўлгани учун кишилар харобани Гулдурсун деб атаб бошлабдилар.

Мўғул босқинчиларига қарши халқ қаҳрамонлик кураши бошқа қардош халқларнинг адабиётида ҳам, жумладан, рус халқининг Шелкан ҳақидаги ғазабли кўшиқларида. Серапион насиҳатномалари, «Евпатий Коловрот

ҳақида қисса» ва бошқа асарларда ҳам ёрқин ифода-ланган¹. Шунингдек, ўғиз ва қарлуқ-уйғур диалектининг қадимги ёдгорликларидан бўлган «Ўғузнама» ҳам қис-ман шу даврга тааллуқли.

XIV–XV асрларда халқ оғзаки ижодининг дoston-эртак, афсона, қўшиқ ва бошқа жанрлари тараққий этди. Инги-янги мақоллар, ҳикматли сўзлар пайдо бўл-ди. Халқ ўзи яратган фольклор асарларида золим, жо-ҳил феодал ва руҳонийларни фош этди. Ўзининг яхши турмуш, бахт-саодат тўғрисидаги асрий орзусини таран-нум қилди. Ҳатто ижодкор халқ бу даврда яратган аф-сона ва ҳикояларида Улуғбек, Навоий, Ибн Сино каби буюк кишиларнинг образларини яратди.

Меҳнаткаш халқнинг ижтимоий адолатсизликка қар-ши норозилиги, золим ва жоҳил ҳукмдорларга қарши нафрати XV асрда ва ундан кейин яратилган Темур ҳа-қидаги латифларда айниқса яққол ифодаланди.

Тарихдан маълумки, Темур қонли урушлар қилди, бир қанча мамлакатларни талаб, минглаб кишиларни қириб ташлади, каллалардан миноралар ясади, кўплаб шаҳарларни вайрон қилди. Ижодкор халқ ўз асарлари-да Темурнинг ана шу золимлигини, унинг истибоддини қаттиқ қоралади.

Темур ҳақидаги латифаларда халқ ҳозиржавоб афан-дини Темурга қарама-қарши қўяди. Қандай шароитда, бўлмасин Афанди ҳаминша Темур ва унинг амалдорла-ри устидан голиб чиқади. Чунки, Афанди образи—халқ дунёқарашининг ифодачиси, унинг ҳимоячиси сифатида гавдаланади. Афанди фазилатларида халқнинг олижа-ноб ҳислатлари ўз бадий ифодасини топгандир. Темур тўғрисида яратилган латифаларнинг бирида ҳикоя қи-линишича, Амур Темур бир куни одамларни йиғиб:

— Мен золим подшоми, одил подшоми? — деган са-волни ўртага ташлади ва «золим» деганини ҳам ўлимга буюрди, «одил» деганини ҳам. Шундан кейин Афанди ўр-тага чиқди-да, деди:

— Золим биз! Худо бизга жазо бергани сизни юбор-ган.

Темурга бу жавоб маъқул бўлди.

Латифада Афандининг ҳозиржавоблиги, қўрқмаслиги ифодаланган бўлса, Темурнинг, умуман, юқори табақа

¹ Н. М. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи, 1-китоб, 201-бет.

вакиллрининг баджаҳллиги, бемани қилиқлари усталик билан ҳавж қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фольклорда қа-димдан машҳур кишилар тўғрисида ривоят ва ҳикоятлар яратиш одат бўлиб келган. Турли замонларда яшаган дошмандлар, олимлар, шоирлар, давлат арбоблари ва саркардалар ҳақида хилма-хил ривоятлар, ҳикоятлар вужудга келган. Реал воқелик, тарихий фактлар асоси-да яратилган бундай асарларда тарихий шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган воқеалар баён этилади. Бундай асарларда реал воқелик билан бадий тўқима, фантазия аралаш ҳолда берилади. Жумладан, Ўрта Осиёнинг буюк олимлари Абу Али ибн Сино, Абу-райҳон Беруний, Форобий, Улуғбек, гениал санъаткор-лари Алишер Навоий, Абдурахмон Жомийлар ҳақида кўплаб латифа ва афсоналар мавжуд¹. Уларда ана шу машҳур кишилар таъриф-тавсиф этилади, донолиги, за-ковати, одамийлиги улуғланади. Лекин ана шу асарлар орасида улуғ кишилар ҳақида тарихий ҳақиқатни бузиб тўқилганлари ҳам борки, бу нарса феодал ўрта асрига хос мафқуравий курашнинг бир кўринишидир.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ФОЛЬКЛОР

Ўзбек халқнинг буюк шоири Алишер Навоий бутун ижодиёти давомида халқ ижодиётини ардоқлаб юксаи баҳолади, бутун ижодиётида ундан унумли ва ўринли фойдаланди.

Алишер Навоий асарларини қунт билан ўқиб чиқар эканмиз, унинг тарих, тазкира, илмий ва бадий асарларни мукамал билганини, улардаги фольклор ма-териалларидан ижодий фойдаланганлигини кўрамиз. Алишер Навоий асарларида Арасту, Афлотун, Суқрот, Бўҳрот, Луқмон каби антик дунё маданияти, санъати ва улуғ кишилари ҳақидаги латифа ва афсоналар ўрин олган.

Алишер Навоий қадимги даврларга оид миф ва аф-соналардан, эртак ва қиссалардан, уларнинг сюжети ва

¹ Бу афсона ва ривоятлар А. Ирисовнинг «Ўрта Осиёнинг қирқ олим «Абу Али ибн Сино», А. Мирзаевнинг «Ҳико-ятҳо оид ба Ибни Сино ва шахсияти ў», Н. Маллаевнинг «Алишер Навоий ва халқ ижодиёти» китобларида кенг ёритил-ган.

композицияси, образлар системаси ва бадий тасвир во-сита-ларидан баҳраманд бўлди.

Алишер Навоий халқ оғзаки ижоди материаллари-дан фойдаланар экан, уларни муайян го-явий-эстетик мақсадларда айримларини айнан сақлаб қолди ёки қай-тадан ижодий ишлади, ўзгартирди. Бу ҳол Алишер На-воийга бир ижодий мактаб бўлди.

Алишер Навоий халқ ижодидан фойдаланишда унга танқидий кўз билан ёндошди. Шунинг учун фольклор асарлари Алишер Навоий ижодида сайқалланиб, тако-миллашиб борди.

Алишер Навоийнинг «Лайли ва Манжун» достонидан келтирилган қуйидаги мисоллар улуг шоирнинг фольк-лорга муносабатини яққол ифода-лайди:

Ёзмоқта бу ишқи жовидона,
Мақсудим эмас эди фасона.
Мазмунига бўлди руҳ майли,
Афсона эди анинг туфайли.
Лекин чу рақамга келди мазмун,
Афсона анга либоси мавзун.

Алишер Навоий қадимги миф ва афсоналарни ҳам яхши билган. Унинг Қаюмарс, Хутанг, Таҳмурас ва Камшид ҳақидаги фикрлари бунга далил-дир.

Алишер Навоий «Хамса»сини ҳам фольклорсиз та-саввур этиб бўлмайди. Чунки «Хамса»даги достонлар, қаҳрамонлар, сюжетлар бевосита ёки бавосита халқ оғ-заки ижодига боғлиқдир. Жумладан, Алишер Навоий-нинг «Фарҳод ва Ширин» достони Шарқда машҳур бўл-ган Хисрав ва Ширин ҳақидаги афсона ва ривоятлар ҳамда хамсачиликнинг анъанавий мавзуи ва образлари заминидан яратилгандир. Хисрав ва Ширин ҳақидаги аф-сона халқ ижодиётининг маҳсули. Унинг сюжети зами-нида ётган тарихий воқеалар асрлар давомида халқ то-монидан қайта ишланиб, бадий асар яратишга бир ре-жа бўлиб хизмат қилди.

Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони ҳам VIII аср бошларидаёқ пайдо бўлган Мажнун ҳақи-да қисса ва ривоятлардан фойдаланиш асосида яратил-ган. Бу асар сюжет ва композиция, услуб ва усул жи-ҳатидан ҳам фольклорга яқин туради.

«Сабъан Сайёр» достонига эса Алишер Навоий Шарқ халқлари орасида машҳур бўлган Баҳром Гўр афсонасини асос қилиб олган. Навоийгача бадий ада-

биётда Баҳром Гўр анъанаси мавжуд эди. Навоий бу анъаналарни қунт билан ўрганиб чиқди. Натижада янги ва оригинал дoston яратди. У Баҳром ва Дилором аф-сонасини янги планда қайтадан ишлади. Баҳромнинг саргузаштларини асарнинг марказий мавзуи бўлган севги проблемасига тўла мувофиқлаштирди, образларни янги-ча талқин қилди. Янги образлар киритди. Халқ оғзаки ижоди материаллари асосида тамомила янги ет-ти ҳикоя яратди.

Алишер Навоий Искандар ҳақидаги халқ афсонаси ва ҳикояларидан «Садди Искандарий» достонидан му-ваффақиятли фойдаланди. Искандарнинг тугилиши, ёш-лик йиллари, таълим-тарбияси, Файлақуснинг вафоти ва Искандарнинг тахтга чиқиши, Искандарнинг Доро би-лан тўқнашуви, Эронни эгаллаб олиши, Қашмирга юриш қилиб золим Маллуни енгиши, Мағрибда ваҳший-ларга қарши жанги, Ширвон ўлкасида сад барпо этиши ҳамда денгиз саёҳати афсоналардаги Искандар саргу-заштларининг асосини ташкил этади. Бу эпизодлар таъ-сирида Навоий тарихий ривоятлар, халқ афсоналари ва ҳикояларига мурожаат қилади. Натижада оригинал достонини яратди.

Хулоса қилиб айтганда, «Хамса» қаҳрамонларининг вужудга келиши ва такомил кўҳна тарихга ва халқ ижодиётига бориб тақалади. Хисрав, Ширин, Қайс, Баҳ-ром, Искандар каби образлар аслида тарихий прото-типлар асосида вужудга келган бўлса ҳам, бошлаб улар халқ фантазияси, бадий ижодкорлиги билан йўғрилиб, фольклор қаҳрамонлари сирасидан ўрин олди, кейин ёзма адабиёт обидалари томон йўл олди, камолот чўқ-қисига кўтарилди¹.

Алишер Навоий ўз ижоди давомида халқ поэтик ижодиётига янада кўпроқ эътибор берди. Навоий халқ поэтик ижодиётига ранг-баранг гуллар билан тўлиб-тошган бепоён бўстон, дуру гавҳарларга кон тубсиз денгиз деб қарайди.

Ижодкор халқ Навоийни беқиёс даражада севган. Шунинг учун ҳам унинг ўлмас сиймосини оғзаки ижоди-да, кўп сонли афсоналарида яратиб қолдирган. Бироқ Навоий яшаган даврда ҳам, ундан кейин ҳам Навоий

1. Н. Маллаев. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Тошкент, 1974, 184-б.

ҳақидаги яратилган асарларни ёзиб олиш ва тўплаш олат бўлмаган. Навоий ҳақидаги афсоналарни тўплаш ва оммалаштириш фақат 20-йиллардан бошланди. Бу соҳада А. А. Семёнов, Е. Э. Бертельс, П. Оғалиев, С. Абдулла, Берди Кербобоев, М. Афзалов ва бошқалар катта хизмат қилдилар. Улуғ шоир таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан нашр этилган «Доно Алишер» тўплами бу соҳада қилинган ишларнинг энг қимматлисидир.

Алишер Навоий тўғрисида яратилган афсоналарда Навоий образи тарихий қиёфада эмас, балки халқ ҳимоячиси, халқ орзу-умидларининг ифодачиси сифатида гавдаланади. Бундай афсоналарда Алишер Навоий истеъдодли шоир, тadbирли давлат арбоби, доно, нажоткор, олиҳиммат бир шахс, зулмга, адолатсизликка қарши курашган халқ фарзанди сифатида гавдаланади.

Алишер Навоий образи ўзбеклар орасидагина эмас, балки туркман, тожик ва қирғизлар ўртасида ҳам тарқалган, «Навоий билан Чўпон», «Мир Алишер», «Султон Ҳусайн», «Подшодан дод», «Нима учун», «Зиёд Ботир», «Олимжаноб инсон» каби ўнлаб асарларда Навоий образи намоён бўлади.

Чунончи, «Навоий билан Чўпон» афсонасида отасидан қолган қўйларнинг кўпайиб 700 га етгани, икки юзини чўпонга меҳнат ҳақи учун қолдириб, 500 қўйни бозорга ҳайдаши, пулини подшо ўлганда берасизлар деб харидорларга текинга тарқатиб юборгани баён этилади. Ғазабланган подшога Навоий:

«Қўйни олиб кетган одамлар: «Ишқилиб подшоҳимиз ўлмасин. Подшо ўлса Навоий пулини қистайди, деб сизни дуо қилиб юришади» деб донолик билан жавоб беради.

Тарихий фактлардан маълумки, Алишер Навоий оила қурмаган. Лекин ижодкор халқ улуғ шоир ҳаётидаги ана шу етишмас томонларини ўз фантазияси билан тўлдиради. Навоий ҳақида ва унинг севгилиси Гули тўғрисида ўнлаб афсоналар яратди. Афсоналарнинг кўпчилигида ҳикоя қилинишча, Навоий Гулини севади. Лекин Алишер Навоийнинг душманлари Гули ва Навоий ўртасидаги севгига тўғаноқ бўладилар. Навоийнинг душманлари ундан қасос олиш мақсадида Гулини саройга—Ҳусайн Бойқаро ҳарамига келтирадилар. Навоий қаттиқ

қайғуради. Гули заҳар ичиб ўлади. Навоий умрининг охиригача Гули муҳаббатига содиқ қолади.

Яна бир қатор афсоналарда Алишер Навоий Ҳусайн Бойқарога қарама-қарши қўйилади. Бундай афсоналарда Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатлари бир тарзда тасвирланмайди. Баъзи афсоналарда (масалан, «Пуллар қаёққа кетаяпти», «Менда ҳам шунча», «Ким аввал кўрди», «Оқилона жавоб» ва бошқаларда) Султон Ҳусайн асосан ижобий қиёфада берилса, яна бир хил афсоналарда (масалан, «От нимадан кулди» «Ким тентак», «Биз одам эмасми» ва бошқалар) Султон Ҳусайн Навоийга нисбатан бирмунча гўлроқ ва калтафаҳмроқ киши сифатида гавдаланади¹.

Хулоса қилиб айтганда, халқ оғзаки ижоди асарларида халқ тасавуридаги Алишер Навоий образи муҳаббат билан яратилади. Уларда муболага, бадий фантазия бор. Навоий тўғрисидаги халқ афсоналарида тарихий ҳужжат эмас, балки уларда халқнинг орзу-истаги, мақсад-интилишлари, фантазияси етакчидир. Шу билан бирга, халқ афсоналарида Алишер Навоий образи шу даражада демократлаштириладики, у деҳқон, мардикор, боғбон, косиб ва шу каби тоифадаги кишилар сифатида тасвирланади. Бундай асарларда Алишер Навоий ўз ҳозиржавоблиги, юмори, ўткир сўзи билан афандига (тожикларнинг Мушфиқийси ва туркманларнинг Каминасига) ўхшаб кетади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Алишер Навоий образини яратиш соҳасида ўзбек совет адабиётида ҳам янги босқич башланди. Ўзбек совет адабиётида Навоий ҳақида турли жанрларда асарлар яратилди. Ойбекнинг «Навоий» романи ҳамда «Гули ва Навоий» достони, Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» шеърӣ драмаси, Л. Г. Батнинг, «Ҳаёт бўстони» повести, Миркарим Осимнинг «Зулмат ичида нур», Иноятулла Махсумнинг «Навоий Астрободда» музыкали драмаси, «Ўзбекфильм» киностудияси томонидан яратилган «Алишер Навоий» фильми шулар жумласидан.

1. Алишер Навоий ҳақидаги афсоналар ва уларнинг атрофида таҳлили Е. Э. Бертельснинг «Навоий ва Н. Малласевнинг «Алишер Навоий ва халқ ижодиёти» номли монографияларида берилган.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек халқ оғзаки ижоди шу даврнинг маҳсули ҳисобланади. Унинг ғоявий-бадиий хусусиятлари ҳам шу давр воқеа-ҳодисаларига бориб боғланади ва улар билан изоҳланади.

XIX асрнинг II ярмида Ўрта Осиё халқлари ҳаётида рўй берган энг муҳим ҳодиса феодал муносабатлари асосига қурилган ўзбек хонликларининг инқирозга юз тутиши ва Ўрта Осиё ерларининг бирин-кетин Россия составига қўшиб олиниши бўлди. Ўрта Осиё Россияга қўшиб олиниши билан ўлка халқлари тарихининг янги даври бошланди.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши маҳаллий халқ ўртасида социал табақаланишни кучайтирди ва меҳнаткаш халқ оммасининг синфий онгини ошириб, ўз истиқболларини равшанроқ аниқлаб олиш имкониятини очиб берди. Зулм ва зўрликка қарши халқнинг исёнкорлик ҳаракатлари кучайди.

1905 йил ва ундан кейин ижтимоий ҳаётда рўй берган муҳим тарихий ҳодисалар, пролетар синфи раҳбарлиги остида олиб борилган озодлик кураши ва революцион ҳаракатлар халқ оғзаки бадиий ижодида ҳам акс этмай қолиши мумкин эмас эди.

Бу давр халқ оғзаки ижоди ўзининг революцион ғояларни тарғиб қилиши билан ажралиб туради. Бу ғоялар 1905 йил революцияси арафасида туғилди.

Масалан, 1905 йил революцияси арафасида Самарқанд атрофларида деҳқонлар норозилигининг ифодаси сифатида Намоз ҳаракати бошланди. Намоз исмли кили раҳбарлигида кўтарилган бу халқ ҳаракати фольклорда зўр маҳорат билан қўйилди. Халқ бахшилари Намозни халқ душманларидан, золимлардан ўч олувчи қаҳрамон сифатида акс эттирдилар.

Халқ шоири Нурмон Абдувой ўғли бу воқеага бағишлаб «Намоз» достонини яратди ва Намознинг қаҳрамонликларини халқ ўртасида кўйлаб, халқни озодлик курашига илҳомлантирди. Маълумотларга қараганда Нурмон бахши шу асари учун Каттақўрғон ҳокими томонидан уч ярим йил қамоққа ҳукм қилинган.

Намоз ҳаракатидан чор ҳукумати ва Бухоро амири жиддий ташвишга тушган эди. Шоир бу ҳолни асарда ҳаққоний акс эттирган:

Бедав миниб сағрисини силатти,
Амир, подшони тахт устида йиғлатти...
Соллотларга оч бўридай дориди,
Ўн тўрт бўлис ушлаёлмай ҳориди...¹

Бу даврдаги халқ оғзаки ижоди асарларида, жумладан, қўшиқларда мавжуд тузумни лаънатлаш мотивлари, ҳоким, бек ва амалдорларнинг кирдикорларини фош этиш тенденцияси кенг акс эттирилди. Масалан, меҳнаткаш халқ оммасининг кайфияти, психологияси ва курашлари қўшиқларда шундай кўйланади:

Хону бекни ер ютсин,
Ернинг қаърига кетсин,
Қозиларнинг қорнига,
Қора қозик қоқилсин².

1905 йилларда меҳнаткаш халқ оммасида кучайган революцион руҳ халқ оғзаки ижодида кенгроқ акс эттирила бошланди. Биринчи жаҳон уруши ва 1916 йилларда золимларни танқид қилувчи асарлар қаторида подшо ҳукуматини ағдаришга чақирувчи ашула ва қўшиқлар яратилди. Бу асарларда маҳаллий ва чор ҳукмдорлари ғазаб ва нафрат билан фош этилади.

Айниқса, 1916 йилги мардикор олиш воқеаси билан яратилган «Николай қон жаллоб», «Минг лаънат», «Золим», «Пойизингни юргизган» каби халқ қўшиқлари, «Чигиртка», «Қаҳатчилик» каби термалар, Фозил Йўлдош ўғлининг «Жиззах қўзғолони», Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пўлканнинг «Мардикор» достонлари ва бошқа асарлар революцион кайфиятни ифода этувчи оғзаки ижод намуналаридир.

Қуйидаги қўшиқларда давр ва халқнинг революцион руҳи, мавжуд тузумдан норозилик кайфияти, адолатли ва озод ҳаёт қуриш учун курашга чақириш мотивлари яққол ифодаланган:

1. Ғ. Каримов «Ўзбек адабиёти тарихи», III китоб «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1966, 282-бет.

Ошқовоқни қайнатиб,
 Ёғини олган хўжайин,
 Меҳнаткашни ишлатиб,
 Жонини олган хўжайин.
 Сайид Аҳмад номинг баланд,
 Номингдан томинг баланд,
 Йигитларга қўл қўйган,
 Падарингга минг лаънат.
 Поездингни жилдирган,
 Утхонаси билан дўнгалаги,
 Двинскага кетишди,
 Мард йигитнинг бир бўлаги.
 Двинскига йўл бўлсин,
 Тахти тожи қул бўлсин.
 Йигитларни қийнаган,
 Николайинг йўқ бўлсин.

1916 йилларда яратилган халқ қўшиқларининг асосий мақсадини чоризмни—«Николай золим» ҳукуматини ағдариб, йўқ қилиш ғояси ташкил этади.

Фозил Йўлдош ўғлининг 1916 йилги миллий-озодлик қўзғолонига бағишлаб яратган «Жиззах қўзғолони», ўзбек меҳнаткашларининг Октябрь революцияси арафасидаги сиёсий онги ва синфий ҳамкорлиги масалаларини акс эттирувчи «Маматкарим полвон» ҳамда Пўлканнинг мардикор олиш воқеаси муносабати билан яратилган «Мардикор» дostonлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу дostonлар ўзбек меҳнаткашлари ҳаётида Улуг Октябрь революцияси арафасида содир бўлган ижтимоий-сиёсий воқеалар тасвирига бағишланган бўлиб, уларда биринчи жаҳон уруши ва 1916 йил мардикор олиш муносабати билан меҳнат аҳлининг онгида, тушунчасида ва ижтимоий фаолиятида юз берган жуда катта ўзгаришлар ўз ифодасини топган.

«Маматкарим полвон» дostonи Фозил Йўлдош ўғли томонидан яратилган бўлиб, бу дoston темаси, яратилиш тарихи, воқеаларнинг хронологик тартиби жиҳатидан оригинал эпик асардир.

Дostonда революциягача бўлган ўзбек меҳнаткашларининг эзилиши, хўрланиши, ҳақоратланиши, бунга

қарши революцион озодлик ҳаракатининг кўтариллиши тасвирланган.

Авторнинг асосий ғояси бош қаҳрамон Маматкарим полвон образида мужассамланган. Бу образ реал тарихий шахс бўлиб, Жомбўйнинг Бекат қишлоғидандир.

«Маматкарим полвон» дostonининг қисқача мазмуни қуйидагича: Бекат қишлоғида яшовчи бир кампирнинг Муҳаммадкарим исмли қўрқмас, довюрак, бир сўзли ўғли бўлади. Жисмоний жиҳатдан бақувват бўлгани учун халқ унга «полвон» лақабини қўшиб, Маматкарим полвон деб атайти.

Атрофидаги камбағал меҳнаткашларнинг бойлар зулмидан ниҳоят даражада азоб чекаётганини кўрган Маматкарим халқ манфаатини золимлардан ҳимоя қилишга бел боғлайди. У халқ манфаати йўлида қозидан ҳам, мингбошидан ҳам, ислом дини намояндаларидан ҳам қўрқмайди. Уларни фoш қилади, инсофга чақиради.

Кунларнинг бирида амалдорлар томонидан бозорда, халқ ўртасида жазоланаётган деҳқонларга дуч келиб қолади. Бундан газабланган Маматкарим деҳқонларни озод қилади, зулмкорларни қувиб юборади.

Маматкарим ўз атрофига камбағалларни тўплай бошлайди. Камбағаллар ўртасида тушунтириш ишлари олиб боради. Шунинг учун меҳнаткашлар Маматкаримни ўзларининг ҳимоячиси, йўлбошчиси деб тушунадилар.

Маматкарим бошлиқ камбағалларнинг бундай зўр ҳаракатидан ташвишга тушган эксплуататор синф вакиллари, жумладан, Маматкаримнинг тоғаси Эшматбой мингбоши турли ҳийла-найранг билан полвонни бу йўлдан қайтармоқчи бўладилар.

Эксплуататор синф вакиллари Эшматни унинг олди-га «насиҳатгўй» қилиб юборадилар. Қанча уринмасин Маматкаримни йўлдан оғдира олмайди, аксинча унинг газабини келтиради. У бойга қараб:

Маматкарим дейди менинг ўзимни,
 Сарғайтарман сенинг гулдай юзингни,
 Очулансам ўйиб икки қўзингни, — дейди.

Яна бир жойида эса:

Қим зўр бўлса, жазосини бераман,
 Камбағал, ночорнинг тани бўламан,—деган

сўзлар билан ўзининг қатъий позициясини баён қилади.

Маматкаримнинг осонликча қўлга тушира олмаган ҳоким синфлар ўзаро тил бириктириб, бўҳтонлар уюштирадилар. Натижада полвонни бир марта 15 кун, иккинчи марта 6 ой муддат билан Хўжандга (ҳозирги Ленинобод) бадарға қилишга эришадилар.

Бу қувгин ва сургунда Маматкарим чиниқади. Ўз атрофига меҳнаткашларни янада кўпроқ тўплайди. Энди бойлар, руҳонийлар террор ва жиноятни ишга солиб, полвонни орадан йўқотишга, яъни унга суиқасд уюштиришга аҳд қиладилар. 3—4 каллакесарни ёллаб кечаси Маматкарим уйига қайтиб келаётганида уни отиб ўлдирадилар. Унинг ўлиmidан сўнг кўп ўтмай Октябрь революцияси ғалаба қозонади, душманлар жазоланади.

Шоир бу дostonда ҳақ ва адолат идеалини илгариси суради.

Маматкарим гарчи реал, тарихий шахс бўлса-да, шоир уни типиклаштириб, коллектив образига, халқ қаҳрамони образига айлантирган.

Умуман олганда, «Маматкарим полвон» достони ўзбек совет фольклорига деҳқонлар оммасининг революция арафасидаги ҳаёти ва интилишларидаги тарихий бурилишни кенг ва ҳар томонлама тасвирлаб берган биринчи эпик асардир. Достон катта маърифий ва эстетик қимматга эга бўлиши билан бирга, сиёсий ва тарбиявий аҳамиятга ҳам молик.

«Жиззах қўзғолони» достони.

«Жиззах қўзғолони» достони ҳам Фозил Йўлдош ўғли томонидан яратилган бўлиб,

унда 1916 йилда Урта Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда юз берган миллий-озодлик қўзғолонларининг энг кўзга кўринарлиси—Жиззах қўзғолони воқеаси тасвирланади.

Достон биринчи жаҳон уруши оловининг аланга олиб кетиши билан бошланиб, урушнинг актив иштирокчилари Англия, Германия, Франция, чор Россияси, Туркия эканлиги ҳаққоний тасвирланади.

Достонда баён қилинишича, бу уруш кундан-кун авж олади, кенгайиб боради. Россия подшоши кучsizланиб қолади. Бундан таҳликага тушган Николай ўз амалдорлари иштирокида катта мажлис чақиради. Бу мажлисга йиғилганлар Россия мустамлакаси ҳисобланган ўлкалардан фронт ва фронт орқасидаги ишларга одам олиш

ни таклиф қиладилар. Аммо Николай ўз мастамлакаларидаги оддий кишилар қўлига қуроли бериб, аскарликка чақириб хавфли эканини айтиб, бу таклифни рад этмоқчи бўлади. Лекин охирида фронтдаги аҳволнинг ниҳоят даражада оғир эканлигини эътиборга олиб, фронт ва фронт орқасидаги ишлар учун ҳар 5 хонадондан битта одам олиш ҳақида фармон чиқаради.

Фармонда одам беришни истамаган киши ўз ўрнига одам ёллаб юбориш мумкин дейилади. Бу билан пулдор одамлар ва уларнинг ўғилларига осонлик тугилади. Меҳнаткаш халқ бу хабарни эшитиб, даҳшатга келади, шаҳар ва қишлоқларда норозилик ҳаракатлари бошланади. Бу норозилик ҳаракатига халқ ўртасидан чиққан Тойир, Қурвонбой, Мавлон каби мардлар бошчилик қиладилар.

Оломон баъзи амалдорларни ўлдиради ва Жиззах устига юриш қилишиб, Жиззах қўрғонини қуршаб оладилар.

Руҳонийлардан Мухторхон эшон халқни курашдан воз кечишга, тақдирга тан беришга ундамоқчи бўлади. Аммо қўзғолончи халқ унга қарши:

Эшонсан, халқнинг пирисан,
Шу душманларнинг бирисанг,
«Жаннатга олиб бораман», — деб
Сен халқни алдаб юрибсан.—

деган сўзлар билан эшоннинг кирдикорларини фoш қилади.

Сўнгра қўзғолончилар билан солдатлар ўртасида жанг бўлади. Халқ ҳоким ва приставни тошбўрон қилиб ўлдиради. Шундан сўнг Жиззахга Тошкент ва Самарқанддан қўшин келади, улар қўзғолончиларни раҳмсизлик билан жазолай бошлайдилар. Шу тариқа қўзғолон бостирилади.

Мардикорликка олиш бошланади. Достонда мардикорларнинг сарсон-саргардонлиги кенг равишда тасвирланади. Достонда фронт ва фронт орқасидаги оғир ишлар ҳам тасвирланган, мардикорларнинг азоб-уқубатлари, ҳалок бўлишлари ўткир ғазаб билан кўрсатилган. Шунингдек, дostonда подшога қарши курашаётганларга большевиклар партияси раҳбарлик қиладигани ва тез кунда меҳнаткашлар озодликка чиқиши муқаррар эканлиги баён этилади.

Достон «Ҳамма халқ озодликка чиқиб, мурод-мақсадига етди. Буни халқ шоири Фозил Йўлдош айтди» каби сўзлар билан якунланади.

Хулоса қилиб айтганда, «Жиззах қўзғолони» 1916 йилда Ўзбекистонда юз берган тарихий воқеаларни кенг ва ҳаққоний акс эттирган асардир.

«Мардикор» достони.

«Мардикор» достони 1927 йилда Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пўлқандан ёзиб олинган.

Бу достонда ҳам революциядан аввалги ўтмиш воқеалари акс эттирилган.

Достон мардикор олиш муносабати билан юз берган халқ ғалаёнларининг тасвири билан бошланиб, ўзбек меҳнатқашларининг мардикорликка юборилиши, улар бошидан кечирган қийинчиликларнинг тасвири, революция туфайли мазлум меҳнатқашларнинг озодликка чиққани ва мардикорларнинг ўз ватанларига қайтиши билан якунланади.

Пўлқан достонда сўзланган воқеаларнинг шахсан иштироқчисидир. Чунки Пўлқан ҳам мардикорликка олиниб, Россиядаги машаққатларни бошидан кечирган. Шунга асосланиб, достонни маълум даражада автобиографик асар деб айтиш мумкин.

Достонда традицион достонларга хос кўп хусусиятларни кўрмаймиз. Унда традицион достонларга хос изчил сюжет йўқ. Бу асарда авторнинг мардикорлик вақтида кўрган, кузатган, эшитган воқеа-ҳодисалари ўзига хос йўл билан ҳикоя қилинади. Бу асарда мардикорликка олинган ўн минглаб камбағалларнинг ҳис-туйғулари, уларнинг чоризмга бўлган ғазаб ва нафрати мужассамлашган. Қуйидаги мисраларда буни яққол сезиш мумкин:

Дод-фарёд Николайнинг дастидан,
Туркистонни ҳаммасин вой-войлатди.
Ҳар беш уйга бир одам соп бўзлатди,
Одамларнинг юрак бағрин тузлатди.

Достонда Россияга жўнатилган мардикорларнинг азоб-уқубатлар чекиб, сиёсий онги ўсганлиги, оқу қорани таниганлиги ҳаққоний равишда акс эттирилган.

Пўлқаннинг муҳим хизмати шундаки, шоир бу аса-рида В. И. Ленин образини тасвирлашга ҳаракат қил-

ган. Унинг тасвирида В. И. Ленин зулм ва адолатсизлик тузумини йўқотиш учун барча эзилган халқларга сўянган ҳолда иш олиб боради.

В. И. Ленин ҳақидаги қисмининг охирида:—Биз бечора, мардикорлар эдик. Шу пайтда Петербургни Ленин бошлиқ лашкарлар ишғол қилди, деган хушxabар эшитдик. Бу хабар биз турган Пенза шаҳрига ҳам етиб келди. Бу ерда ҳам губернатор ҳайдаб юборилди. Биз Ленинни дуо қилиб уйимизга жўнаб кетдик,—дейилади.

СОВЕТ ДАВРИ ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ўзбек халқини ҳам асрий қулликдан озод қилди. Шаклан миллий, мазмунан социалистик ўзбек маданияти, санъати ва адабиёти юзага келди. Кўп асрлик бой традицияга эга бўлган ўзбек халқ оғзаки ижоди ҳам социалистик тузум туфайли янги мазмунни—совет воқелигини акс эттира бошлади. Янги типдаги фольклор—ўзбек совет фольклори шаклланди ва ривожланди.

Ўзбек совет фольклори совет воқелиги, Коммунистик партия раҳбарлиги, ўзбек оғзаки ва ёзма адабиётининг илгор анъаналари, қардош халқлар фольклори билан ижодий муносабатларнинг янада кучайиши, ўзбек совет фольклористикасининг таркиб топиши натижасида майдонга келди. Ўзбек совет фольклори ўзининг бир қанча хусусиятлари билан ўтмиш фольклоридан фарқ қилади. Улар сасосан қуйидагилар:

Социалистик воқелик ўзбек фольклорининг асосий мазмуни ва мундарижасини ташкил этади. Чунки ўзбек совет фольклори ўзбек халқининг озод, бахтли ҳаётини янги давр кишисининг ҳис-туйғуси, мардлик ва фидо-корлиги, дўстлик ва вафодорлиги, севгиси, меҳнатга бўлган ижодий муносабатини акс эттирди.

Коммунистик ғоявийлик ва жўшқин ватанпарварлик пафоси ўзбек совет фольклорининг асосий хусусиятларидандир. Совет даври халқ поэтик ижоди юксак коммунистик ғояларни тарғиб этади, социалистик ватанга меҳр-муҳаббатни ифодалайди.

Совет даври ўзбек халқ поэтик ижодининг характери хусусиятларидан яна бири унинг ёзма адабиёт билан муштараклигидир. Чунки совет даврида ёзма адабиёт

ҳам, оғзаки адабиёт ҳам бир-бири билан узвий алоқада, бирини бири тўлдирган ҳолда тараққий этди.

Совет даврида фольклор асарлари ижодчиларининг маданий савияси ошди. Совет воқелиги шароитида традицион фольклор асарлари учун асосий белги бўлиб қолган «оғзаки ижод этиш» ва тарқалиш процесси шарт бўлмаган хусусиятга айланди. Чунки, совет даври фольклор ижодчилари ўз асарларини ёзма равишда ижод этишга муяссар бўлдилар.

Совет даври халқ оғзаки ижодининг яна бир хусусияти шу бўлдики, бахши, дostonчи, халқ шоирлари традицион асарларни куйлаш билан бирга, замонавий воқеа-ҳодисаларни акс эттирувчи асарлар ярата бошладилар. Яъни совет даврида халқ дostonчи ва бахшиларининг новаторлиги ёрқинроқ намоён бўлди.

Совет даври фольклори ўз тематикасининг бойлиги ва ранг-баранглиги билан ҳам ўтмиш давр халқ поэтик ижодидан фарқ қилади.

Шунингдек, ўзбек совет фольклори адабий ва маданий традициянинг энг яхши тажрибаларини ижодий давом эттирди.

Қисқаси, социалистик воқелик ўзбек совет фольклорининг мазмуни ва мундарижасини ташкил этади. Совет фольклори социалистик тузумни, Коммунистик партияни улуғлади, совет кишиларининг эстетик қарашлари ва тузумимизга муносабатларини бадий тасвирлади.

Совет даврида тематикаси, гоёвий мазмуни, образлар системаси билан традицион асарлардан тубдан фарқ қилувчи янги дostonлар яратилди. («Жиззах қўзғолони», «Мардикор», «Очилдов», «Комсомолка Ойтўти» ва ҳоказо). Уларда прототип ва ҳаётий воқеалар реалистик акс эттирилди. Шунингдек, фольклор асарларининг хилма-хил жанрлари янги даврда янги мазмунни ифода этиб, гуркираб ўсди, тарққий этди. Янги-янги халқ қўшиқлари, аския, халқ драмаси, мақол ва топишмоқлар яратилди.

Ўзбек совет адабиётида фольклор асарларидан ижодий фойдаланиш йўли билан ёзма адабиётнинг, театр ва кино санъатининг турли жанрларида бадий асарлар яратиш традицияси кенг йўлга қўйилди. Фольклор таъсирида Ҳ. Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ» дostonлари, С. Абдулланинг «Тоҳир ва Зухра», «Алпомиш», Комил Яшиннинг «Равшан ва Зулху-

мор» драмалари, С. Бобоевнинг «Ёрилтош» операси, Қ. Муҳаммадийнинг қатор эртаклари ва бошқа ёзувчиларнинг хилма-хил жанрлардаги асарлари майдонга келди.

20-йилларда даврнинг энг актуал воқеа-ҳодисаларига ҳозиржавоб бўлган кичик жанрлар—ашула, қўшиқ ва термалар бошқа жанрларга нисбатан кенг ривожланди. Халқ поэзияси меҳнат аҳлининг кучига куч, қудратига қудрат қўшиб, янги-янги ғалабалар сари қадам ташлашга ундади.

20-йиллар халқ поэзиясининг муҳим хусусияти шу бўлдики, бу даврда яратилган поэтик асарларда Октябрь ғалабаси туфайли қўлга киритилган эркинлик конкрет тасвирланди, «ўтмиш» ва «ҳозирги» ҳаёт манзарасини чизиш орқали ижтимоий ўзгаришнинг моҳияти янада кенгроқ очиб берилди.

Октябрь революциясининг ғалабасини мадҳ этувчи «Октябрь», «Марҳабо, хуш келибсиз», «Кечалар кундуз бўлди», «Октябрни қутлайман», «Ленин солган йўл» каби коллектив томонидан яратилган қўшиқларда, Эргаш Жуманбулбул ўглининг «Октябрь», «Шўро», «Қизил» каби терма ва қўшиқларида, шунингдек, Ислом шоир, Пўлкан шоир, Қурбон шоир қўшиқ ва термаларида революциядан сўнгги бахтиёр ҳаёт ўтмиш тузумига қарама-қарши қўйиб тасвирланди, совет тузумининг афзалликлари мадҳ этилди. Бу нарса ўзбек совет фольклоридаги новаторлик эди.

Пўлкан ўзининг «Узоқ яшасин!» қўшиғида Октябрь революциясига бўлган муносабатини, меҳнаткаш халқнинг қалб сўзларини бадий етук мисраларда қуйидагича ифодалайди:

Ифвогар бойларга бўлди қиёмат,
Камбағал деҳқонга бўлди мурувват.
Меҳнаткашман бўлди Шўро ҳукумат,
Шўро ҳукумати узоқ яшасин.
Таълим берган ўртоқ Ленин яшасин!...

Эргаш Жуманбулбул ўгли революциядан кейин «Қизил» радиофи қўшиқ яратиб, унда шоир янги ижтимоий тузумни «қизил» сўзи орқали ифодалади.

Эй дўстларим офтоб чиқиб,
Бизнинг эллар бўлди қизил.

Гулгун бўлди кўргин, шафақ,
Ул осмон бўлди қизил.
Оқшом ўтди, кеб кундузи
Еруғ бўлди ернинг юзи.
Йўқолди подшоҳ юлдузи.
Кўргин туман бўлди қизил.

20-йиллар халқ поэзиясининг хусусияти Октябрь революциясини мадҳ этиш билангина чекланиб қолмади, балки у даврнинг муҳим тенденцияларини ҳам бадий инкишоф этди.

Октябрнинг илк кунларидан бошлаб доҳиймиз В. И. Ленин ҳақида кўплаб асарлар яратилди. Фольклор асарларида ижодкор халқ В. И. Ленинга фақатгина социалистик тузумнинг асосчиси деб қарамади, балки янги ҳаётда рўй бераётган барча муҳим, мураккаб ва улғувор социал ҳодисалардан тортиб энг кичик соҳаларда ҳам доҳийнинг даҳоси мужассам эканлиги қўшиқларда, терма ва ашулаларда хилма-хил бадий приёмлар ва ўхшатишлар воситасида чуқур самимият билан кўйилган. Фозил Йўлдош ўғлининг қуйидаги мисралари бунинг ёрқин далилидир:

Ёдимда ҳамиша сен падар Ленин,
Кўнглимда сўзларинг жон қадар Ленин.
Денгиздай тўлғаниб, балқийди фикринг,
Эзилган элимга озодлик бердинг.
Ишчи ҳам деҳқоннинг доҳийси ўзинг,
Бир умр сақланар ёдимда сўзинг.

20-йиллар халқ оғзаки поэзиясида жанговарлик, ватанпарварлик руҳи янграб туради. Айниқса, халқнинг босмачилик ҳаракатига бўлган ғазаб ва нафрати бу йилларда яратилган кўшиқ ва термаларда ёрқин акс этган.

Масалан, қуйидаги тўртликларда халқнинг босмачилик ҳаракатига қарши қаттиқ ғазаб ва нафрати ифодаланган:

Бизнинг боғда шафтоли,
Шоҳчалари қайрилган.
Босмачининг зулмидан.
Она қиздан айрилган.

Ариқ бўйи ўйилди,
Бўғизга пичоқ қўйилди.
Босмачилар қўлида
Беғуноҳлар сўйилди.

Гражданлар уруши йиллари яратилган қуйидаги тўртликларда эса халқ озодлиги, эл манфаати йўлида жонбозлик кўрсатган қаҳрамонлар улуғланади:

Гум бўлсин, гумрон бўлсин,
Босмачи тамом бўлсин!
Босмачини қийратган
Ботирлар омон бўлсин!..
Поезд келди ғилдираб,
Ғилдираги пилдираб.
«Тўртинчи»лар¹ зарбидан
«Бег»лар қочди шулдираб.

Демак, эрк ва озодликни куйлаш, озод меҳнат, эксплуататорларга қарши курашни акс эттириш, буюк Ленинга самимий миннатдорчиликни ифодалаш, жасорат, мардлик, интернационализм, Ватанга муҳаббат мотивларини бадий инкишоф этиш 20-йиллар халқ оғзаки ижодининг асосий хусусияти эди.

20 ва 30-йилларда ўзбек совет фольклорида бевосита совет воқелигида ва социалистик мавзуда яратилган эпик асарлар қатори традицион эпик тур намуналари ҳам ўрин олди. Шунинг учун 20 ва 30-йиллар ўзбек халқ оғзаки ижодидаги эпик асарларни иккига бўлиб ўрганиш мумкин. Булардан биринчиси традицион эпик асарлар бўлса, иккинчиси бевосита совет даврида ижод этилган эпик асарлардир.

Совет давлати ва Коммунистик партиянинг маданий меросга, шу жумладан, халқ оғзаки ижоди ёдгорликларига бўлган ғамхўрлиги туфайли фольклор асарларининг ўтмишда яратилган кўпгина демократик халқчил характердаги эпик тур намуналари ёзиб олинди, нашр этилди, бахшилар томонидан куйланди. Иккинчидан, бевосита совет воқелиги заминида традицион формада янги мазмунни ифода зутвчи дostonлар майдонга келди. Чунончи, Эргаш Жумунбулбул ўғлининг «Ўртоқ

1. Ўзбекистонда босмачиларга қарши курашган қизил аскарлар шундай деб аталган—Ш. Х.

Ленин», Фозил Йўлдошнинг «Очилдов», Холёр Абдукарим ўғлининг «Амир қочди», Умир Сафаровнинг «Қорақум», Намоз Холмат ўғлининг «Мустафоқул», «Келиной», Пўлканнинг «Ҳасан Батрак» каби дostonлари ярагилди.

«Очилдов» дostonида Ўзбекистондаги босмачилик ҳаракати фoш этилди. «Амир қочди» дostonида эса Бухоро амири Олимхон салтанатининг емирилиши ва контр-революцион кучлар билан янги тузум тарафдорлари орасида бўлиб ўтган қизғин синфий кураш ва бу курашда янгиликнинг ғалабаси кўрсатилди.

«Ҳасан батрак» дostonида эса Пўлкан ер ислоҳоти ва хотин-қизлар озодлиги темасини акс эттирди.

Эргаш Жуманбулбул Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Лениннинг революцион фаолияти ҳамда олижаноб инсоний фазилатларини тараннум этувчи «Ўртоқ Ленин» дostonини яратдики, бу фақат фольклордагина эмас, балки умуман Ўрта Осиё халқлари адабиёти тарихида В. И. Ленинга бағишланган биринчи асар бўлганлиги билан муҳим воқеа бўлди.

20 — 30-йилларда эртак, халқ драмаси, аския-пайравлари, мақоллар ҳам замон ва давр талабига ҳамоҳанг ҳолда тараққий этди.

ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ УҒЛИ

Эргаш Жуманбулбул ўғли ўзбек халқ поэтик ижодида ўзининг баракали ҳиссасини қўшган, ажойиб дostonларни куйлаган отоқли шоирлардан бирidir. У, биринчи навбатда, халқ дostonчиси бўлиши билан бирга, классик адабиётни яхши билган саводли шоир эди. Эргаш Жуманбулбул ўз ижодида фольклор ва классик адабиётнинг илғор традицияларидан, поэтик приёмларидан усталик билан фойдаланди. Шунинг учун ҳам Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ижоди бошқа халқ шоирлари ижодидан тубдан фарқ қилади.

Эргаш шоир 1868 йилда Жўш қишлоқ советига қарашли (Самарқанд область, Қўшрабат райони) Қўрғон қишлоғида халқ томонидан «Булбул» лақабини олган дostonчи Жуман шоир оиласида дунёга келди.

Қўрғон қишлоғи қадимдан дostonчилик тараққий қилган, дostonчиларнинг донғи Бухоро, Қарши, Жиззах

ва бошқа жойларга тарқалган жойдир. Эргашнинг бо-болари, бувилари, отаси ва амакилари шу қишлоқнинг кўзга кўринган дostonчиларидан бўлган. Унинг бувиси Тилла кампир ўз замонасининг ўткир шоираси эди. Амакиси Жасоқ бахши эса кўп шоғирдлар етиштирган. Пўлкан ҳам ундан таълим олган.

Эргашнинг отаси машҳур дostonчи бўлиб, саводсиз эди. Шунинг учун у Эргашнинг ўқимишли бўлишини истайди. Шу мақсадда 1875—1876 йилларда уни ўқишга беради. Ёш Эргаш Навоий, Фузулий асарларини зўр ҳавас билан мутолаа қилади, унда адабиётга бўлган қизиқиш кучаяди. Терма, дostonларни ёд олади, ўзи ҳам аста-секин термалар ярата бошлайди.

Эргашни Бухоро мадрасасига жойлаштирадilar. У мадрасада 1884—1885 йилларда таҳсил кўрди. Иқтисодий томондан қийналганлиги сабабли мадрасани ташлади. 1886 йилда отаси Жуманбулбул вафот этади. 8 кишидан иборат оилани тебратиш Эргаш зиммасига тушади. Жуда қийналади. 1887—89 йилларда амалдор Қўзибекка котиблик қилади. Аммо вабо касали тарқалиб, унинг оиласидан бир неча киши вафот этади. Кейинча оилада содир бўлган фожиани эслаб, шоир ёзади: «Менинг бошимга тушган савдонинг адади, поёни йўқ. Мен катта бир ҳовлида ўзим қолдим. Икки ини, икки сингил, тўрт-беш қиздан, тўрт-беш ўғилдан, хотиндан, боладан айрилиб... сарсон-саргардор бўлиб, улоқиб, айрилиқнинг ўтига тутаниб, алам-ситам, қайғу-мотамлар билан кунларни, ойларни, йилларни ўтказиб, элма-эл, юртма-юрт, шаҳарма-шаҳар, қўрғонма-қўрғон, овулма-овул, довди-раб юрдим».

1885 йилдан 1917 йилгача Эргаш шоир ўз қишлоғида деҳқончилик билан машғул бўлади. Шу билан бирга қишлоқма-қишлоқ юриб дoston айтади.

1818—1922 йилларда Эргаш Жуманбулбул Самарқанд ва Зарафшон округларининг шаҳар ва қишлоқларида дoston айтиб кезиб юрди. 1922—1923 йилларда яна Қўрғон қишлоғига қайтиб келиб, ўз ижоди билан шуғулланди, шоғирдлар тарбиялай бошлади.

Эргаш шоир 1924—1925 йилларда Жўшдаги Қоракисса қишлоғида бир хонали мактаб очади ва муаллимлик қилади.

1925 йил кўзида Самарқандга келди ва бу ерда Пўлкан билан биргаликда ўз репертуаридаги дostonларни ёзиб қолдиришга киришди.

1929—1936 йилларда Эргаш шоир яна ўз қишлоғига қайтиб, асосан деҳқончилик ишлари билан шуғулланди. 1937 йил 12 майда Қўрғон қишлоғида вафот этди.

Эргаш шоир Қўрғон қишлоқ дostonчилигининг йирик вакилидир, ўз дostonлари билан ўзига ўлмас ҳайкал қолдирди. Қўрғон қишлоғидаги дostonчилик традицияси узоқ давом этган. Маълумотларга қараганда бу ерда XIX асрнинг II ярмида 20 дан ортиқ дostonчи етишган.

Эргашнинг шоир бўлиб ўсишида момоси Тилла кампир, Султон кампир каби шоираларнинг, отаси ва амакиларининг таъсири катта бўлган. Ана шулар таъсирида Эргаш ўзбек халқ дostonларининг барча гўзалликларини ўргана борган.

Эргаш шоирнинг Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар ўтган ҳаёти мунгли ва фожияли бўлди. Эргаш шоир куйлаган дostonлар ўзининг ғоявий-бадий юксаклиги билан кўзга ташланиб туради. У «Гўрўгли», «Холдорхон», «Хуш келди», «Авазхон», «Ҳасанхон», «Далли», «Равшан», «Хиромон», «Қундуз билан Юлдуз», «Нурали», «Алпомиш», «Юсуф Аҳмад», «Алибек билан Болибек», «Кунтуғмиш», «Якка Аҳмад», «Вомиқ Узро», «Қумри», «Ошиқ ғариб», «Қизжибек», «Тулумбий», «Махтумқули» каби 20 дан ортиқ традицион дostonларни, жуда кўп термаларни билар эди. Буларнинг фақат ярмигина ёзиб олинган, холос.

Эргаш шоир ёзма адабиётдан хабардор бўлиб, Навоий, Фузулий, Бедил, Машраб асарларини яхши билганлиги учун ҳам унинг дostonлари бошқа халқ шоирлари дostonларидан кўп жиҳатдан устун туради. Бу нарсани Эргаш дostonларининг тили, услуби ва бошқа поэтик хусусиятларида яққол сезиш мумкин. У ўз асарларида сўзларни мумкин қадар тежаб-тергаб ишлатишга, бир-икки байт ёки банд билан бутун бир ҳаётий лавҳани беришга интиларди. Айниқса, у тажнисли тўртликлар ва қофия тузишга моҳир эди.

Маълумки, ўзбек фольклорида энг мукаммал ишланган дostonлар орасида Гўрўгли циклидаги асарлар муҳим ўрин тутди. Гўрўгли номи билан боғланган дostonлар сони қирққа боради. Эргаш шоир ҳам «Гўрўгли» дostonларини жуда севган, куйлаган. Бу жиҳатдан шо-

ирнинг «Армонинг қолмасин» термаси характерлидир. Унда шоир қаҳрамон—Гўрўглининг бутун қилган ишларини унинг ўз тилидан гапиртиради:

Эл қидирдим, ҳадсиз юрдим,
Элни тўғри йўлга бурдим.
Гўрўгли деб аталган сўнг
Кўп душманни танҳо урдим.
Урдим армоним қолмади,
Ургин армонинг қолмасин.

Чамбилни қилдим обод,
Бердим доим қанду новвот,
Ўзбек, туркман барин йиғиб,
Сарпо ёпдим қават-қават.
Элдан армоним қолмади,
Халқдан армонинг қолмасин.

Эргаш шоирдан «Гўрўгли» циклидаги дostonлардан бештаси—«Хуш келди», «Далли», «Қундуз билан Юлдуз», «Равшан» ва «Холдорхон» ёзиб олинган. Бу дostonлар бир-бирига боғлиқ бўлган турли темаларда ёзилган. Жумладан, «Хушкелди» дostonида асосан Гўрўгли ва унинг мардлиги, эпчиллиги тўғрисида куйланса, «Далли»да Ҳасанхоннинг ёшлиги, мардлиги ва қаҳрамонлиги тасвир этилади.

«Қундуз билан Юлдуз» дostonида Авазнинг гўзал фантастик саргузашти ифодаланса, «Равшанхон»да Гўрўглининг набираси Равшаннинг чин муҳаббати, чидамли ва мардлиги, дўстлик ва адолат мотивлари тараннум қилинади.

Октябрь социалистик революциясидан сўнг Эргаш шоирнинг ижоди гуркираб ўсди. У энди революциягача куйлаб келган дostonларини янги ғайрат, янада кўтаринки руҳ билан куйлашда давом этди. Шунингдек, революция ютуқларини, эркин социалистик ҳаётни улуғлашни, Коммунистик партияга, улуғ Ленинга, совет халқига чексиз муҳаббатни куйлашни ўзининг асосий бурчи деб билди. Унинг «Октябрь», «Шўро», «Қизил», «Келдим», «Ўртоқ Ленин» каби асарлари шулар жумласидандир.

Эргаш шоирнинг «Ўртоқ Ленин» асари унинг ижодиётида ва умуман ўзбек совет фольклорида муҳим ўрин тутди. Бу тугалланмаган дoston 1928 йилда шоирдан

ёзиб олинган. «Ўртоқ Ленин» достони чуқур ижтимоий мазмунга эга. Шоир асарда социалистик революция галабасининг моҳиятини очиб беради, В. И. Ленин образини яратишга интилади.

Достонда бир-бирига қарама-қарши икки синф вакилларининг типик образлари ҳаётий реалистик фактлар асосида акс эттирилган. Бир томонда эксплуататор синф вакиллари гавдалантирилиб, уларга нафрат ифодаланса, иккинчи томонда меҳнаткаш халқ ҳаёти, халқнинг В. И. Ленинга миннатдорчилиги ва самимий муҳаббати изҳор этилади. Буни шоир халқ ижодига хос содда тил билан, ўқувчига тушунарли қилиб ифодалаган:

Ўлтиришга бир ҳикоят айлайин,
Ўртоқ Ленин ишин сўзман бошлайин.
Ленин номи баланд турар ўртоқлар,
Бошқа сўзни энди кейин ташлайин.

Достонда ўтмишнинг жирканч, ярамас, азоб-ўқубатли ҳаёти, ҳукмдорларнинг қаттиқ зулми фош этилади.

Бу чоққача қанча замонлар ўтди,
Қанча подшоҳ, амир ҳам хонлар ўтди...
Оқ ит билан қора ит, бари бир ит,
Ўз кайфини суриб султонлар ўтди.

Ўтмишнинг ярамас иллатларини, меҳнаткаш халқнинг жабр-зулм тортганлигини бирма-бир санаб келар экан, бундай ҳаётдан сабру косаси тўлган халқнинг сиёсий онги уйғониб, қўзғолганини, В. И. Лениннинг курашга бел боғлаганлигини тасвирлайди:

Ленин ўртоқ ўйлади, кўп ўйлади,
Бир нечага замонани сўйлади.
Қачонгача оқар деди кўз ёшлар,
Инқилобга белин маҳкам боғлади.

Шоир В. И. Лениннинг революцион фаолияти ўз-ўзидан стихияли равишда келиб чиқмаганини реалистик лавҳаларда бирма-бир характерлайди.

Умуман, Эргаш шоир ўз ижодида В. И. Ленинга ва Коммунистик партияга, социалистик тузумга нисбатан халқ қалбида жўш ўрган меҳрни бадиий ифодалай олган.

ФОЗИЛ ЙЎЛДОШ ЎҒЛИ

Фозил Йўлдош ўғли 1872 йилда Самарқанд область Булунғур район Бўдана қишлоқ советига қарашли Лойқа қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Унинг отаси ўзбекларнинг қирқ уругидан бўлиб, деҳқончилик, қисман чорвачилик билан шуғулланарди. Лойқада кун ўтказа олмаган Йўлдош ака онласи билан бошқа ҳамқишлоқлари қатори 1873 йилда Челақка кўчиб боради. Фозилнинг ота-онаси бойлар эшигида хизматкор бўлиб ишлади. Йўлдош ота 1877 йилда вафот этди. Беш ёшида отадан етим қолган Фозил онаси билан янада машаққатли кунларни бошидан кечиради. Фозил 9 ёшидан бошлаб бойларнинг молини боқади, чўпонлик қилади. Шу тахлитда 19 ёшигача дала-даштда бойларнинг малайи бўлиб, чўпонлик қилади.

Фозил шоир кейинча ёзган «Кунларим» термасида ўзининг аянчли ўтмишини шундай эслайди:

Олти ёшда қумсаб-қумсаб отамни,
Оғир меҳнат эзди шўрли онами.
Эна-бола тополмадик бир нонни,
Парча нон деб йиғлаб ўтган кунларим...
Тўққизимда бел боғладим меҳнатга,
Чўпон бўлдим тушдим яна гўрбатга.
Ишлаб едим, лекин қолдим миннатда,
Парча нон деб миннат чеккан кунларим...

Фозил шоир тахминан 19—20 ёшларида ўз қишлоғига қайтади ва чорақ таноб ерида ишлаб, деҳқончилик билан кун кечиради. У ўқишга имконият топмади, саводсиз қолди. Лекин Фозил ёш вақтидан адабиётга қизиқди, мол боқиб юрган кезларида дўмбира чертишни ўрганди, мустақил кўшиқлар ярата бошлади.

Фозилнинг бахтига ўша пайтлар Лойқа қишлоғида уч ака-ука — Йўлдош, Қўлдош ва Суяр бахшилар бўлиб, Йўлдош шоир Фозилни ўз тарбиясига олади. Достончилик репертуаридаги кўп достон ва термаларни ёдлаб олади ва мустақил айтадиган бўлади. 25—26 ёшларида халқ ўртасида синовдан ўтиб, Фозил шоир номини олади.

Фозил шоир ўз таланти ва истеъдоди тўғрисида 40 дан ортиқ традицион достонни ўрганди ва ижод қилди. Унинг

оғзидан ёзиб олинди, Х. Олимжон сўзбошиси билан нашр этилган «Алпомиш» дostonи энг мукаммали ҳисобланади (Бу ҳақда биз юқорида алоҳида тўхталдик).

Шоир репертуаридаги дostonларнинг баъзилари («Санобар», «Назар ва Оқбўтабек») халққа манзур бўлмагани учун унинг репертуаридан тушиб қолган, баъзи дostonларнинг мотивларидаги эски анъаналарни ўзгартириб қайтадан ишлаган. Бу ҳолни «Алпомиш», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» дostonларида кўриш мумкин.

Фозил шоир ижодининг ажойиб фазилатларидан бири унинг замонавийлигидир. У давр воқеа-ҳодисаларини ўткир кўзи билан сеза олди, ўз муносабатини билдирди.

Айниқса, буни 1900 йилларда Ўрта Осиёнинг кўп қисмини чигиртка босиб кетиши муносабати билан яратган «Чигиртка» сарлавали кўшигида сезиш мумкин. Бу асарда экинни чигиртка еб тугатгани, оқибатда қашшоқлик ортиб, қимматчилик бошлангани, булар ҳаммаси меҳнаткаш бошига тушганлиги ҳикоя қилинади.

Босиб еди Андижон, Марғилонни,
Сўнгра ўтиб қўш ташлади Қўқонга,
Косибларнинг қўли бормаи дўконга,
Меҳнаткашга кўз олайтди Чигиртка.
Не ерларни хароб этди Чигиртка.

Фозил Йўлдош ўғли замонавий темада йирик эпик асарлар ҳам яратди. Унинг «Маматкарим полвон», «Жиззах қўзғолони», «Очилдов», дostonлари шоирнинг кўрган, эшитган, бевосита иштирокчиси бўлган воқеа-ҳодисалар таъсирида яратилгандир.

Биз шоирнинг «Маматкарим полвон», «Жиззах қўзғолони» дostonлари тўғрисида юқорида фикр юритдик.

«Очилдов» дostonида шоир босмачиликнинг синфий моҳиятини очиб ташлади, босмачилик ҳаракатининг ташкилий равишда тузилган аксилнқилобий ҳаракат эканлигини фoш қилди. 1920 йилда ички контрреволюцион кучлар ва чет эл империалистларининг ёрдами билан Самарқанд областида Очилдов исмли қўрбоши бошчилигида босмачилик ҳаракати авж олади. Дostonда Совет ҳокимияти раҳбарлигида халқнинг босмачиларга қарши олиб борилган кураши тасвирланган.

Шоир Октябрь революцияси туфайли озод, бахтли ҳаётга эришди. Шу сабабли у ўз шеърларида В. И. Ленин-

ни, Коммунистик партияни куйлади, обод социалистик Ватанни, халқимизнинг бахтли турмушини тараннум қилди. У бир шеърда ёзади:

Ёдимда ҳамиша сен падар Ленин,
Кўнглимда сўзларинг нон қадар Ленин.
Денгиздай тўлганиб, балқийди фикринг,
Эзилган элимга озодлик бердинг,
Ишчи ҳам деҳқоннинг доҳийси ўзинг,
Бир умр сақланур ёдимда сўзинг.

Шоир «Октябрни қутлайман» шеърда ўзининг Ленин партиясига миннатдорчилигини ифодалаган бўлса, «Сельмаш» шеърда Ташсельмаш заводининг аҳамияти ҳақида гапиради.

1938 йилда Фозил шоир Қозоғистонга — Жамбулнинг 90 йиллик юбилейига боради. У билан суҳбатда бўлади. Шу муносабат билан шоир «Жамбул» шеърини яратади.

Фозил Йўлдош ўғли 1940 йилда СССР Езувчилар союзига ҳақиқий аъзо билиб сайланади, 1942 йилда Коммунистик партия сафига қабул қилинади. Буларнинг барчаси Фозил отанинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Умумхалқ ишига, жамоат ишларига актив иштирок эта бошлайди.

Улуғ Ватан уруши йилларида шоир ўз қаламини душманга қарши қаратди. Унинг уруш йилларида яратган «Армиям», «Элат ботир», «Жаҳон тинглагай» каби асарларида Совет Армиясининг куч-қудратини, совет тузумининг енгилмас монолит бирлигини куйлади.

Урушдан сўнгги йилларда ҳам Фозил ота анча баракали ижод қилди. «Кунларим» автобиографик асарини яратди.

Партия ва ҳукуратимиз шоир хизматларини муносиб тақдирлади. У Ленин ордени ва қатор ҳукурат мукофотлари олишга муяссар бўлди. Фозил шоирнинг дostonчиликдаги кўп йиллик хизматлари учун 1928 йилда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети унга умрбод пенсия тайин этди.

Фозил шоир 1955 йил, май ойида ўз қишлоғида вафот этди.

МУҲАММАДҚУЛ ЖОМРОТ УҒЛИ ПЎЛКАН

Муҳаммадқул Жомрот ўғли ўзбек халқининг талантили шоирларидан бўлиб, Пўлкан унинг адабий тахаллу-

сидир. Пўлкан 1874 йилда Хатирчи район Охунбобоев қишлоқ советига қарашли Қатогон қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Пўлкан ёшлиғидаёқ ота-онадан етим қолади. 10 ёшидаёқ қора ишларни бажаришга мажбур бўлади, бойларнинг молини боқиб, чўпонлик қилди. Пўлкан чўпонлик қилиб юрган вақтларида дўмбира чертиб, қўшиқ ва термалар айтишни ўрганди. Пўлканнинг истеъдодини сезган Жасоқ бахши ўз тарбиясига олади. Икки йил ичида мустақил равишда дoston ва термаларни куйлай оладиган бўлади, сўнгра халқ ўрта-сида махсус синовдан ўтиб, Пўлкан шоир номини олади. У 25 ёшида машҳур ва уста дostonчи бўлиб етишади.

Пўлкан бутун ижоди давомида 70 га яқин дostonни билган ва куйлаган. Пўлкан куйлаган дoston ва термалар тематик ва жанр хусусиятлари жиҳатидан ранг-баранг бўлган.

Пўлканнинг репертуарида «Гўрўғлининг туғилиши ва болалиги», «Юнуспари», «Мисқолпари», «Авазхон», «Райхон подшо», «Ҳасанхон», «Чамбил қамали», «Бўта-кўз», «Авазнинг уйланиши» ва бошқа шу каби дostonлар бўлиб, уларнинг кўпчилигини «Гўрўғли» циклига кирувчи дostonлар ташкил этган.

Пўлкан куйлаган дostonлар ичида ўзининг социал-ижтимоий ва бадий қиммати жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга бўлгани «Чамбил қамали» дostonидир. Халқимизнинг Ватанга муҳаббати, араб босқинчиларига қарши чексиз нафрати, халқнинг баҳодирона кураши, иродаси маҳорат билан ифодалангандир. Дoston 1927 йилда ёзиб олинган. Дostonда Гўрўғли, Ҳасан, Аваз, Юнуспари, Гулчеҳра каби ижобий образлар яратилган бўлиб, улар орқали халқнинг юксак идеали, романтик ҳаёли тарихий воқеалар фонида тасвирланган.

Пўлканнинг бу дostonи ўзбек халқ оғзаки ижодида ватан мудофааси темасида яратилган, халқнинг чет эл босқинчиларига қарши қурашини акс эттирган энг муҳим асарлардан биридир.

Пўлкан бошқа халқ шоирлари каби традицион сюжетли дostonларни куйлашда, уларни ғоявий-бадий жиҳатдан ишлашда катта маҳорат кўрсатди. Унинг «Хуршидой» асарини олиб кўрайлик. Автор бу асарда Хуршидой образи орқали шариат пешволари—эшонларнинг асл башарасини, уларнинг кирдикорларини очиб ташлайди.

Дostonда тасвирланишича, Хуршидойнинг отаси сафарга чиқиш олдидан ўз қизини эшонга топшириб кетади. Эшон эса қизни тарбиялаш ўрнига унга ёмон кўз билан қарайди, унга эр бўлгиси келади. Эшоннинг қизга қарата айтган:

Яхши куйлак баданингга киягай,
Тан бағишлаб, ўзинг менга тиягай,

каби сўзларига чидай олмай, қаҳр-ғазаб билан унинг ярамаслигини, разиллигини фoш этади. Ғазабланган Хуршидой:

—Эшит дейман, эшак, эшон. тилимни,
Вой, аттанг, лойладинг ойдай қўлимни.
Номаҳрамсан, билагимдан ушлама,
Бенмон, қўйивор, менинг қўлимни,—

деб офтоба билан уриб эшоннинг бошини ёради. Эшон эса қизга тухмат қилиб, уни ўлим жазосига тортиради. Хуршида кўп азоб-уқубатларни бошидан кечиради. Аммо асар охирида ўзининг чидамлилиги, бардоши, кураши билан мақсадига эришади. Эшон ва унинг тарафдорлари шарманда қилинади. Эшоннинг ўзи эса тошбўрон қилиниб ўлдирилади. Шоир бу асариди ўз эрки ва ҳуқуқи йўлида мардона курашган жасур қиз образини ярата олган.

Шуниси характерлики, Пўлкан яратган хотин-қизлар образи бошқа бахшилар яратган хотин-қизлар образига нисбатан актив ҳаракат қилади. Улар ўз эрки, ҳуқуқи, инсоний қадр-қиммати йўлида ўлимга ҳам тик қарайдилар. Бу хусусиятни унинг «Комсомолка Ойтўти» асаридаги Ойтўти мисолида янада аниқроқ кўриш мумкин.

Асардаги Ойтўти образи ўз озодлиги йўлида актив курашган ўзбек хотин-қизларининг умумлашган образидир.

Дostonда ҳаётий воқеа конкрет конфликтларда, синфий кураш фониди гавдалантирилади. Синфий душманларнинг янги ҳаёт, колхоз тузуми ҳақида тарқатган игволарига ишонган Эрмат ўз хотини Ойтўтини янги йўлдан, социал ҳаётдан қайтармоқчи бўлади. Хотинига турли дўқ, пўписалар қилади:

Оқизиб қўяман кўздан ёшингни,
Чивинга талатиб қўяй гўштингни. . .

каби сўзлар билан уни қўрқитмоқчи бўлади. Аммо Ойтўти ўз йўлидан қайтмайди. У ўз мақсади сари интилади. Ойтўти эрига қарата: «Менинг ота-онам ҳукумат. Қомсомоллар менга ҳимоя. Сен мени ўлдирсанг, улар сенинг тухумингни қуритади».—деб дадил жавоб беради. Аммо қолоқ Эрмат хотини жонига қасд қилади. Ойтўтини райондан қайтиб келаётганида йўлда ўлдиради.

Достон охирида Ойтўтини кўмиш маросими берилади. Эрматнинг оломон томонидан калтаклангани, суд қилинганлиги ва жазосини торганлиги сўзланади. Асар Ойтўтининг фожиали ўлими билан тугаса-да, асар озод ҳаётни тасдиқловчи оптимистик руҳ билан суғорилган,

Пўлкан миллий чегаралаш, ер-сув ислоҳоти, хотин-қизлар озодлиги каби ижтимоий-сиёсий воқеаларни 1927 йилда яратган «Ҳасан батрак» достонида тасвирлади. Бу достонда реал воқелик, 20-йилларда Ўзбекистонда бўлган синфий кураш Ҳасан батрак, Мамарайим фирқа, Қобил фирқа, Эшбой каби ижобий қаҳрамонлар хатти-ҳаракатлари, кураш ва интилишлари тасвирида акс эттирилган.

Достонда тасвирланишича, Айвазбойнинг Ҳасан қайқи (яъни ўжар) деган қароли бўлади. У бойнинг эшигида ёшлигидан ҳизмат қилади: Ҳасаннинг отаси ҳам қарор ва подачи бўлиб ўтади. Отасининг қарзи Ҳасанга ҳам мерос бўлиб қолади. У тинмай ишлайди. Аммо бири икки бўлмайди. Шу орада Улуғ Октябрь социалистик революцияси галаба қилади. Ҳасан каби камбағаллар қад қўтардилар.

Ҳасан Айвазбой каби эксплуататорларни тугатишда актив иштирок қилади. Айвазбойнинг қизи Ойқизга уйланади. Бахтли ҳаётга эришади.

Шоир Мамарайим фирқа образида Коммунистик партиянинг раҳбарлик ролини кўрсатишга интилган. Умуман «Ҳасан батрак» достони ўзбек совет фольклорида тикланиш даврини акс эттирган гоёвий-бадий томондан етук асарлардан ҳисобланади.

Пўлкан бир қанча термалар ҳам яратган. Унинг «Тўйдик эшоннинг дастидан» термасида руҳонийларнинг сирлари фош этилади.

Шоир социалистик Ватан мудофааси темасида 1929 йилда «Ҳасан кўл» номли достон яратди.

Унда Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимиз чегараларининг дахлсизлиги, мустаҳкамлиги, Совет Армиясининг қудрати куйланади. Асарда Совет Армиясининг япон самурайларига қарши олиб борган кураши тасвирланади.

Шоирнинг совет даврида яратган достон ва термаларида даврнинг муҳим ва актуал масалалари куйланди. У хотин-қизлар озодлиги, ер ислоҳоти В. И. Ленин ва партияга бағишланган асарларида халқимизнинг фикрини ифодалади.

Шоир 1941 йилда вафот этди.

ИСЛОМ ШОИР НАЗАР УҒЛИ

Ислом шоир оддий меҳнаткаш оиласидан етишиб чиққан талантили санъаткор эди. У 1874 йилда Нарпай район Оқтош қишлоқ советидаги Галақассоб қишлоғида камбағал-деҳқон оиласида дунёга келди. Шоирнинг отаси Назар Ражаб ўғли бир парча ерида деҳқончилик қилган. Аммо қашшоқликда яшашга мажбур бўлган. Отақулибой деган бойнинг уйида хизмат қилиб, қарзга ботган ва 76 ёшида оламдан ўтган.

Ислом ёшлигиданоқ акаси билан қишлоқ подасини боқади. Кейинча қаттақўрғонлик Саидмаҳсум деган бойникида хизматкорлик қилади. Шу ерлик пахтачи Олимбой уйида ҳам ети йил чўпонлик қилади. Шоир ўзининг ёшлик йилларини: «Юрганым», кўрганым дашт, боққаным қўй-қўзи, улфатим жафокаш чўпонлар бўлди. Умрим бино бўлиб ёшлигимда, йигитлигимда янги кийим кийганимни, қорним тўйиб овқат еганимни билмайман», деб эслаган.

Ислом шоир ёшлигида мактаб кўрмайди. шунинг учун умр бўйи саводсиз қолади. Шунга қарамасдан, у ёшлигидан шоирликка қизиқади. Унинг талантининг ўсишида катта шоир бўлиб ўтган бобоси Ражабнинг таъсири муҳим роль ўйнайди.

Ислом шоир 32 ёшида Абдурахмон деган шоир билан танишади. Ундан Бердақнинг «Яхшироқ» номли шеърини ўрганиб олади, ўзи ҳам шунга ўхшатиб термалар яратади.

Шоир Мирзачўлдаги Кенас (князь) ариққа ишлагани боради, у ерда 6 ой ишлайди. Ариқ қазувчиларга достонлар, термалар айтиб беради.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар шаҳарма-шаҳар қишлоқма қишлоқ кезиб юриб, ўз дўмбираси билан дostonлар, термалар ва классик шоирлар асарларидан намуналар куйлайди.

Ислom шоир «Гўрўглининг Боғрайхон шаҳрига бориши», «Ойдин ошиқ», «Гули Санубар», «Хурлиқо Қосимхон», «Зулфизар билан Авазхон», «Орзигул», «Кунтуғмиш», «Соҳибқирон», «Гули хиромон», «Алпомиш», «Рустамхон», «Эрали ва Шерали» каби дostonларни, Махтумқули, Бердақ, Машрабнинг ахлоқий дидактик характердаги шеърларини куйлади. У 30 дан ортиқ халқ дostonларини билар, шунингдек, халқ кўшиқлари, эртактарини ҳам маҳорат билан айтарди. Юқорида саналган дostonларнинг кўпчилиги бошқа халқ шоир-бахшилари томонидан кўйланган бўлса-да, Ислom шоир уларни ўзига хос куйлади, бадий жиҳатдан ишлаб, лирик парчалар билан бойитди.

Ислom шоир репертуаридаги «Зулфизар билан Авазхон» дostonида ўзбек халқ эпосининг реалистик ва демократик тенденцияси ўз ифодасини топди.

«Орзигул» дostonида эса феодализм жамиятининг чиркинлигини фош этиб, халқнинг келажакдаги бахтсаодатини куйлайди, дostonда ватанпарварлик, чин севги, дўстлик, қаҳрамонлик, душманга газаб, нафрат мотивлари илгари сурилади. Дostonда ўша жамиятдаги ярамас урф-одатлар очиб ташланади. Халқнинг ҳақиқат ва адолат учун олиб борган курашлари бадий образларда куйланади.

Дostonнинг бош қаҳрамони Орзигул боғбон кўлида тарбияланади. Чексиз зулм ва азоб-уқубатни ўз бошидан кечиради. Орзигул тасвирида шоир ўтмишдаги ўз эрки, озодлиги йўлида курашган қаҳрамон аёл образини беради. Орзигул ўз мақсади йўлида учраган ҳар қандай қийинчиликларни енгади, ҳатто севгани Сувонхон билан душманга қарши жанг қилади. Дostonда хотин-қизларнинг фақат оила ҳаётида эмас, балки меҳнатда ва мамлакат бошига оғир мусибат тушган пайтда эрлар билан барабар жангда фидокорлик кўрсатганликлари усталик билан тасвирланади. Дostonдаги образлар тўлақонли, пухта ишланган ҳаётий образлардир.

Ислom шоир термалар яратиш ва куйлашда ҳам ўзининг овозини, талантини кўрсата олган шоир эди.

Революциягача бўлган даврда яратган термаларида шоир ўзининг аҳволини, эркисиз ҳаётини тасвирлаш орқали умуман ўзбек меҳнаткашларининг бахтсиз турмушини бадий ифодалади. Унинг «Дўмбирам» номли шеъри бу жиҳатдан характерли. Шеърда шоир руҳий кечинмасини, таржиман ҳолига оид муҳим маълумотларни келтиради.

Сенинг эганг тугилган Қассобли кентда,
Бўёгинг золдори, қопқоғинг тутдан.
Сенинг нолишингга қойил барчалар,
Улфатинг ҳар юртдан бўлган дўмбирам.

Шоирнинг «Мингбоши» термасида эса феодал амалдорларининг халқ қонини зулукдек сўрганликлари, уларнинг очкўзлик, талончилик, андишасизлик хусусиятлари очиб ташланади.

Кўтир эшакка ўхшар унинг синбати,
Очиққан бўридай юртнинг жаллоди,
Элу юртни соғиб ичмоқ одати,
Шайтон сифат, ҳийлакорди иллоти,
Жабр айлади харомхўр шу мингбоши.

У Улуғ Ватан урушидан аввал бир қанча термалар яратди. Бу термалар социалистик ҳаётнинг, совет воқелигининг турли соҳаларига бағишлангандир.

Улуғ Ватан уруши бошланган кунданоқ Ислom шоир ўз шеърларида жанговарлик, ватанпарварлик, дўстлик мотивларини ифодалади. Шоирнинг «Жангнома» ва «Қаҳрамоннома» номли шеърлар тўплами ватанпарвар халқ шоири сифатида уни халққа танитди.

1942 йилда яратган «Душманни Ватандан сурунг» шеърида совет жангчиларини мардликка, жасоратга ундайди.

Ер юзида қўймангиз, ёвларни бўстондан сурунг,
Ваъдаси йўқ ўғрилари балки оламдан сурунг.
Ғайрат айлаб, эй ботирлар, мисли тўпондай сурунг,
Аҳли меҳнат бирлашиб шеру қопландай сурунг,
Ҳеч ерда манзил топмасин чангги тўзондай сурунг.

Ислom шоирнинг уруш даврида айтган кўшиқларида юксақ оптимистик руҳ барқ ўриб туради.

Қароқчини ким севади жаҳонда?
Юзи, қора, эл олдида шарманда!
Ҳасрат билан охир ўлар армонда.
Жаҳон янчар гитлерчини беомон!

Ислом шоир «Қаҳрамон лейтенант Бундюк» шеърда мард совет учувчиси образини чизади. Шеърда Бундюкнинг энг оғир вақтларда ҳам саросимага тушмасдан тадбиркорлик билан иш кўришини тасвирлайди. Бундюк образи мисолида совет жангчисига хос оташин ватанпарварлик ҳусусиятлари кўрсатилади.

Тўрт қўзғунни кўриб қолди йироқдан
Шиддат билан ўқ узди пўлат пирокдан.
Қойил қолиб эл-юрт боқди ҳар ёқдан,
Ёв қидириб Бундюк учар осмонда.

Ислом шоир ўзининг «Қўш унвон муборақ», «Қизил Байроқ орденли Седов ўғлимга», «Совет Иттифоқи Қаҳрамони Жуков ўғлимга», «Тўйчи Иброҳим», «Аҳмад Ботир», «Яша, Қўчқорим» каби ғоявий-бадиий жиҳатдан пухта ишлаган шеърларида азамат совет жангчиларига хос бўлган қаҳрамонликни улуғлади.

Урушдан кейинги йилларда Ислом шоирнинг ижоди янги поғонага кўтарилди. Янги-замонавий дostonлар яратди, кўплаб қўшиқлар тўқиди, традицион фольклор асарларини кўйлашда давом этди.

Ижтимоий-сиёсий ва жамоат ишларида актив иштироқ этди. Шоирнинг урушдан кейин айтган «Икки район мусобақаси», «Еганинг шакар, болам», «Булунгурдан кейин қолмасин Нарпай» каби шеърлари меҳнат темасига бағишланган бўлиб, уларда халқимизнинг яратувчилик фаолияти кўйланади, ижодий меҳнатда, мамлакатни қайта қуриш ишида илгор бўлишга чақиради.

Ислом шоир тинчлик темасида ҳам бир қатор шеърлар яратди. Унинг «Биз тинчлик тарафдоримиз», «Нафрат сенга Труменчи жаллодлар», «Тинчлик бўлур барқарор», «Тинчлик жарчиси» шеърлари шулар жумласидандир.

Ислом шоирнинг «Нарпай қаҳрамонлари» номли достони урушдан кейинги яратилган йирик асаридир. Бу асарда нарпайлик Очил Абдиев ота-онасининг революциядан авалги ҳаёти, граждон уруши йилларидаги фао-

лияти, Абдиевнинг Улуғ Ватон урушидаги иштироки, урушдан кейин ўз қишлоғига қайтиб келиши ва фидо-корона меҳнат қилиши баён қилинган.

Партия ва ҳукуматимиз халқ шоирлари қатори Ислом шоир ижодига ҳам алоҳида эътибор ва ҳурмат билан қараб келди. Унга имкониятлар яратиб берди. Ўзбекистон Совет Ёзувчилари союзи правлениеси Ислом шоир билан ишлаш учун шоир Қуддус Муҳаммадийни секретарь қилиб тайинлади.

Ўзбекистон ҳукумати 1940 йили унга «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвонини берди ва умрбод шахсий пенсия тайинлади. 1940 йили СССР Олий Совети Президиуми уни Ленин ордени билан мукофотлади. Булардан ташқари, Ислом шоир «Меҳнатда ўрнатган кўрсатгани учун», «1941—1945 йиллар Улуғ Ватон уруши давридаги шавкатли меҳнати учун» медаллари билан тақдирланди.

Ислом шоир кўп йиллар Нарпай район Советининг депутати бўлиб келди.

Ислом шоир 1953 йил 17 июнда Нарпай районида вафот этди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарорига биноан Нарпайдаги мактаб, кўча ва совхозлардан бирига Ислом шоир номи берилди, унга ҳайкал ўрнатилди.

ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИНИ ТўПЛАШ ВА ЁЗИБ ОЛИШ

Халқ орасида узоқ асрлардан буён оғиздан оғизга, авлоддан авлодга ўтиб келаётган ёки янги ижтимоий-тарихий шароитда, совет воқелиги заминида яратилган фольклор асарларини тўплаш ва уларни ёзиб олиш фольклористиканинг муҳим вазифаларидан биридир. Шу мақсадда илгаридан аниқланган районларга махсус фольклор экспедицияси уюштирилади. Экспедицияга чиқкишдан аввал халқ оғзаки ижоди асарларини қандай ёзиб олиш ҳамда тўплаш юзасидан махсус тайёргарлик кўрилади, экспедиция қатнашчиларига инструктаж ўтказилади, план тузилади. Ҳар бир студентга ёки экспедиция қатнашчисига конкрет топшириқлар берилади.

Фольклор асарларини ёзиб олишда қуйидаги талабларга риоя этиш зарур.

1. Ёзиб олинган асарнинг паспорти расмийлаштирилади, яъни унда:

- а) асарнинг сарлавҳасини аниқ кўрсатиш;
- б) айтувчининг шахсига доир маълумотларни (исми, фамилияси, жинси, миллати, уруғи, касби) ёзиб олиш;
- в) асарнинг кимдан ўрганганлигини аниқлаш;
- г) ёзиб олинган вақти ва жойи;
- д) ёзиб олувчининг исми, фамилияси, касби;
- е) ёзиб олинган асар тўғрисида қўшимча маълумотлар.¹

2. Фольклор асарларини ёзиб олишда айтувчининг тил хусусиятларини тўла сақлаш. Бунда айрим диалектал ва шева хусусиятларини транскрипцияда бериш зарур.

3. Экспедицияда мазкур районда илгари яшаган халқ бахшилари, шоирлари, эртақчилари тўғрисида, куйланган фольклор асарлари тўғрисида маълумот тўплаш.

4. Экспедицияда техника воситаларидан (магнитофон, фотоаппаратлардан) фойдаланиш.

5. Экспедициядан қайтгач, тўпланган материалларни оққа кўчириш.

Фольклор асарларини яққа тартибда ҳам ёзиб олиш ва тўплаш мумкин. Бунда маҳаллий зиёлиларнинг роли катта. Улар ўзи яшаб ёки ишлаб турган территориядаги маҳаллий халқ ўртасида юриб, халқ оғзаки ижоди асарларини ёзиб олиш, фольклор асарларининг энг оригинал нусхаларини, янги-янги вариантларини топишга ва шу йўл билан халқимиз маданий бойлиги хазинасини тўлдиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

КУРС БЎЙИЧА ЗАРУРИЙ АДАБИЕТЛАР РЎИХАТИ

Маркс К. и Энгельс Ф. Об искусстве. Сб. в 2-х томах. М., «Искусство», 1967, т. I, стр. 125—130.

Ленин В. И. Адабиёт тўғрисида, «Ўзбекистон», 1974, 41—50, 58—74, 282—285-бетлар.

Горький М. Адабиёт ҳақида. Тошкент, Ўздавнашр, 1962, 261—322-бетлар.

Калинин М. И. Адабиёт ҳақида. Тошкент, Ўздавнашр, 1954.

Белинский В. Г. Статьи о народной поэзии. О народных сказках. С. И. Минц, Э. В. Померанцева. Русская фольклористика. Хрестоматия для ВУЗов, М., «Высшая школа», 1971, стр. 25—41.

Добролюбов Н. А. О степени участия народности в развитии русской литературы. Народные русские сказки. С. И. Минц.

Э. В. Померанцева. Русская фольклористика. Хрестоматия для ВУЗов, М., «Высшая школа», 1971, стр. 63—71.

Чернишевский Н. Г. Танланган адабий-танқидий мақолалар. Тошкент, Ўздавнашр, 1956, 401—409-бетлар.

* * *

Ўзбек халқ ижоди, ўзбек совет фольклористикасининг асосчиси Х. Т. Зарифов тугилган куннинг 60 йиллигига бағишланган тадқиқотлар. Тошкент, «Фан», 1967.

Ўзбек совет фольклори масалалари. Тадқиқотлар. Тошкент, «Фан», 1970.

Абдуллаев В. А. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, «Ўқитувчи», 1967, 32—47, 146—150-бетлар.

Жирмунский В. М. и Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. М., ОГИЗ, Госполитиздат, 1947.

Жўраев Ё. Ўзбек халқ поэтик ижодида атеистик қарашлар. Тошкент, «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашриёти, 1961.

Каримов Ғ. Қ. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, «Ўқитувчи», 1966, 29—31, 104—105, 282—283-бетлар.

Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, «Ўқитувчи», 1965, 30—85, 200—201, 238—241, 458—459, 512—514-бетлар.

Маллаев Н. М. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.

Раззоқов Х. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор. Тошкент, «Фан», 1965.

Собиров О. Ўзбек совет фольклори очерки, Тошкент, «Фан», 1971.

Қобулнӣёзов Ж. Ўзбек совет фольклорининг ривожланиш йўллари, Тошкент, «Фан», 1969.

Мақол ва маталлар.

Ўзбек халқ мақоллари (тўртинчи нашр), Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.

Сўз кўрки—мақол, Тошкент, «Еш гвардия», 1970.

Шомақсудов Ш., Долимов С. Кенг уйнинг келинчаги. Тошкент, Ўзбекистон давлат бадий адабиёт нашриёти, 1961.

Тоғишмоқлар.

Ўзбек халқ тоғишмоқлари, Тошкент, ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1961.

Хусаинова З. Ўзбек тоғишмоқлари. Тошкент, «Фан», 1966.

Халқ драмаси

Қодиров М. Ўзбек халқ театри. Тошкент, ЎзССР КП МКнинг нашриёти, 1970.

Аския

Аския, Ўзбек халқ ижоди, кўп томлик, Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970.

Муҳаммадиев Ғ. Аския. Тошкент, ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1962.

Қўшиқлар

Гулёр. Ўзбек халқ ижоди, кўп томлик. Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1967.

Мадҳия. Ленин ҳақида ўзбек халқ қўшиқлари. Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1969.

Оқ олма, қизил олма, ўзбек халқ ижоди, кўп томлик, Тошкент, Ғ. Ғулом, номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари, Тошкент, «Фан», нашриёти, 1974.

Эртаклар

Олтин олма, ўзбек халқ ижоди, кўп томлик, ҳаётий эртаклар, 1-китоб.

Ойжамол, ўзбек халқ ижоди, кўп томлик, ҳаётий эртаклар, 2-китоб, Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1969.

Сув қизи, ўзбек халқ ижоди, кўп томлик, фантастик эртаклар, Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1968.

Гулнорпари, ўзбек халқ ижоди, кўп томлик, Наманган эртаклари, Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1969.

Афзалов М. И. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида. Тошкент, «Фан», 1964.

Имомов К. Ўзбек сатирик эртаклари, Тошкент, «Фан», 1974.

Латифалар

Латифалар, ўзбек халқ ижоди, кўп томлик, учинчи нашри, Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970.

Халқ дostonлари ва халқ бахшилари

Алпомиш. Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли, қайта ишлаб нашрга тайёрловчи. Ҳ. Олимжон, III нашри, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1958.

Булбул тароналари, 5 томлик, Тошкент, «Фан», 1971 — 1973.

Гулихиромон, ўзбек халқ ижоди, кўп томлик, Тошкент, 1965.

Гулнор пари, ўзбек халқ ижоди, кўп томлик, Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1967.

Гўрўғлининг туғилиши, ўзбек халқ ижоди, кўп томлик, айтувчи Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пўлкан. Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1967.

Даस्ताгул, ўзбек халқ ижоди, кўп томлик, янги дostonлар, «Фан», 1969.

Интизор, Нурали, ўзбек халқ ижоди, кўп томлик, айтувчи Фозил Йўлдош ўғли, Тошкент, 1964.

Муродхон, ўзбек халқ ижоди, кўп томлик, айтувчи Фозил Йўлдош ўғли, Тошкент, 1965.

Тоҳир за Зухра, ўзбек ижоди, кўп томлик, айтувчи Раҳматулла Юсуф ўғли, Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.

Ўзбек халқ шоирларининг совет давридаги ижоди, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти 1958.

Об эпосе «Алпамиш». Материалы по обсуждению эпосе «Алпамыш», Ташкент, Изд. АН. УзССР, 1959.

Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни, тадқиқотлар, Тошкент, «Фан», 1971.

Фозил шоир тадқиқотлар, Тошкент, «Фан», 1973.

Афзалов М. И. Пўлкан шоир, ЎзССР ФА нашриёти, 1955.

Мирзаев Т. «Алпомиш» дostonининг ўзбек вариантлари, Тошкент, «Фан», 1968.

Саидов М. Ўзбек дostonчилигида бадий маҳорат, Тошкент, «Фан», 1969.

Собиров О. Ислом шоир Назар ўғли, Тошкент, «Фан», 1967.

7500

МУНДАРИЖА

Кириш	5
Маданий мерос ҳақида Марксизм-Ленинизм таълимоти	9
К. Маркс ва Ф. Энгельс фольклор тўғрисида	12
В. И. Ленин фольклор тўғрисида	14
А. М. Горький ва фольклор	15
Ўрта осий халқларининг энг қадимги оғзаки ёдгорликлари (миф ва афсоналар)	16
Қаюмарс афсонаси	19
Жамшид афсонаси	20
Сиевуш афсонаси	21
Тўмарис афсонаси	22
Широқ афсонаси	24
Ўзбек халқ оғзаки ижодининг жанрлари	25
Халқ дostonлари	26
"Алпомиш" дostonи	29
Халқ эртаклари	34
Афанди латифалари	41
Халқ қўшиқлари	43
Халқ мақоллари	46
Топишмоқлар	49
Халқ драмаси	51
Аския	53
Ўзбек халқ оғзаки ижодининг тарихий тараққиёт босқичлари	55
Феодализм даври ўзбек халқ оғзаки ижоди	55
Алишер Навоий ва фольклор	63
Совет даври ўзбек халқ оғзаки ижоди	75
Эргаш Жуманбулбул ўғли	80
Фозил иўлдош ўғли	85
Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пўлкан	87
Ислom шоир Назар ўғли	91
Фольклор асарларини тўплаш ва ёзиб олиш йўллари	95

На узбекском языке

Шавкат Камалович Холматов

УЗБЕКСКОЕ УСТНОЕ НАРОДНОЕ ТВОРЧЕСТВО
(Учебное пособие)

Редактор — Каримов С. А.

Подписано к печати 24/V-79 г. Формат 84×108¹/₃₂.
Объем 6,25 п/л. Условный изд. п л. 4. РЧ 40085 Тираж 1000
Зак. 992

Типография имени Морозова, Областного Управления
по делам издательств полиграфии и книжной торговли.
Самарканд, ул. У. Турсунова, 82.

